

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕКМУРОД ЙЎЛДОШЕВ,  
ГУЛНОЗА АДАШУЛЛАЕВА**

**ЎЗБЕК ТИЛИДА ЎЗЛАШМА  
ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ  
СЕМАНТИК-УСЛУБИЙ  
ХУСУСИЯТЛАРИ  
(монография)**

**САМАРҚАНД - 2012**

**УДК: 494.3**

**Й – 81**

**Йўлдошев Б., Адашуллаева Г. Ўзбек тилида ўзлашма фразеологизмларнинг семантик-услубий хусусиятлари. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2012. – 102 б.**

**ББК: 81.2Уз**

Ушбу монография ўзбек тилидаги ўзлашма фразеологизмларнинг илмий-назарий тавсифи, бу муаммонинг ўзбек ва тожик фразеологияси фанида ўрганилганлик даражаси, ўзлашма фразеологизмларнинг шаклланиши, айрим семантик ва услубий хусусиятлари таҳлилига бағишланган.

Мазкур асар олий ўқув юртларининг филология факультетлари бакалавр талабалари, магистрантлари, аспирант-тадқиқотчиларига ҳамда ўзбек фразеологияси муаммолари билан кизикувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир:**

**ф.ф.д.АБДУСАИДОВ А.**

**Такризчилар:**

**ф.ф.д.БОЙМИРЗАЕВА С.  
доц.ТУРОБОВ А.**

*© Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети, 2012*

## СЎЗ БОШИ

*Она тили – бу миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзликдан жудо бўлиши муқаррар. Бой ва гўзал она тилимиз билан узвий боғлиқ ҳолда ўлмас миллий қадриятларимиз ҳам мафкуравий тарбиямизнинг муҳим бир қисми бўлмоғи лозим.*

### И.А.Каримов

Маълумки, ҳар қандай тилнинг лексик-фразеологик тизими ўзгариб, ривожланиб ҳамда бойиб боровчи ҳодисадир. Таниқли тилшунос олим И.В.Арнольднинг таъкидлашича, “ҳар қандай тилнинг ...бойиши фақат янги сўзлар ясалиши ҳисобига эмас, балки турғун бирикмаларнинг ортиб бориши ҳисобига ҳам содир бўлади”<sup>1</sup>. “Бўйини хам қилмоқ”, “жон-жонидан ўтиб кетмоқ”, “ич-этини емоқ”, “калаванинг учини топмоқ”, “зеб бермоқ” сингари фразеологизмлар худди сўзлар сингари тилимизнинг бебаҳо бойлиги саналади, уларни асраб-авайлаш, тўплаш ва нутқ жараёнида улардан оқилона фойдаланиш ҳар жамият аъзосининг муқаддас бурчидир. Президентимиз И.А.Каримов таъбири билан айтганда, “халқнинг миллий маданияти ва ўзига хослигини ифода этувчи восита бўлмиш ўзбек тилини ривожлантириш, бу тилнинг давлат мақомини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқариш”<sup>2</sup>. давлат иши аҳамиятига моликдир. Шунинг учун ҳам тилга, унинг таркибидаги бебаҳо бойлик – сўз ва ибораларга нописандлик инсониятнинг ўзлигига нописандликдир. Халқимиз доимо тилга, хусусан, ўзининг она тилига муҳаббат билан қараган, уни эъзозлаб, ардоқлаб келган, ўзбек тилининг мукамаллиги ва бетакрор оҳангларида фахру ифтихор қилган. Шунинг учун ҳам ўзбек ўйнаб гапирса ҳам, ўйлаб гапиради. Шунинг учун ҳам ўзбек қошиб эмас, тошиб гапиради. Ўзбек тилининг ана шундай хусусиятларини тадқиқ этиш соҳасида ўзбек тилшунослиги кейинги йилларда салмоқли ютуқларни қўлга киритди.

<sup>1</sup> Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – М., Высшая школа, 1969. – С. 187.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон – буюк келажак сари. – Тошкент, , Ўзбекистон, 1998. – Б. 19.

Мамлакатимизда мустақиллик қўлга киритилгач, маънавий ҳаётимизда ҳам туб бурилиш даври бошланди. Бу даврга келиб, онгимизда асрлар давомида сингиб қолган мутелик психологияси ўрнига эркинлик, ижодкорлик, фидокорлик психологияси пайдо бўлди. Ана шундай шароитда ўзбек тилини, унинг бебаҳо бойлиги бўлган фразеологизмларнинг шаклланиш жараёнини тадқиқ этишга эътибор кучайди. Бу ўринда проф. Ш.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилида феъл фраземаларнинг боғлашуви” (1992), “Ўзбек тилининг фразеологик луғати” (1992), А.Маматовнинг “Фразеологик стилистика масалалари” (1991), “Фразеологизмларнинг шаклланиш асослари” (1996), “Фразеологизмлар шаклланишининг назарий асослари” (1997), Б.Йўлдошевнинг “Фразеология тарихидан лавҳалар” (1998), “Фразеологик услубият асослари” (1999), “Ўзбек тилида фразеологизмларнинг функционал-услубий ва прагматик имкониятлари” (2002), “Шоир Эркин Воҳидовнинг фразеологизм қўллаш маҳорати ҳақида” (2007), “Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти” (2007) сингари асарларини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Сўнгги йилларда ўзбек тилшунослигида Қ.Ҳакимов (1994), Ш.Усмонова (1998), М.Ҳолиқова (1999), К.Бозорбоев (2001), Ш.Абдуллаев (2006), Ш.Алмаматова (2008), М.Вафоева (2009) сингари олимларнинг фразеологияга оид номзодлик диссертациялари, А.Э.Маматов (1991), Б.Йўлдошев (1994), Ҳ.Шамсиддинов (1997), А.Маматов (2000) ва А.Абдусаидовнинг (2006) докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Аммо шу кунга қадар *«роль ўйнамоқ»*, *«боши берк кўчага кириб қолмоқ»*, *«номери ўтмайди»*, *«Америка кашф қилмоқ»*, *«архивга топширмоқ»*, *«кўзига тупроқ сочмоқ»*, *«калавасининг учини йўқотмоқ»*, *«бажо келтирмоқ»*, *«Америка очмоқ»*, *«бир винти кам»*, *«дасти алиф-лом қилмоқ»*, *«лом-мим демаслик»*, *«куфрони неъмат қилмоқ»*, *«ўз гази билан ўлчамоқ»* сингари ўзлашма фразеологизмлар, бундай ибораларнинг ўзбек тили фразеологик тизимида тутган ўрни, уларнинг грамматик структураси, семантик-услубий хусусиятлари махсус таҳлил этилганича йўқ. Мазкур монографик иш ана шу масалани ўрганишга бағишланган.

Тадқиқотни яратишда “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (1-П томлар, 1981), Н.М.Шанский, Е.А.Бистрова, Т.Алиқуловларнинг

“Рус тилидаги 700 фразеологик ибора” (1981), Ш.Рахматуллаевнинг “Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати” (1978), “Ўзбек тилининг фразеологик луғати” (1992), Маҳмуд Сатторнинг “Ўзбекнинг гапи қизик” номли луғати (1994), Б.Йўлдошев, К.Бозорбоевнинг “Ўзбек тилининг фразеологик луғати” (сўзлик, 1998), Б.Менглиев, О.Бойматова, М.Худойбердиеваларнинг “Ўзбек тили иборалари ўқув луғати” (2007), янги беш жилдлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати-5» (1-У-томлар, 2006-2008) каби лексикографик ишларда қайд қилинган ўзлашма фразеологизмлар асосий манба бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, ишда Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қахҳор, Саид Аҳмад, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Тохир Малик, Омон Матжон, Муҳаммад Юсуф каби XX аср ўзбек адабиёти вакиллариининг асарларидан тўпланган беш юздан ортиқ ўзлашма фразеологизмларнинг семантик-услубий хусусиятларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди.

“Ўзбек тилидаги ўзлашма фразеологизмларнинг қисқача алифбо кўрсаткичи” ишнинг охирида илова тарзида келтирилди.

## К И Р И Ш

### (Ўзбек ва тожик тилшунослигида фразеологизмларнинг ўрганилиш тарихига доир)

Кейинги ярим аср мобайнида жаҳон тилшунослигида фразеология муаммоларига қизиқиш бирмунча кучайди. Бунга фразеологияга доир уюштирилган жуда кўплаб халқаро ва минтақавий анжуманлар, ҳимоя қилинган номзодлик ва докторлик диссертациялари, эълон қилинган бир қанча монография ва ўқув қўлланмалари, қатор илмий тўпламлар гувоҳлик беради. Жумладан, академик В.В.Виноградовнинг фундаментал тадқиқотлари, Н.Н.Амосова, Н.М.Шанский, А.В.Кунин, И.И.Чернишева, В.Л.Архангельский, М.М.Копиленко, А.М.Бабкин, В.П.Жуков, В.М.Мокиенко, В.Н.Телия, А.М.Эмирова, Ю.А.Гвоздарев, Р.Н.Попов, А.М.Бушуй, Е.А.Малиновский, А.М.Ломов сингари олимларнинг докторлик диссертациялари, монография ва ўқув қўлланмалари фразеология муаммоларига бағишланган эди<sup>3</sup>.

Шундай қилиб, машҳур тилшунос олим Е.Д.Поливанов 1931 йилда орзу қилган ва «фразеология» ёки “идиоматика” деб номланган алоҳида тилшунослик соҳасини шакллантириш ғояси XX асрнинг 60-йилларига келиб тўла рўёбга чиқди. Шу даврга келиб ўзбек тилшунослигида ҳам турғун бирикмаларни тадқиқ этиш билан шуғулланиш кенг йўлга қўйилди. Бу ишни биринчи бўлиб Ш.Раҳматуллаев бошлаб берди. У 1952 йилда Москвада “Ҳозирги замон ўзбек тилидаги образли феъл фразеологик бирикларнинг асосий грамматик хусусиятлари” мавзуида номзодлик ишини ҳимоя қилган эди. Шундан кейин 50-йилларда Я.Д.Пинхасовнинг “Ҳамид Олимжон асарларида фразеологик бирикмалар” (1953), А.Шомақсудовнинг “Муқимий сатирасининг тили” (лексика ва фразеология, 1956), М.Хусаиновнинг “Ёзувчи Ойдин прозасининг фразеологияси” (1959) мавзуидаги номзодлик ишлари майдонга келди. Лекин бу ишларда тилимизнинг бой ва

<sup>3</sup> Фразеология тарихи куйидаги ишларда ёритилган: **Амосова Н.Н.** Основы английской фразеологии. – Л., 1963. – С. 3-21; **Кунин А.В.** Английская фразеология. – М., 1970. – С. 7-36; **Ройзензон Л.И., Малиновский Е.А., Хаютин А.Д.** Очерки истории становления фразеологии как лингвистической дисциплины. – Самарканд, 1975. – С. 5-126; **Малиновский Е.А.** История изучения проблем фразеологии в русском языкознании. – Ташкент, Фан, 1991. – С. 5-92; **Малиновский Е.А.** Формирование русской фразеологической теории в XX веке (монография). – Самарканд, 2007. – С. 4 -116.

серқирра фразеологик тизимига акад.В.В.Виноградовнинг таснифи тамойиллари асосида кўр-кўрона ёндошилган эди. Масалан, Я.Пинхасовнинг ишида *кулфат денгизи, гам денгизи, бахт байроқдори* сингари метафорик бирикмалар ҳам фразеологизмлар каторига киритилган эди. Ш.Раҳматуллаевнинг ишида эса *иккиюзлама, миш-миш, сансалорлик* каби бирликлар этимологик жиҳатдан кўшма сўзга тенг идиоматик сўзлар деб таҳлил қилинган эди. Бу ишлардаги ана шундай нуқсонлар ўз вақтида А.А.Коклянова, У.Турсунов сингари олимлар томонидан алоҳида танқид қилинган эди<sup>4</sup>.

60-йилларга келиб ўзбек фразеологиясида фразеологизмларни семантик, структурал-грамматик ва услубий-прагматик жиҳатдан тадқиқ этишга эътибор кучайди. Масалан, И.Қўчқортоевнинг “Абдулла Қаҳҳорнинг фразеологик новаторлиги” мавзуидаги номзодлик иши (1965)да, кўплаб илмий мақолаларида ҳамда “Бадий нутқ стилистикаси” номли кўлланмаси (1975)да ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг умумтил фразеологизмларидан фойдаланиш билан бирга, янги, индивидуал-муаллиф фразеологизмларини яратиш ва улардан моҳирона фойдаланиш маҳорати очиб берилган эди. Жумладан, олимнинг таъкидлашича, Абдулла Қаҳҳор “Сароб” романида адабий тилдаги ўзлашма “*бир нуқоти кам*” // “*бир винти кам*” иборалари негизида “*мия механизмидан бир винти тушиб қолган*” иборасини ҳосил қилади<sup>5</sup>. Ҳ.Қаҳҳорова эса ўз ишида Абдулла Қодирий томонидан яратилган “*қора қозонидан олиб, қизил қозонига қўймоқ*”, “*қассобдан эт олиб, боққол билан муомала қилмоқ*”, “*сичқоннинг инини ижрага олмоқ*”, “*саллалик эшакларнинг диринглаши оғилхонагача*”, “*кесак отиб, арслонни енгмоқчи бўлмоқ*” каби индивидуал-муаллиф фразеологизмларининг шаклланиши ва функционал-семантик хусусиятларини таҳлил қилади. Энг муҳими, бу ишда Абдулла Қодирий асарларида ўзлашма фразеологизмларнинг кўлланиш хусусиятлари ҳам маълум даражада ўрганилган<sup>6</sup>.

<sup>4</sup> Коклянова А.А. О границах фразеологии тюркских языков // Вопросы фразеологии. Труды СамГУ, новая серия, выпуск 106. – Самарканд, 1961. – С. 99-101; Турсунов У.Т. Состояние и задачи изучения фразеологии узбекского языка // Вопросы фразеологии. Труды СамГУ, новая серия, выпуск 106. – Самарканд, 1961. – С. 7-11 ва бошқалар.

<sup>5</sup> Қўчқортоев И. Бадий нутқ стилистикаси. – Тошкент: ТошДУ нашри, 1975. – Б. 65.

<sup>6</sup> Қаҳҳорова Х. Фразеология Абдуллы Кадыри. Автореф. дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 1985. – С. 4-17.

Худди шунингдек, Э.Қиличев ёзувчи Садриддин Айний асарларида қўлланган эскирган, архаик фразеологизмларни тадқиқ этиб, *мадраса тупроғини яламоқ; иссиқ-совуқ қилмоқ; пирига қўл бермоқ; пешонаси шўр; оппоқхўжам урсин; тағи наст; тарки дунё қилмоқ; сўфи қилмоқ; пирига мири ҳам бўлмайди; сочи сунурги, қўли косов; эти сизники, суяги бизники; пайшанба нони билан суяги қотган* каби ибораларни фразеологик историзмлар деб ҳисоблайди ва уларга қуйидагича таъриф беради: “Ўзи ифодаланган нарса, воқеа-ҳодисаларга боғлиқ ҳолда эскириб, фаол қўлланишдан чиққан, ўз эквивалентларига эга бўлмаган иборалар фразеологик историзмлар саналади”<sup>7</sup>.

Ш.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари” мавзuidaги докторлик иши ва шу асосда яратилган монографияси(1966)да эса фразеологизмлардаги кўп маънолилик, маънодошлик, вариация, антонимия, шаклдошлик ҳодисалари ўттиз мингдан ортиқ карточкалар таҳлили асосида очиб берилган эди. Умуман олганда, Ш.Раҳматуллаев тўғри таъкидлаганидек, “вариантлашиш туфайли бир ибора бошқа бир иборага айланмайди, бир иборага хос образ бирлиги, маъно бирлиги сақланади. Вариантлашиш туфайли юз берадиган ўзгаришлар ибораларга хос яхлитликни емирмайди, шу яхлитлик йўл қўйган даражада воқе бўлади. Акс ҳолда ё ибора йўққа чиқади, ёки бошқа бир ибора барпо қилинади”<sup>8</sup>.

“Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари” номли монографиянинг яна бир характерли томони унда фразеологик омонимларни фразеологик паронимлар ва фразеологик параформалардан фарқлашга интилишдир. Проф. Ш.Раҳматуллаевнинг талқинига кўра, фразеологик омонимлар ва фразеологик паронимлар, шунингдек фразеологик омоформалар ва фразеологик параформалар ўзаро бир-бирига шу қадар ўхшаш бўладики, улардан бири ўрнига иккинчисини нутқ жараёнида хато ишлатиб юбориш ҳеч гап эмас. Агар иборалар ўзаро таркибидаги бирор сўз-компоненти билангина фарқ қилса, уларни фразеологик паронимлар деб юритиш лозим бўлади. Масалан, *кўнгл(и)ни кўтармоқ - кўнгл(и) кўтарилди ва кўнгл(и)ни тоғдай кўтармоқ -*

<sup>7</sup> Қиличев Э. Эскирган фразеологик ибораларнинг стилистик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1972. № 4. – Б. 66.

<sup>8</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 145.

*кўнгл(и) тоғдай кўтарилди* каби. Агар баъзи иборалар бири-иккинчисидан йўқ грамматик шаклланиш тизимига эга бўлса, фразеологик параформалар ҳақида гапириш мумкин бўлади. Масалан, *жон(и) кирди - жон(и)ни киргизмоқ ва жон кирди - жон киргизмоқ* кабилар.

Кўринадики, проф.Ш.Раҳматуллаевнинг тадқиқотлари ўзбек фразеологиясининг шаклланиши ва ривожидан алоҳида қимматга эга бўлди. Шунга кўра Ш.Раҳматуллаев ҳақли равишда ўзбек фразеологиясининг асосчиси сифатида тан олинган<sup>9</sup>.

1959 йилда Самарқанд шаҳрида фразеология масалаларига оид 1-бутуниттифоқ илмий анжуман ўтказилган эди. Бу анжуман ташкилотчиларидан бири, таниқли тилшунос олим, проф.У.Турсунов ўз маърузасида ўзбек фразеологиясининг умумназарий масалаларини ўртага қўйган эди. У.Турсунов тўғри таъкидлаганидек, фразеология соҳасида умумназарий масалаларни тадқиқ этишга алоҳида эътибор қилмасдан туриб, ўзбек тили фразеологиясини кенг ва чуқур ўрганиш ишини яхши йўлга қўйиш мумкин эмас<sup>10</sup>. Масалан, ўзбек фразеологиясининг ана шундай назарий муаммоларидан бири фразеологизмларни уларга ёндош бўлган қўшма сўз, сўз бирикмаси ва содда гаплардан фарқлаш муаммосидир.

Туркийшуносликда бўлганидек, ўзбек тилшунослигида ҳам ҳозирги кунга қадар қўшма сўзлар ва фразеологизмлар бир-биридан аниқ фарқланмай келинаётган. Масалан, У.Турсунов, Ж.Мухторовлар ҳам “Ҳозирги замон ўзбек тили” номли қўлланмасида *қулоқ сол, назар ташла, кўнгл қўй* сингари феъл фразеологизмларни қўшма феъллар сифатида талқин этган эдилар<sup>11</sup>. Бу олимлар ўзларининг ана шу фикрларига Ш.Раҳматуллаев билан ҳамкорликда нашр этилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” асарида бирмунча аниқлик киритишга интиланлар. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун “Ҳозирги ўзбек адабий тили”

<sup>9</sup> **Мирзаев И.** Профессор Шавкат Раҳматуллаев – фразеологизмларнинг илк тадқиқотчиси // Шавкат Раҳматуллаев – атоқли тилшунос. – Тошкент: Университет, 2006. – Б. 29-34; **Қаххорова Х.** Ўзбек фразеологияси асосчиси // Шавкат Раҳматуллаев – атоқли тилшунос. – Тошкент: Университет, 2006. – Б. 51-54.

<sup>10</sup> **Турсунов У.Т.** Состояние и задачи изучения фразеологии узбекского языка // Вопросы фразеологии. Труды СамГУ, новая серия, выпуск 106. – Самарқанд, 1961. – С. 10-11.

<sup>11</sup> **Турсунов У., Мухторов Ж.** Ҳозирги замон ўзбек тили (морфология). – Самарқанд, СамДУ нашри, 1960. – Б. 138.

асарининг учинчи, тўлдирилган нашри (1992)дан олинган қуйидаги фикрларни келтириш ўринлидир:

“От ва отлашган сўзлар билан *қўймоқ, чиқармоқ, олмоқ, боғламоқ, кўрмоқ, тутмоқ, кечирмоқ, ташламоқ* каби феълларнинг бирикишидан асли фразеологик бирликлар ҳосил бўлади; бундай бирликларни от + феъл тузилишли кўшма феъллар каторига киритиш тўғри бўлмайди: *кўнгил қўймоқ, ном чиқармоқ, дам олмоқ, умид боғламоқ, йўл тутмоқ, қўлга олмоқ, кун кечирмоқ, қадам ташламоқ, фикрга келмоқ, кўздан кечирмоқ*. Бу хил бирликларнинг маъноси унинг таркибидаги қисмларнинг тўғри маъносидан келиб чиқмайди, балки ҳар икки қисм яхлитлигича кўчма маъно англатади”<sup>12</sup>.

Проф.Ш.Раҳматуллаевнинг “Нутқимиз кўрки” номли рисоласи асосан фразеологизмларнинг унга ёндош ҳодисалардан фарқли ҳамда ўхшаш томонларини илмий жиҳатдан очиб беришга қаратилган. Буни олимнинг шу рисола якунида фразеологизм (ибора)га берган қуйидаги таърифи ва шу таърифга изоҳидан пайқаш қийин эмас:

“Биттадан ортиқ лексик негиздан таркиб топган, тузилиши жиҳатидан бирикмага, гапга тенг, мазмунан сўзга эквивалент, яхлитлигича устама кўчма маъно англатувчи луғавий бирликка и б о р а (фразеологик бирлик) дейилади.

“Луғавий бирлик” дейиш билан иборани эркин боғланмадан, “биттадан ортиқ” деб таъкидлаш билан содда сўздан, “лексик негизлар” деб таъкидлаш билан аналитик формадан, “бирикмага, гапга тенг” деб таъкидлаш билан кўшма сўздан, “яхлигича устама кўчма маъно” деб таъкидлаш билан тўғри маъноли турғун боғланмадан фарқлаймиз, “сўзга эквивалент” деб таъкидлаш билан луғавий бирлик сифатида яна қатор хусусиятлари борлигидан дарак берамиз”<sup>13</sup>.

А.Рафиев ўзининг “Иборалар - нутқимиз кўрки”(1985) номли рисоласида воқеа, ҳаракат, ҳолат тўғрисидаги хабарни билдирувчи *сувдан қуруқ чиқмоқ, ҳафсаласи пир бўлмоқ* каби фразеологизмларни коммуникатив иборалар сифатида, предмет ва ҳолатнинг атамаси ҳисобланган *отнинг қашқаси, кўнгли қора*

<sup>12</sup> Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 231.

<sup>13</sup> Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. – Тошкент: Фан, 1970. – Б. 56.

сингари фразеологизмларни эса номинатив иборалар сифатида талқин этади. Асарда таъкидланишича, “номинация бирлиги ҳисобланган иборалар кўпроқ эга ва аниқловчи вазифасида келса, коммуникатив иборалар одатда кесим ва ҳол ўрнида қўлланилади”<sup>14</sup>.

Ўзбек фразеологияси учун долзарб муаммолардан яна бири фразеологизмларнинг келиб чиқиши ва этимологиясини ўрганишдир. Бу соҳада С.Муталлибов, Э.Умаров, А.Жўрабоев, Ф.Исоқов каби олимларнинг айрим мақолалари эълон қилинган. Масалан, 1997 йилда “Фан ва турмуш” журналида “Тилимиз дурдоналари” рубрикаси остида тилшунос олим Ф. Исҳоқовнинг “Даққионус” номли мақоласи эълон қилинган эди. Бу мақолада “*даққионусдан қолган*”, “*қитмирлик қилмоқ*”, “*эчкининг оти Мулла Абдукарим*”, “*дўппи тор келганда*” каби тилимизда кенг қўлланишда бўлган фразеологизмлар этимологияси ҳақида анча ишонарли маълумотлар берилади<sup>15</sup>.

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида фразеологизмлар компонент таҳлил методи асосида ҳам ўрганилмоқда. Бу жиҳатдан айниқса, И.Кўчқортоевнинг “Ўзбек тилида нутқ феълларининг семантикаси” мавзuidaги докторлик диссертацияси (1978) характерлидир. Бу ишда тилимиздаги нутқ феъллари тизими ўрганилар экан, бундай феъллар гапирув феъллари, ифодалов феъллари, субъектив ҳукм феъллари, талаффуз феъллари, нутқий даъват феъллари, симметрик нутқ феъллари, сукут феъллари сингари гуруҳларга ажратилади ҳамда ҳар бир гуруҳга оиб сўзлар (феъллар) билан бир қаторда шундай маъно ифодаловчи фразеологизмларнинг семантик тузилиши ҳам тадқиқ этилади. Масалан, узоқ гапирув амалини билдирадиган феъллар ҳақида сўз юритилганда, *гапни чўзмоқ*, *гап бермаслик*, *том устига том ёпмоқ*, *гапга берилиб кетмоқ*, *гап чайнамоқ*, *жағ урмоқ*, *қулоқ-мияни емоқ*, *қулоқ-мияни қоқиб қўлга бермоқ* сингари фразеологизмлар ҳам келтирилган. Ёки бўлғуси нарса-ҳодиса тўғрисидаги хабарни маълум қилиш амалини билдирадиган феъллар қатори *башорат қилмоқ*, *каромат қилмоқ*, *пайгамбарлик қилмоқ*, *нафасини иссиқ қилмоқ*, *ёмон нафас қилмоқ*, *совуқ нафас қилмоқ*, *тўйдан олдин ногора чалмоқ*, *подадан олдин чанг чиқармоқ* каби фразеологизмлар

<sup>14</sup> Рафиев А. Иборалар – нуткимиз кўрки. – Тошкент: Ўзбекистон, 1985. – Б. 11-12.

<sup>15</sup> Исҳоқов Ф. Даққионус // Фан ва турмуш. 1997. № 4. – Б. 13-14.

“башорат” семаси билан характерланиши алоҳида таъкидлаб кўрсатилган<sup>16</sup>.

Тадқиқотчи Қ.Ҳакимов содда гап қолипни *жони кириб қолди, боши кўкка етди, юраги қоқ ёрилаёзди* каби фразеологизмларни компонент таҳлил методи асосида ўрганди ва “Ўзбек тилидаги содда гап қолипни фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанликлари” мавзуида номзодлик диссертацияси химоя қилган эди (1994).

Ўзбек тилидаги фразеологизмларни компонент таҳлил қилишнинг айрим натижалари Ш.Раҳматуллаевнинг “Лексема ва фразема маъносини компонент таҳлилининг баъзи натижалари” номли илмий мақоласи (1986) да, Абдуғафур Маматовнинг номзодлик ишида ҳам маълум даражада умумлаштирилган эди. Масалан, А.Маматовнинг “Ўзбек тилида эмоционал-баҳо ифодаловчи фразеологик birlikларнинг семантик-стилистик хусусиятлари” (Тошкент, 1988) мавзуидаги номзодлик диссертациясида инсон /шахс/нинг эмоционал ҳолатини ифодаловчи фразеологизмлар бир неча фразео-семантик гуруҳ (ФСГ)ларга ажратиб таҳлил қилинади. Масалан: шодлик, бахт (*оғзи қулогига етди, дўпписини омонга отмоқ, боши кўкка етмоқ, оғзининг таноби қочмоқ* каби); таажжуб (*ёқасини ушламоқ, тарвузи қўлтигидан тушмоқ, ҳанг-манг бўлиб қолмоқ* каби); аччиқланиш, ҳафагарчилик (*юрак-бағри қон бўлмоқ, юрагига қил сизмайди, ўпкаси тўлди, таъби хира бўлди, умидлари пучга чиқди* каби); ҳавотирланиш (*ўзини қўйгани жой тополмаслик, юрагига гулгула тушмоқ, тоқати тоқ бўлмоқ* каби); кўрқув (*юраги орқасига тортиб кетди, қотиб қолмоқ, нафаси ичига тушиб кетди* каби); истехзо, менсимаслик (*иззат-нафсига тегмоқ, юзингда кўзинг бор демай, майна қилмоқ, оёқ-ости қилмоқ* каби); қаҳр-нафрат (*кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ; кўзларининг пахтаси чиқди, кўзлари қинидан чиқаёзди, кўзига қон қўйилмоқ* каби); таҳдид, қарғиш (*дийдоринг қурсин, ер юткур, гўрига гишт қаламоқ, илоё косаси оқармасин* каби) ва бошқалар. Шунингдек бу ишда ижобий ва салбий тавсиф билдирувчи эмоционал-баҳо фраземаларининг семантик-услубий хусусиятлари ҳам маълум даражада ёритиб берилган.

---

<sup>16</sup> Кўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 105.

А.Маматов кейинчалик ўзбек фразеологияси учун энг долзарб муаммолардан бири бўлган фразеологик шаклланиш масалаларини тадқиқ этишга киришди, шу мавзуга оид “Ўзбек тилида фразеологик шаклланиш масалалари”(1994), “Фразеологизмларнинг лексик қайта шаклланишига доир”(1995), “Фразеологизмларнинг шаклланиш доираси”(1995), “Ўзбек тилида фраземаларнинг шаклланиши ҳақида”(1996), “Лексемалар асосида фразеологизмларнинг шаклланиши масалалари”(1996) сингари қатор мақолалар эълон қилди ҳамда 2000 йилга келиб у “Ўзбек тилида фразеологизмларнинг шаклланиши масалалари” мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Абдимурод Маматов “Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари” номли монографияси (1991) ва шу асосда ҳимоя қилинган докторлик диссертациясида ўзбек тилшунослигида илк бор фразеологиянинг тил нормаси ва нутқ маданияти билан боғлиқ муаммоларини тадқиқ этди. Мазкур ишнинг сўнгги боби “Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик норма ва ундан четга чиқишнинг типлари” деб номланган.

Ш.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилида феъл фраземаларнинг боғлашуви” номли монографияси (1992)да тил бирлиги сифатида фразеологизмлар бошқа луғавий бирликлар билан боғлашув имкониятига эга бўлиши, бу имконият уларнинг қайси туркумга хослиги билан белгиланиши илмий жиҳатдан асослаб берилган. Бу китобнинг алоҳида қисмларида фразеологизмлардаги вариация ва боғлашув, полисемия ва боғлашув масалалари мисоллар асосида изчил ёритиб берилган.

Ш.Усмонова “Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар” мавзусида номзодлик ишини ҳимоя қилди (1998). Бу иш икки бобдан иборат бўлиб, иш охирига ўзбекча-туркча муқобил соматик (киши органларининг номи билан боғлиқ) фразеологизмлар луғати илова қилинган.

Ишнинг дастлабки бобида ўзбек ва турк тилларида бирикмага тенг соматик фразеологизмлар (*бош оғриғи, кўз билан қош орасида, кўзини олиб қочмоқ, бош иргитмоқ, қўл остида* кабилар) функционал-семантик жиҳатдан таҳлил қилинган. Унинг иккинчи бобида эса ўзбек ва турк тилларида гапга тенг соматик фразеологизмлар (*бошимиз осмонга етди, бош омон бўлса дўппи*

топилади кабилар) семантик ва грамматик жиҳатидан ёритиб берилган.

К.Бозорбоевнинг 2001 йилда ҳимоя қилинган “Ўзбек сўзлашув нутқи фразеологизмлари” мавзусидаги номзодлик иши ҳам ўзбек фразеологияси ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Бу ишнинг дастлабки бобида сўзлашув нутқи фразеологизмлари (СНФ)нинг пайдо бўлиш манбалари, қатламлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Кейинги бобда эса ўзбек тилида СНФларининг грамматик ва семантик таснифи амалга оширилган. Шуниси муҳимки, иш муаллифи СНФларнинг 40 фоизи ўзбек адабий тилида ҳам ўз аксини топганлигини, 50 фоизи эса сўзлашув нутқида турли хил вариант ва синонимларга эга эканлигини, уларнинг фақат 10 фоизи луғатларда сўзлашув нутқида хосланган (ст.ф.) ҳаволаси билан берилганлигини тўғри таъкидлаб кўрсатади.

М.Йўлдошев Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романида тил воситаларидан, жумладан фразеологизмлардан фойдаланиш маҳоратини изчил тадқиқ этган. Унинг кузатишларига қараганда, “Кеча ва кундуз” романида бевосита Чўлпоннинг ўзи томонидан ижод қилинган индивидуал-муаллиф фразеологизмлари ҳам анча бўлиб, улар асар тилига ўзига хос жило бериб туради<sup>17</sup>: “*Ёши балозатга етиб, уйлари совчиларнинг қатнов йўлларига айланганидан бери у шўрликнинг қора ўйларга ботмаган куни йўқ*” (Чўлпон. Кеча ва кундуз); “*Тўранинг тили чарчаб, Мирёқубнинг оғзида биринчи эснаш асарлари кўринган эдики, ташқаридан бир одам кириб келди. Мирёқуб зурурининг калтакланишидан келган бир захарханда билан кулди, инжасенер эса бурунги қулар юзини ҳам нўхталаб олди*” (Чўлпон. Кеча ва кундуз) кабилар.

Ёки ўзбек халқи орасида “*жинниликка қозоғи бор*” деган оғзаки сўзлашувга хосланган ибора мавжуд. Чўлпон ана шу ибора қолипи асосида “*муттаҳамликка гувоҳнома олган*” фразеологизмининг ҳосил қилган: “*Бу одам эскидан бери судларда ишлаб келиб, муттаҳамликка гувоҳнома олган қадрдон тулкилардан эмас, негадир четдан, холис кишилар орасидан чақирилган эди*” (Чўлпон. Кеча ва кундуз).

Ш.Абдуллаев таниқли қорақалпоқ ёзувчиси Т.Қайипбергенов асарларининг ўзбекча таржималари асосида “Таржима асарларда

<sup>17</sup> Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б. 39-47.

фразеологизмлар семантикаси” мавзуидаги номзодлик ишини химоя қилди<sup>18</sup>. Жумладан, муаллифнинг таъкидлашича, қорақалпоқ тилида *аўзы женгил* фразеологизми сир сақлай олмайдиган, ҳамма нарсани айтиб қўядиган маъноларини билдиради. Ўзбек тилида эса бу иборага семантик жиҳатдан яқин бўлган *оғзи бўш* фразеологизми бўлиб, у ҳам эшитган-билган нарсасини бировга айтиб қўядиган, сир сақлай олмайдиган маъносидан ишлатилади. Ш.Раҳматуллаевнинг фразеологик луғати (1992)да ҳам бу ибора *оғзи бўш* шаклида берилган бўлиб, кўрган-билганини сир сақлай олмайдиган, бировга айтиб қўядиган тарзида изоҳланган. Т.Қайипбергеновнинг “Маманбий афсонаси” асарини ўзбек тилига ўгирган таржимон бу иборанинг семантик яқинлигидан ўринли фойдаланган, натижада ўзбекча таржима ҳам асл қорақалпоқча матндан англашилган ғоя, мазмун тўла ўз ифодасини топган. Шунга биноан ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги *аўзы женгил* – *оғзи бўш* фразеологизмларини бир хил семантикага эга, деб ҳисоблаш мумкин. Муҳими, бу ишнинг илова қисмида асл нусха ва ўзбекча таржимада берилган ана шундай семантик жиҳатдан бир-бирига яқин айрим фразеологизмларнинг алифбо кўрсаткичи келтирилган. Мазкур иш келгусида тилимизнинг ўзлашма фразеологизмлар ҳисобига бойиши нуқтаи назаридан кенгроқ ўрганилиши зарурлигидан далолат беради.

Проф.Ш.Раҳматуллаевнинг “Ҳозирги адабий ўзбек тили” номли дарслиги (2006)да фразеологияга оид энг муҳим ҳодисалар тилнинг фразеологик тизими сифатида янги талқин қилинган. Бу асарда фразеологизмга тил бирлиги ва нутқ бирлиги сифатида мукамал таъриф берилган. Муаллиф бу асарда фразеологизмларни “лексема”, “морфема” терминларига монанд қилиб “фразема” деб номлашни, фраземалар ўрганиладиган соҳани эса “фраземика”, “фразеологик вариантлар”ни “аллофразема” деб аташни маъқул кўради. Мазкур дарсликда аввалги дарсликларда ёритилмаган фразеологик вариация, фразеологизмларда боғлашув каби муҳим масалалар маълум даражада ўз ечимини топган<sup>19</sup>.

Проф.Б.Йўлдошевнинг ҳамкорликда эълон қилинган “Уфқ” трилогиясининг лингвопоэтик таҳлили масалалари” номли

<sup>18</sup> Абдуллаев Ш.Д. Таржима асарларда фразеологизмлар семантикаси (Т.Қайипбергенов асарларининг ўзбекча таржимаси асосида). НДА. – Тошкент, 2006. – 21 б

<sup>19</sup> Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили (дарслик). – Тошкент, Университет, 2006. – Б. 418-446.

монографиясининг алоҳида боби трилогиядаги фразеологизмлар лингвопоэтикасини ўрганишга бағишланган. Бу ишнинг энг қимматли томони шундаки, унинг охирида “Уфқ” трилогиясининг биринчи китоби – “Қирқ беш кун” романида қўлланган етти юзга яқин фразеологизмларнинг алифбо кўрсаткичи бадиий матндан олинган мисоллар асосида келтирилган<sup>20</sup>.

Шуниси эътиборлики, кейинги йилларда мамлакатимизда ўтказилган “Услубшуносликнинг долзарб муаммолари” (Самарқанд, 1998), “Тилшуносликнинг долзарб масалалари ва нутқ маданияти муаммолари” (Термиз, 2004), “Тил ва миллий маданият” (Самарқанд, 2004), “Профессор Улуғ Турсунов ва ўзбек тилшунослиги” (Самарқанд, 2005), “Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари” (Фарғона, 2005), “Нутқ лингвистикаси” (Самарқанд, 2006), “Таржима жараёни ва ҳорижий тилларни ўқитишнинг долзарб муаммолари” (Самарқанд, 2006), “Тилшуносликнинг долзарб масалалари” (Тошкент, 2006), “Истиқлол ва тилшунослик муаммолари” (Самарқанд, 2006), “Услубшунослик ва фразеологиянинг долзарб муаммолари” (Самарқанд, 2007), “Раҳматулла Қўнғуровнинг илмий мероси ва ўзбек тилшунослиги масалалари” (Самарқанд, 2008), “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари” (Самарқанд, 2009), “Стилистика ва прагматика” (Самарқанд, 2010), “Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари” (Тошкент, 2011) мавзуидаги халқаро ва республика илмий-назарий анжуманларида маълум даражада ўзбек фразеологияси масалаларига оид маърузалар тингланган ҳамда муҳокама қилинган эди. 2006 йилда ўзбек фразеологияси фанининг асосчиси, проф. Ш.Раҳматуллаев таваллудининг саксон йиллиги тантанали нишонланиши, шу санага бағишлаб “Шавкат Раҳматуллаев – атоқли тилшунос” номли илмий тўпламнинг нашр этилиши<sup>21</sup> ҳам мамлакатимизда фразеология илмининг бундан кейинги ривожига муҳим аҳамият касб этади. Самарқандда проф.Б.Йўлдошевнинг масъул муҳаррирлигида нашр этилган “Ўзбек тилшунослиги масалалари” номли илмий мақолалар тўпламининг асосий қисми ҳам ўзбек фразеологияси

<sup>20</sup> Йўлдошев Б., Шодиев З. “Уфқ” трилогиясининг лингвопоэтик таҳлили масалалари (монография). – Самарқанд, СамДУ нашри, 2006. – Б. 49-125.

<sup>21</sup> Шавкат Раҳматуллаев – атоқли тилшунос. – Тошкент: Университет, 2006. – 78 б.

муаммоларини ёритишга бағишланган эди<sup>22</sup>. 2008 йилда худди шундай номдаги илмий тўпламнинг навбатдагиси нашр этилиб, таниқли фразеолог олим, профессор Ҳамдам Бердиёровнинг 90 йиллигига бағишланди<sup>23</sup>. 2010 йилга келиб “Ҳамдам Бердиёровнинг илмий мероси ва ўзбек тилшунослиги масалалари” номли йирик илмий тўпламнинг 1-китоби босмадан чиқди<sup>24</sup>.

Ш.Алмаматованинг номзодлик иши ўзбек тилидаги фраземаларнинг компонент таҳлили муаммосига бағишланди<sup>25</sup>. Бу ишнинг дастлабки боби “От компонентли фраземаларнинг компонент таҳлили” деб номланади. Бунда шахс компонентли (*кайфи чоғ, жони ширин, руҳи енгил, эси жойида, кўнгли жойига тушди* каби), зооним компонентли (*от солмоқ, от қўймоқ, бузоқнинг ҳақи, бузоқнинг югургани сомонхонагача, илоннинг ёгини ялаган* каби), соматик компонентли (*юрагига гулгула тушди, кўз олайтирмоқ, кўз ташламоқ, қўлга олмоқ, қўлга тегмоқ, бошини силамоқ, оёгини чакки босмоқ, бурнини ерга ишқамоқ, бўйин товламоқ* каби) иборалар семантик жиҳатдан таҳлил қилинган. Ишнинг кейинги бобида *оқни оққа, қорани қорага ажратмоқ, кўнги қора бўлди, юраги қора, қора терга тушмоқ* сингари ранг-тус ифодаловчи сифат компонентли иборалар, *орани очик қилмоқ, юраги кенг, кўнгли кенг, феъли кенг* каби шакл ва ҳажмни ифодаловчи сифат лексемали иборалар таҳлилга тортилган. Тадқиқотнинг охириги боби *жазо бермоқ, дарак бермоқ, дош бермоқ, ён бермоқ, жавоб бермоқ, жонини жабборга бермоқ, аҳамият бермоқ, адабини бермоқ, қувончи ичига сизмайди* сингари феъл компонентли фраземаларнинг семантик таҳлилига бағишланган. Охириги бобнинг алоҳида қисми феъл фраземаларда кенг тарқалган парадигматик ҳодиса – вариантланиш масаласи таҳлилини ўз ичига олади. Муаллиф феъл фраземалар орасидаги грамматик вариантланиш, фонетик ва орфографик вариантланиш, морфологик, синтактик-позицион вариантланиш ва лексик вариантланишни бир-биридан фарқлашга интилади. Мазкур иш муаллифи фраземаларнинг семантик таҳлили билан компонент таҳлилини бир-биридан аниқ фарқламаган кўринади, шунинг учун

<sup>22</sup> Ўзбек тилшунослиги масалалари (илмий мақолалар тўплами). – Самарқанд, СамДУ нашри, 2007. – 124 б.

<sup>23</sup> Ўзбек тилшунослиги масалалари (илмий мақолалар тўплами). – Самарқанд, СамДУ нашри, 2008. – 134 б.

<sup>24</sup> Ҳамдам Бердиёровнинг илмий мероси ва ўзбек тилшунослиги масалалари (илмий мақолалар тўплами). 1-китоб. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2010. – 159 б. .

<sup>25</sup> Алмаматова Ш.Т. Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили. НДА. – Тошкент, 2008. – 22 б.

ишда ибораларнинг компонент таҳлили эмас, асосан шаклланиш жараёни, семантик хусусиятлари маълум даражада ўрганилган холос. Фраземаларнинг семантик таҳлили жараёнида унинг таркибидаги ўзлашма компонентларнинг иштироки масаласи тадқиқотчи эътиборидан четда қолган.

Г.Исақова тилимиздаги “қилмоқ” феълнинг лексик-семантик ва дистрибутив хусусиятларини ўрганар экан, бу феълнинг барқарор бирликлар (фразеологизм ва мақоллар)ни шакллантиришдаги иштироки масаласини алоҳида бобда таҳлил этади<sup>26</sup>. Тадқиқотчи *нонини туя қилмоқ, бирини икки қилмоқ, нонини яримта қилмоқ, нонини бутун қилмоқ* сингари фраземаларда “ҳолат”, “бажариш”, “камайтириш”, “ўзлаштириш” семалари мавжудлигини тўғри қайд қилади. Шунингдек, мазкур бобда *тилини узун қилмоқ, тилини қисик қилмоқ, юзини ёруғ қилмоқ* сингари фраземалар учун “ҳолат” семаси умумий бирлаштирувчи сема эканлиги таъкидлаб кўрсатилган. Бундан ташқари, бу ишда *ногора қилмоқ, гап қилмоқ, оёқ ости қилмоқ, кўзини шамғалат қилмоқ, ер билан яксон қилмоқ* каби фраземаларда “ҳолат” семаси билан бирга “салбийлик” семаси ҳам умумий, бирлаштирувчи сема сифатида намоён бўлиши аниқланган. Бу таҳлилларнинг барчаси ўзбек тилида фаол қўлланувчи “қилмоқ” феълнинг мазмуний имкониятлари ниҳоятда кенг эканлигини намоён этади. Бизнингча, бу тадқиқотда “қилмоқ” феълнинг *муте қилмоқ, хокисор қилмоқ, изза қилмоқ, зеру забар қилмоқ* каби кўпгина ўзлашма компонентли фраземаларни шакллантиришдаги имкониятлари ҳам ўрганилиши лозим эди.

М.Вафоева ўз номзодлик ишини ўзбек тилидаги фразеологик синонимларни структурал-семантик жиҳатдан таҳлил қилишга бағишлаган. Ишнинг дастлабки бобида фразеологик синонимия ҳодисасининг рус тилшунослигида, туркийшунослигида ва ўзбек тилшунослигида ўрганилиш даражаси кўздан кечирилади. Кейинги бобда эса фразеологик синонимларнинг структурал таҳлили амалга оширилган. Муаллиф ишнинг бу қисмида икки, уч ва ундан ортиқ компонентли феъл фразеологизмлар, от фразеологизмлар ва равиш фразеологизмларнинг структурал хусусиятларини характерли мисоллар асосида таҳлил қилган. Ишнинг охириги бобида

<sup>26</sup> Исақова Г.Н. Ўзбек тилидаги қилмоқ феълнинг лексик-семантик хусусиятлари. НДА. – Тошкент, 2008. – Б. 13-15.

фразеологик синонимларнинг семантик ва услубий хусусиятлари таҳлилга тортилган. Лекин бу ишда ўзбек тили фразеологик тизимининг ўзлашма фразеологизмлар асосида бойиши, шу асосда фразеологик синонимлар қаторининг кенгайиши сингари муҳим масалалари таҳлили муаллиф эътиборидан четда қолган<sup>27</sup>.

х

х

х

Ўзбек тилидаги ўзлашма фразеологизмларнинг семантик хусусиятлари ўрганилар экан, бу соҳада тожик фразеологиясида амалга оширилган илмий тадқиқотларни ҳам қисқача кўздан кечириш ўринли деб ўйлаймиз.

Ўзбек фразеологияси сингари тожик фразеологияси муаммоларини тадқиқ этиш ҳам узоқ тарихга эга. Тожик фразеологиясининг кейинги ярим аср мобайнида эришган ютуқлари ҳақидаги асосий маълумотлар С.В.Хушеновнинг библиографик кўрсаткичида ҳамда Ҳ.Мажидовнинг “Ҳозирги замон тожик тили фразеологияси” номли ўқув қўлланмаси охирида келтирилган адабиётлар рўйхатида ўз аксини топган<sup>28</sup>.

Р.Эгамбердиев Зайниддин Восифийнинг “Бадоеул вақое” асарида фразеологизмларнинг бадий-услубий ролини тадқиқ этиб, йигирмага яқин илмий мақолалар эълон қилди<sup>29</sup>, кейинчалик шу мавзуда номзодлик ишини ёқлади<sup>30</sup>. Бу иш тожик тарихий фразеологиясига доир дастлабки йирик тадқиқот эканлиги билан қимматлидир. Тадқиқотнинг дастлабки боби “Восифий асарларида фразеологик бирликларнинг семантик-стилистик жиҳатдан қўлланиши” деб номланади. Мазкур бобда Восифий асарларида қўлланган иборалар экспрессив-стилистик функцияларига кўра икки гуруҳга ажратилган: а) Восифий асарларида ХУ-ХУ1 аср тожик адабий тилидаги анъанавий шаклда қўлланган фразеологик

<sup>27</sup> **Вафоева М.Й.** Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структурал-семантик таҳлили. НДА. – Тошкент, 2009. – Б. 7-22.

<sup>28</sup> **Хушенова С.В.** Библиографический указатель литературы по таджикской фразеологии (с приложением библиографии по фразеологии памирских языков). – Душанбе: Дониш, 1977. – 65 с.; **Мажидов Ҳ.** Фразеологияи забони ҳозираи тоҷик (дастури таълими). – Душанбе, 1982. – С. 100-103.

<sup>29</sup> **Эгамбердиев Р.** Хусусиятҳои бадеии воҳидҳои фразеологӣ (дар асоси воҳидҳои фразеологӣ асари Восифи “Бадоеъ-ул-вақоеъ”) // Баъзи масъалаҳои филологияи тоҷик. Асарҳои СамДУ. Серияи нав, № 213. – Самарқанд, 1971. – С. 112-117; **Эгамбердиев Р.** Ташбеҳ ва истиора дар воҳидҳои фразеологӣ // Баъзи масъалаҳои филологияи тоҷик. Асарҳои СамДУ. Серияи нав, № 213. – Самарқанд, 1971. – С. 118-122; **Эгамбердиев Р.** Воҳидҳои фразеологӣ ва истифодаи онҳо дар ибораҳои бадеи // Баъзи масъалаҳои филологияи тоҷик. Асарҳои СамДУ. Серияи нав, № 213. – Самарқанд, 1971. – С. 123-129 ва бошқалар.

<sup>30</sup> **Игамбердиев Р.** Художественно-стилистическая роль фразеологизмов в «Бадаи-ал-вақои» Зайниддина Восифи. Автореф. дис... канд. филол. наук. – Душанбе, 1975. – 25 с.

бирликлар: *хулласи калом, ҳусни адаб, қадим-ул-айём, ба зухур пайвастан, ба қатл расонидан* кабилар; б) “Бадое ул-вақое”да қўлланган фразеологик бирликларнинг яна бир гуруҳи лексик таркиби ва структурасининг турғунлиги, маъносининг идиоматик хусусияти билан характерланади: *тамаи хом, рўзи сиёҳ, сухани нўстканда, гули рўй* кабилар. Ишнинг кейинги боби “Бадое ул-вақое”да қўлланган фразеологик бирликларнинг бадий хусусиятлари таҳлилига бағишланган. Бунда тадқиқотчи ўхшатиш маъноли фразеологизмлар (*мисли мўй аз хамир берун овардан* каби), метафора асосида шаклланган фразеологизмлар (*ангушти хайрат ба дандон газидан* каби), аллегорик маъноли фразеологизмлар (*дили касеро реш кардан, дил аз даст додан* каби), тасвирий фразеологизмлар (*ба гуфтор омадан, ба итмом расидан, даб кушодан, ашк афшондан* каби)нинг таҳлилига эътибор қаратади. Диссертациянинг сўнгги – учинчи бобида “Бадое ул-вақое”да ижодий қўлланган умумтил фразеологизмлари функционал-семантик жиҳатдан таҳлил қилинган. Бу қисмда иборалар таркибининг кенгайиши, қисқариши, янги сўз-компонент билан алмаштирилиши каби усулларга доир характерли мисоллар келтирилган. Энг муҳими, бу тадқиқотда тожик тилидаги туркий тиллардан ўзлашган тарихий фразеологизмларнинг семантик хусусиятлари ҳам таҳлил қилинган.

Тожик тилидаги фразеологик бирликларнинг грамматик хусусиятларини ўрганишда “Фразеологик бирликлар ва уларнинг синтактик функциялари ҳақида” номли ўқув қўлланмаси алоҳида ўрин тутди<sup>31</sup>. Ишда дастлаб фразеологизмлар, уларнинг шаклланиши ва аҳамияти, бу муаммонинг рус тилшунослигида ҳамда тожик тилшунослигида ўрганилиш даражаси ҳақида фикр юритилади; тожик тилидаги фразеологизмлар семантик жиҳатдан қуйидагича тўрт гуруҳга ажратиб тасниф қилинади: а) рехтаҳо (*ган тани загома, лак-лаки дар ҳаво роғ-роғ рафтан* каби), б) омехтаҳо (*барги сабз, гули сари сабад, об карда хўрдан, офтоби сари кўҳ* каби), в) вобастаҳо (*базми чамшеди, қарзи ҳасана, хизмати хирсона* каби), г) ифодаҳо (*заҳри мор, туршин ангишт, ҳамшираи шафқат, хонаи истироҳат, ситораи рўз, такрор – модари дониш* каби). Шундан кейин ишда фразеологизмлар сўз туркумларига

<sup>31</sup> Мақсудов Т., Зикриёев Ф., Чалилов Х. Дар бораи воҳидҳои фразеологӣ ва вазифаи синтаксиси онҳо (ба ёрии студентони мактабҳои оли). – Душанбе, 1976. – 86 с.

муносабатига кўра тасниф қилиниб, тўрт гуруҳга ажратилган: а) от фразеологизмлар – воҳидҳои фразеологии исми: *барги сабз, дасти рост, кори хайр, ойнаи нилгун* каби; б) сифат фразеологизмлар - воҳидҳои фразеологии сифати: *пўсту устухон, маликаи хубон, кўхро занад, чонаш мебарояд* каби; в) равиш фразеологизмлар - воҳидҳои фразеологии зарфи: *сол – дувоздаҳ моҳ, охири охирон, сарам дилам, як чаҳон, дар як чашим пўшида кушодан* каби; г) феъл фразеологизмлар - воҳидҳои фразеологии феъли: *об карда хўрдан, дасту по гум кардан* каби.

Шундан кейин ўқув қўлланмасида фразеологизмларнинг семантик ва услубий хусусиятлари ўрганилган. Ишда омоним иборалар (*аз худ рафтан, сурху сафед шудан, дил додан* каби), кўп маъноли иборалар (*дили касеро ёфтан, даҳонатро баста монд* каби), синоним иборалар (*табъи касе кушода шудан, димоғи касе чоқ гардидан, гул-гул шукуфтан, тоқиро ба осмон партофтан, сар ба осмон расидан* каби), вариантдош иборалар (*дилу бедил, дилу нодилон, дилу нимдил* каби), антоним иборалар (*дил додан – дил мондан, дасти дароз – дасти кўтоҳ* каби), тавтологик характердаги иборалар (*хуби хубон, зани занон, марди мард, охиру охирон* каби) бирма-бир ўрганилган.

Ўқув қўлланмасининг иккинчи боби фразеологик бирликларнинг синтактик функциялари таҳлилига бағишланган (38-63-бетлар). Бу қисмда фразеологизмларнинг эга, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол, кесим вазифаларида келиши, уларнинг боғланган ва эргашган кўшма гап қисмлари таркибида келиш хусусиятларига характерли мисоллар берилган. Ишнинг охиридан фразеологияга доир машқлар ўрин олган (63-82-бетлар) ва тўқсондан ортиқ “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” келтирилган (83-86-бетлар).

Н.Жўраев “Фразеологик бирликлар тожик тилининг тасвирий воситалари сифатида” мавзуида номзодлик ишини ҳимоя қилган эди<sup>32</sup>. Уч бобдан иборат мазкур тадқиқотнинг дастлабки боби “Тожик тили фразеологик бирликларида ифода-тасвир воситалари” деб номланади. Мазкур бобда тадқиқотчи аллегория, ўхшатиш, метафора, гипербола (муболаға), киноя, антитеза (тазод), такрор, символ (рамз) каби тасвирий воситаларнинг шаклланишида фразеологизмларнинг ўрни масаласини характерли мисоллар

<sup>32</sup> Джўраев Н.А. Фразеологические единицы как выразительные средства таджикского языка. Автореф. дис... канд. филол. наук. – Душанбе, 1988. – 24 с

ёрдамида таҳлил қилишга интилади. Шу асосда ишда фразеологизмлар образли ва образли бўлмаган ибораларга ажратиб таҳлил қилинади. Иборалар таркибида тасвирий воситаларнинг мавжудлиги уларнинг образли бўлишини таъминлайди, яъни фразеологизмлар образлилигининг асосини семантик деривация, образли тасаввурнинг икки томонли асоси, транспозицияси каби тамойиллар белгилайди.

Ишнинг кейинги боби “Фразеологизмлар компонентларининг оҳангдорлиги” деб номланган. Бу бобда муаллиф иборанинг шаклланишида қофия, аллитерация ҳодисасининг иштироки масаласини ўрганади. Ишда таъкидланишича, қофия ибора компонентларининг охирида (*ҳисобу китоб, ҳарбу зарб, фикру зикр, зеру забар* каби), бошида (*дарду доғ, бе шаку шубҳа, нону намак, садқаи сар, гуноҳро ба гардан гирифтан* каби) кела олади. Шу билан бирга, ибора компонентларининг оҳангдорлиги улар таркибидаги аллитерацияга ҳам боғлиқ. Тожик тилидаги ибораларда аллитерациянинг ассонанс (*садқаи сар, қазову қадар, ба ҳар ош қатиқ шудан, пой дароз кардан* каби), консонанс (*тушбераро хом шумурдан, нўстинро чаппа нўшидан* каби), асконсонанс (*ҳаббаро қубба карда нишон додан, пишаки касеро пишт гуфтан* каби) каби турлари учрайди. Бобнинг алоҳида фасли тожик тилидаги фразеологик birlikларнинг товуш структураси, тузилиши масаласини ўрганишга бағишланган. Тадқиқотчи бу жиҳатдан фразеологизмларни бир бўғинли (*пасу пеш, неку бад* каби), бир ва икки бўғинли (*гарму жўшон, дарду бало, дарду ҳасрат* каби), икки ва икки бўғинли (*ҳисобу китоб, замину замон, далеру бебок* каби) сингари бир қатор гуруҳларга ажратади.

Ишнинг охириги боби тожик тилидаги фразеологизмларнинг эмоционаллиги масаласи таҳлиliga бағишланган. Бу жиҳатдан иборалар таажжуб, ҳайрат, қувонч маъносини, алам, изтироб, қўрқув маъноларини, жирканиш, адоват маъноларини билдирувчи ибораларга ажратиб таҳлил қилинган. Иш сўнггида тожик тилидаги ибораларнинг ижобий ва салбий эмоционал бўёқдорлик касб этиши муаммолари таҳлилга тортилган.

Умуман олганда, Н.А.Жўраевнинг мазкур тадқиқоти тожик фразеологияси ривожда алоҳида ўрин тутади.

А.Зоҳидов “Ҳозирги тожик тилида сўзлашув лексикаси” (бадий адабиёт материали асосида) мавзуидаги номзодлик

ишининг алоҳида бобини сўзлашув нутқиға хосланган фразеологизмлар таҳлилиға бағишлаган эди<sup>33</sup>. Ишда *нури чашмам, охубарраи ман* сингари эркалаш-кичрайтиш аффиксли ибораларнинг луғавий таркиби ва сўзлашув нутқидаги функциялари асосли таҳлил қилинган.

Маълумки, ўзбек ва тожик халқлари узоқ ўтмишдан буён бир-бирлари билан жуда яқин иқтисодий, сиёсий, маданий алоқада бўлиб келганлар, улар қарийб бир ҳудудда яшаганлар. Ягона умумий тақдирға эға бўлган, ички ва ташқи душманларға қарши биргаликда курашган, узоқ асрлик бундай яқин қўшничилик муносабати бу халқларнинг бир-бириға қўшилиб, чатишиб кетишиға сабаб бўлган. Натижада этник жиҳатдан туркий халққа мансуб бўлган бир гуруҳ кишилар “тожиклашиб”, тожик тилида сўзлашиб кетганларидек, бир гуруҳ тожикларнинг ҳам “ўзбеклашиб”, бу халқ тилини ўз она тиллари ҳисоблаганликлари объектив-тарихий ҳақиқатдир. Айниқса, XV аср бошларида Моварауннаҳр аҳолисиға кўчманчи ўзбек қабилалари келиб қўшилгандан кейин, Ўрта Осиёда туркий тилларда сўзловчи аҳолининг нуфузи ҳар жиҳатдан ортди. Натижада ўзбек ва тожик халқларига мансуб бўлган кишилар, айрим туманлар, ҳатто қишлоқлар ҳудудида ёнма-ён, баъзи ҳолларда эса, аралаш яшайдиган бўлиб қолдилар. Бундай ҳолни ҳозирги кунда ҳам республикамизнинг Фарғона, Наманган, Жиззах, Сирдарё, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари мисолида яққол кўриш мумкин.

Шуниси эътиборлики, ўзбек тилини қабул қилган тожиклар бу тилға жуда кўп тожик тили элементларини, иборалар ва ҳикматли сўзларни ўзлари билан бирға олиб кирганлар. Ўзбек тилининг тожик сўзлари, иборалари билан бойиши бу икки халқ ўртасидаги жуда узоқ муддатли лисоний-маданий алоқалар, ҳамкорликлар, ўзаро қариндошлашиш жараёни натижаси саналади. Тилшуносликда ана шу муаммоларни тадқиқ этишни ўз вақтида Е.Д.Поливанов, А.К.Боровков сингари машҳур олимлар бошлаб берган эдилар. Кейинчалик бу долзарб муаммони илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш билан К.Ю.Супов, Ҳ.Ғуломов, Н.Шаропов, М.Мирзаев каби олимлар жиддий шуғулландилар.

<sup>33</sup> Зоҳидов А. Разговорная лексика в современном таджикском языке (на материале художественной литературы). Автореф. дис... канд. филол. наук. – Душанбе, 1991. – С. 15-17.

Тожик тилшунослигида тожик-ўзбек тилларидаги фразеологик параллеллар, ўхшашлик, муқобил вариантларнинг ҳосил бўлиш омиллари масаласини ўрганишга доир айрим тадқиқотлар ҳам амалга оширилган. Масалан: М.Сиддиқова ўтган асрнинг 60-70-йилларида ўзбек ва тожик тилларидаги муштарак ибораларнинг семантик хусусиятларини ўрганишга доир бир неча илмий мақолалар эълон қилган эди<sup>34</sup>. Жумладан, шу мақолалардан бирида М.Сиддиқова ҳар икки тил учун муштарак бўлиб қолган иборалар сифатида бадий асарлардан қуйидагиларга мос мисоллар келтиради: *икки қўлни бурнига тиқмоқ – ду даст дар бини шудан; оёғи куйган товуқдай югурмоқ – мурғи посухта барин давидан; бурутини (мўйловини) болта кесмас – мўйлаби (бурути) касеро табар набуридан; пичоқ бориб суюкка етмоқ – корд ба устухон расидан; отга тақа қоққанда, қурбақа ҳам оёғини кўтарган – ба асп наъл зананд, қурбоқа (буз) ҳам пояширо бардоштааст; отдан тушса ҳам, узанги (эгар)дан тушмайди – аз асп фарояд ҳам, аз узангу (зин) намефурояд; тирноқ орасидан кир қидирмоқ (топмоқ) – аз байни нохун чирк кофтан; қўйинини пуч ёнгоқ билан тўлдирмоқ – бағали касеро бо чормағзи пуч пур кардан; томдан тараша тушгандай – аз бом тараша афтидаги барин; хамир учидан патир – аз нўғи хамир фатир; узумини е, боғини сўрама – ангурро хўру боғаша (ро) напурс; ўз аравасини тортиб юрмоқ – аробаи худро кашола карда гаштан; бекордан худо безор – аз бекор худо безор; ичини ит тирнамоқ – даруни касеро гургон пора кардан; калавининг учини йўқотмоқ – сари калобаро гум кардан; кўзи мошдай очилмоқ – чашми касе мош барин кушода шуда мондан* [34, 199-204] кабилар.

Олиманинг таъкидлашича, “юқоридаги ибораларнинг бошқа тиллардан (масалан, рус тилидан) маълум вариантини топиш керак бўлса, ўзбек ва тожик тилларидан кўп ҳолларда буларнинг айнан ўзини топиш мумкин бўлади. Бу иборалар ҳар иккала тилдан бир бирига айнан таржима қилингандек кўринсалар-да, аслида булар ҳар иккала тилнинг луғат бойлигидан аллақачонлар ўз ўринларини эгаллаганлар” [34, 204].

<sup>34</sup> Сиддиқова М. Ўзбек ва тожик тилларида муштарак иборалар ҳақида // Ўзбек тили грамматик қурилиши ва диалектологияси масалалари. СамДУ асарлари. Янги серия. 227-чиқиши. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1971. – Б. 198-205; Сиддиқова М. Дар бораи як қатор фразеологизмҳои ҳаммаъноӣ тоҷикию ўзбеки // Масъалаҳои филологияи тоҷик (мачмӯаи). - Самарқанд, 1973. – С. 10-14 ва бошқалар.

Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири масалаларини махсус ўрганган таниқли олим К.Юсупов ҳам ўз монографиясида фразеологизмлар бу тилларда бир-бирига сўзма-сўз таржима қилишини таъкидлайди: “Одатда тилнинг лексик қатламида учрайдиган фразеологик иборалар бир тилдан иккинчи тилга сўзма-сўз таржима қилинмайди. Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро алоқасидаги яқинлик туфайли бу тиллардаги кўпгина фразеологик иборалар сўзма-сўз таржимаси билан бир-бирига ўтди.

### **Тожикча**

*Фарбигия гуспан мевардора -*

*Чъшимша ругон зер кадай -*

*Курпата ниғаҳ када по дъроз кън -*

### **Ўзбекча**

*семизликни қўй кўтаради*

*кўзини ёғ босибди*

*кўрпанга қараб оёқ узат ва*

*бошқалар*<sup>35</sup>.

1993 йилда СамДУда “Тожик фразеологияси масалалари” деб номланган алоҳида илмий тўплам нашр этилган эди<sup>36</sup>. Тўпламга филология фанлари номзоди Абдунаби Зоҳидов масъул муҳаррирлик қилган бўлиб, у проф.Н.Шарофзоданинг “Фразеологик бирликларнинг маъно хусусиятларига оид” номли мақоласи билан бошланади [36, 3-10]. Доц.Р.Эгамбердиевнинг мақоласи эса фразеологик бирликларни семантик-услубий жиҳатдан таснифлаш муаммоларига бағишланган [36, 10-21]. Шундан кейин мазкур тўпламдан А.Воҳидовнинг “Ғиёс-уллуғот”даги иборалар, Л.Назарованинг Самарқанд тожиклари шеvasида фразеологизмлар, Р.Маъруфийнинг Рўдакий шеъриятида қўлланган иборалар, Азиз Зоҳидовнинг боғдорчилик лексикасида ибораларнинг қўлланилиши, Абдунаби Зоҳидовнинг касб-ҳунарга оид атамаларнинг ибораларни шакллантиришдаги иштироки, М.Истамованинг тикувчилик лексикасида ибораларнинг қўлланилиши, Ҳ.Бердикуловнинг Зарафшон водийси чорвачилик лексикасида фразеологизмлар, М.Давронованинг ёзувчи С.Улуғзоданинг “Ёшлигимиз тонги” асарида фразеологизмларнинг қўлланилиши ҳақидаги мақолалари ҳам ўрин олган. Тўплам сўнггида А.Зоҳидов, А.Абдувалиев, З.Хожиматоваларнинг “Ўзбек ва тожик тилларидаги фразеологик муштарақлик” ҳақидаги мазмундор мақоласи берилган [36, 74-79]. Мақолада дастлаб ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро муносабати, бу масаланинг қисқача

<sup>35</sup> Юсупов К. Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири. – Тошкент: Фан, 1974. – Б. 100.

<sup>36</sup> Масъалаҳои фразеологияи тоҷик (мачмӯаи мақолаҳои илми). – Самарқанд: нашри СамДУ, 1993. – 81 с.

ўрганилиш тарихи ҳақида фикр-мулоҳаза билдирилади, С.Айний, А.К.Боровков, М.Мирзаев, Д.Ишондадаев, З.Ниёзмухамедов, А.Тохирова, А.Жалолов, М.Юнусов каби олимларнинг бу масала тадқиқига қўшган ҳиссаси ҳақида сўз юритилади. Шундан кейин мақолада ўзбек ва тожик тилларида муштарак қўлланувчи қуйидаги сингари фразеологизмлар келтирилиб, улар таҳлил қилинади: *суҳанҳои пасту баланд гуфтам – пасту баланд гапларни айтмоқ; ба гардан гирифтан – бўйнига олмоқ; обрў рехтан – обрўсини тўкмоқ; саре касеро дуто кардан – бировнинг бошини икки қилмоқ; риштаи дўсти канда шудан – дўстлик уни узилмоқ; ду даҳан гап – икки оғиз гап* ва бошқалар.

Республикамизда ўзбеклар билан муайян бир худудда ёнма-ён ва тўп (компакт) ҳолда яшаб келаётган халқлар тилларининг ўзаро бир-бирига таъсири муттасил давом этиши табиий бир ҳолдир. Бу жиҳатдан ўзбек ва тожик халқлари ва уларнинг тиллари орасидаги ўзаро алоқаларни ўрганиш ижтимоий фанлар, жумладан тилшунослик фани учун жуда муҳим аҳамият касб этади. Чунки “...умумий маданий, тарихий ва антропологик илдизларимиз бизни тожик халқи билан туташтиради”<sup>37</sup>. Бундан кўринадики, ўзбек ва тожик тиллари ўртасидаги ўзаро таъсир тўхтаб қолмайди. Бу ҳодисаларни ўрганиш ҳозирги давр тилшунослигининг долзарб масалалари қаторига киради. Кейинги йилларда бу муаммони тиллар интерференцияси негизида тадқиқ этувчи айрим тадқиқотлар юзага келди. Масалан, М.Зокиров “Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик билингвизмида намоён бўлиши” мавзуида номзодлик ишини ҳимоя қилди<sup>38</sup>. Бу ишда лексик ва грамматик интерференцияга оид характерли мисоллар келтирилган бўлса-да, ўзбек ва тожик тилли аҳоли ўртасидаги мавжуд фразеологик интерференция масалаларини тадқиқ этиш эътибордан четда қолган. Проф.М.Мирзаевнинг “Ўзбек тилининг Бухоро группа шевалари” номли монографиясида бу масалага йўл-йўлакай тўхтаб ўтилган<sup>39</sup>. Олимнинг таъкидлашича, “ўзбекча фразеологик ибораларнинг бир қанчаси мазмунан ва сўзларнинг тартиби жиҳатидан тожик тилидаги ибораларга мос келади (гўё

<sup>37</sup> Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 143.

<sup>38</sup> Зокиров М.Т. Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик билингвизмида намоён бўлиши. НДА. – Тошкент, 2007. – 26 б.

<sup>39</sup> Мирзаев М.М. Ўзбек тилининг Бухоро группа шевалари. – Тошкент: Фан, 1969. – Б. 84-85.

улар ўзбек тилидан тожик тилига ва, аксинча, таржима қилингандай). Масалан: *ўзб. тълъ узун; тълга кърдъ; нонъ бутун; паишахўрда бўлмоқ; ўзига келмоқ; болта келганча тўнка дам олади* кабилар. **Тож.** *забонаш дароз; ба забон даромадан; нонаш бутун; паиша хўрда шудан; ба худ омадан; то табар омадана кунда дар осойиш* кабилар” [39, 84]. М.Мирзаев ўзбек ва тожик тилларига хос фразеологизмлар орасидаги бундай яқинликни қуйидагича изоҳлайди: “бу ҳол, бизнингча, кўпчилик фразеологик бирикмаларни ўзбеклар билан тожиклар ҳамжиҳат ва яқдил бўлиб, коллектив тарзда ижод қилганликларидан далолат беради” [39, 85].

Бундан кўринадики, тожик фразеологиясида ўзлашма фразеологизмлар муаммолари маълум даражада тадқиқ этилган. Аммо ўзбек ва тожик тиллари фразеологиясининг ўзаро муштараклиги, бу соҳадаги айрим интерференция ҳолатлари янги материаллар асосида чуқур илмий таҳлил этилиши лозим бўлган, долзарб муаммолардан бири саналади.

Шундай қилиб, кейинги ярим аср мобайнида ўзбек ва тожик тилшунослиги фразеологизмларнинг структурал-грамматик, семантик-услубий ва функционал-прагматик жиҳатдан ўрганиш соҳасида салмоқли ютуқларни қўлга киритди, бир қатор янги монографиялар, рисоалар, ўқув қўлланмалари, илмий мақолалар, фразеологик луғатлар яратилди, бир неча номзодлик диссертациялари ҳамда докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Шундай бўлса-да, ўзбек фразеологиясида ҳали чуқур илмий ўрганишни тақозо этувчи муаммолар ҳам анчагина бор. Шулардан бири ўзбек тилидаги ўзлашма фразеологизмлар муаммосини тадқиқ этишдир. Шу кунга қадар ўзбек тилшунослигида ҳам, тожик тилшунослигида ҳам ўзлашма фразеологизмлар масаласи бўйича айрим мақолалар яратилган, холос. Аммо фразеологик калька, унинг луғавий калька билан муносабати, ярим фразеологик калька, ўзбек тили фразеологик тизимидаги умумтуркий қатлам, форс-тожик тилидан ўзлашган қатлам ва байналмилал фразеологик қатлам сингари долзарб муаммолар янги фактик материаллар асосида тадқиқ этилиши лозим. Мазкур монографиянинг кейинги қисмлари худди ана шу муаммо тадқиқига бағишланган.

## БИРИНЧИ БОБ

### ЎЗБЕК ТИЛИДА ЎЗЛАШМА ФРАЗЕОЛО- ГИЗМЛАРНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАВСИФИ ҲАҚИДА

Маълумки, ҳар бир тил асосан ўз луғат состави ва грамматик қурилиши негизида ички тараққиёт қонунлари асосида ўсиб, такомиллашиб боради. Бундан ташқари, у ёки бу тил жамоаларининг ўзаро алоқаси натижасида бир тил иккинчисини бойитиб боради. Халқлар орасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар туфайли бир тил қурилишига хос элементлар (асосан луғавий бирликлар, қисман грамматик ва фонетик бирликлар) иккинчи бир тилга ўтиб, ўша тилнинг мулкига айланади. Таниқли тилшунос олим Ш.Балли “Француз стилистикаси” номли асарида тиллар орасидаги алоқа асосан икки нарсага сўз ёки ибора ўзлаштириш ва калькалашга таянади, деган фикрни таъкидлаган эди: “...заимствование и калька, представляют не только лингвистический, но и общественный интерес, они являются символами и показателями культурных обменов между народами, свидетельством влияния, которое одни культуры оказывают на другие”<sup>40</sup>. Ана шу нуқтаи назардан ўзбек луғат таркибини икки қатламга ажратиш мумкин: а) ўз қатлам, б) ўзлашган қатлам.

“Ўз қатлам” дейилганда асли шу тилники бўлган сўзлар, иборалар ва шулар асосидаги ясалишлар, шунингдек ўз аффикс билан бошқа тил лексемаларидан ҳосил қилинадиган ясалишлар тушунилади. Ўз ва ўзлашма қатлам тушунчаси лексема ўзлаштиришга ҳам, фразеологизм ўзлаштиришга ҳам бевосита алоқадордир. Шунинг учун “Ҳозирги ўзбек адабий тили” бўйича яратилган дарслик ва кўлланмаларда лексема ўзлаштириш ва фразеологизм ўзлаштириш ҳодисаларига алоҳида диққат қилинган. Масалан, У.Турсунов, Ж.Мухторов ва Ш.Раҳматуллаевлар томонидан яратилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” номли дарслик (1992)да “Лексема ўзлаштириш” (175-180-бетлар) ва “Фразема

<sup>40</sup> Балли Ш. Французская стилистика. Перевод с французского К.А.Долинина. – М., изд-во иностранной литературы, 1961. – с. 68.

ўзлаштириш” (180-183-бетлар) ходисалари алоҳида-алоҳида ўрганилган.

Ш.Раҳматуллаев ўзбек тилшунослигида ўзлашма фразеологизмларнинг илк тадқиқотчиларидан бири саналади. Олимнинг 1957 йилда илмий тўпламлардан бирида нашр этилган мақоласи “Ҳозирги замон ўзбек тилидаги ўзлаштира фразеологик бирликлар ҳақида” деб номланган эди<sup>41</sup>. Олимнинг таъкидлашича, “халқлар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар натижасида бир тил қурилишининг элементлари (асосан лексик бирликлар, баъзангина грамматик бирликлар) иккинчи бир тилга кириб боради, қўлланиш натижасида шу тилга сингиб, унинг ўз элементига айланиб кетади...”<sup>42</sup>. Ш.Раҳматуллаев бу мақоласида ўзбек тилидаги фразеологик бирликларни ўз иборалар ва ўзлашган иборалар деб иккига ажратиб таҳлил қилади. Мақолада ўзлашган иборалар дейилганда “бошқа тиллардан ўзбек тилига олинган фразеологик бирликлар” тушунилади: *сувдан қуруқ чиқмоқ; дилини сиёҳ қилмоқ, анча сувлар оқиб кетди* кабилар. Олимнинг таъкидлашига кўра, ўзлаштиришни бир томонлама (русчадан ўзбекчага, тожикчадан ўзбекчага каби) деб тушуниш тўғри эмас. Ҳаётда бунинг акси ҳам тез-тез кўзга ташланади.

Бу мақолада Ш.Раҳматуллаев ўзбек тилидаги ўзлашма фразеологизмларни ўзлаштира иборалардан фарқлашга интилади. Олимнинг мулоҳазасига кўра, бу фарқлар қуйидагиларда кўринади:

“1) Ўзлашма фразеологик бирликлар сўзма-сўз таржимадангина иборат бўлади. Бунда иккинчи бир тилдан ҳам маъно, ҳам форма (шакл) қабул қилинади (худди шу сўзларнинг эквиваленти келтирилади): *китайская стена – хитой девори* каби.

Ўзлаштира фразеологик бирликларда эса, маъно сақлангани ҳолда, бу маъно янги форма (ўзлаштирувчи тилнинг ўз сўзлари) орқали ифодаланади, яъни ибора қабул этувчи халқнинг турмушига татбиқ этилади, шунга кўра бу коллектив (жамоа) тилидаги сўзлар ёрдамида шакллантирилади: *плясать под (чью-нибудь) дудку – чилдирмасига оёқ ташламоқ* каби.

<sup>41</sup> Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги замон ўзбек тилидаги ўзлаштира фразеологик бирликлар ҳақида // Ўрта Осиё Давлат университетининг илмий асарлари. С1У чиқиши. Ўзбек филологияси масалалари. – Тошкент, 1957. – Б. 25-37.

<sup>42</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўша мақола. – Б. 25.

2) Ўзлашма фразеологик бирликларда ҳам маъно, ҳам форма (сўзлар) танлашда бўлган эркинлик бир маънони ифодаловчи бир неча вариантларнинг келиб чиқишига йўл очади. Ўзлаштириш биринчи вақтларда индивидуал ҳолда бўлганлиги учун, бир ибора турли автор (муаллиф)ларда турлича калькаланишга учраши мумкин. Бу ҳол ҳатто тилда синонимик ибораларнинг келиб чиқишига ҳам сабабчи бўлиши мумкин: *чилдирмасига оёқ ташламоқ – ногорасига ўйнамоқ* каби.

3) Иборани халқ турмуши билан боғлаш унинг маъносини англашни енгиллаштиради. Шунинг учун ҳам ўзлашма (сўзма-сўз таржима) иборалардан кўра ўзлаштира фразеологик бирликлар яшовчан бўлади ва халқ тилига тез сингиб кетади”<sup>43</sup>.

Ш.Раҳматуллаев бу мақоласида ўзлашган ибораларни ҳар икки тилда параллел ҳолда яшаб келувчи, қўлланувчи иборалардан фарқлашга интилади. Олимнинг таъкидлашича, бундай ҳар икки тилда параллел қўлланувчи ибораларнинг ҳар бири асосида унинг яратувчиси ва эгаси бўлган халқнинг тарихий тараққиёти давомидаги предмет, воқеа ва ҳодисалар ётади. Тилларда бир хил сўзлардан тузилиб, бир хил маънони ифодаловчи параллел иборалар кишилиқ жамияти учун умумий бўлган ўринларда учрайди. Бундай параллел иборалар ҳар бир тилда шу тилнинг эгаси бўлган халқнинг ўз конкрет тараққиёти асосида мустақил равишда шаклланган бўлади. Лекин олим “...икки тилдаги параллел иборалар ўз қурилишига ва образлигига кўра бири иккинчисини тўлиқ қопламайди”, - деб тўғри мулоҳаза юритади<sup>44</sup>. Шундан кейин мақолада *до иголки // ипидан игнасигача // миридан сиригача // қилидан қуйоузигача; умыть (умывать) руки // қўлни ювиб қўлтиққа урмоқ; задрать (поднять) нос // бурнини кўтармоқ // бурнини бир қарич кўтармоқ; знать (узнать) как свои пять пальцев // беш бармоғидай билмоқ // беш қўлдай билмоқ; волосы дыбом (встали) // тепа сочи тикка бўлмоқ // сочлари тикка бўлиб кетмоқ // тепа сочи тикка бўлиб кетмоқ* сингари рус ва ўзбек тилларида параллел қўлланувчи иборалар грамматик-семантик жиҳатдан бирма-бир таҳлил қилиниб, шундай ҳаққоний хулосага келинган: “параллел фразеологик бирликлар бир-бирини тўлиқ қопламайди. Ўз тили қурилиши асосида шаклланиш, маъно даражасидаги умумийликка

<sup>43</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўша мақола. – Б. 32.

<sup>44</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўша мақола. – Б. 32.

қарамай, бундай ибораларнинг мустақил тараққиёт йўлига эга эканлигини кўрсатиб туради”<sup>45</sup>.

Ш.Раҳматуллаевнинг бу мақоласида ўзлашма фразеологизмлар ҳақидаги яна бир муҳим масалага муносабат билдирилган, яъни олим ўзбек тилида бошқа тилдан ўзлаштирилган бирор сўз-компонент асосида ташкил топган иборани ўзлашган ибора сифатида таҳлил қилиш мумкин эмаслиги таъкидлаб кўрсатган. Масалан, мақолада таъкидланишича, асосан жонли сўзлашув тилида кенг қўлланувчи “*истансаси йўқ*” ибораси рус тилидан ўзлашган сўз-компонент *станция // станса* асосида шаклланган бўлса-да, бу иборани ўзлашган ибора деб бўлмайди, чунки рус тилининг ўзида бу сўз-компонент иштирокида тузилган ва худди шундай маънони ифодаловчи иборанинг ўзи йўқ. Шунга кўра, *истансаси йўқ* иборасини ўзбек тилининг ўз ибораси, деб ҳукм чиқаришга тўғри келади. Худди шунингдек, “айтишмоқ” маъносидаги “*а*” *деса*, “*б*” *демоқ*” ибораси ҳам ўзбек тилида янгидан яратилган фразеологик неологизм саналади. Бу мақолада олим ибора ўзлаштириш билан боғлиқ қуйидаги хулосага келган эди: “Умуман, фразеологик birlikларни ўзлаштириш луғат составини бойитиш йўлларида биридир. Бундай ўзлаштиришлар халқлар ўртасидаги яқиндан бўлган ва бўлаётган иқтисодий ҳамда маданий алоқаларнинг меваларидир... Ўзлаштира иборалар ўзлаштирувчи коллективнинг тил қурилишига хос бўлган қонунқоидаларга тўлиқ бўйсунди, шу туфайли бундай иборалар даврнинг ўтиши билан шу ўзлаштирувчи коллективнинг ўз тили бойлигига айланиб кетади. Фразеологик birlikларни уларнинг ўзлаштирилиши нуқтаи назаридан ўрганиш ҳар бир тилнинг ўз ички тараққиёт қонунлари асосида ривожланиб боришини тўла маънода тасдиқлайди”<sup>46</sup>.

Шуниси муҳимки, Ш.Раҳматуллаев ўзбек тилида ибора ўзлаштиришнинг илмий-назарий асослари билан боғлиқ ана шундай қарашларини кейинчалик “Ҳозирги замон ўзбек тили” (1957), “Ҳозирги ўзбек адабий тили” (1965, 1975, 1992) номли ишлардаги ўзбек фразеологияси ёритилган қисмларга сингдириб юборди.

Таниқли фразеолог олим Н.М.Шанский ўзлашма фразеологизм деганда бошқа тиллардан тайёр ҳолда, ҳеч қандай

<sup>45</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўша мақола. – Б. 35.

<sup>46</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўша мақола. – Б. 36.

ўзгаришсиз қабул қилинган турғун бирикмаларни тушунади<sup>47</sup>. Масалан, Н.М.Шанский талқинига кўра рус тилига эски славян тилидан ўзлашган “*соль земли*”, “*исчадие ада*” (исчадие – “фарзанд” // детище маъносида), лотин тилидан ўзлашган *alma mater* (сўзма-сўз таржимаси: боласини эмизаётган она) «университет», *modus vivendi* (хаёт тарзи, хаёт модели) кабилар рус тили фразеологик тизимидан мустаҳкам ўрин олган. Н.М.Шанский ўзлашма фразеологизмларни тўлиқ фразеологик калька ва ярим фразеологик калька тушунчаларидан фарқлайди. Масалан, “*революция алгебраси*” ибораси тўласинча ўзлашма сўз-компонентлардан иборат бўлса-да, бу ибора аслида рус тили негизида шаклланган, яъни уни илк марта таниқли рус ёзувчиси ва маърифатпарвари А.И.Герцен немис файласуфи Гегель фалсафасига нисбатан қўллаган эди. “*Соль земли*” ибораси эса таркиби соф русча сўз-компонентларидан иборат, лекин бу ибора эркин бирикма маъносини кўчма маънода тушуниш асосида эмас, эски славян тили негизида шаклланган, кейинчалик рус тили фразеологик тизимида ўз ўрнига эга бўлган. Н.М.Шанский “фразеологик калька”ни икки маънода тушунади: а) аниқ фразеологик калька, яъни ўзга тилдан ўзлашган фразеологизмни лексик-грамматик жиҳатдан рус тилида айнан ифодалаш. Масалан: *задняя мысль* (*кейинги фикр*) < французча: *arriere pensee*; *иметь место* < французча: *avoir lieu*; *синий чулок* < инглизча: *blue stocking*; *бумага не краснеет* < лотинча: *epistola non erubescit* каби; б) ноаниқ фразеологик калька, яъни ўзга тилли фразеологик оборотни айрим ўзгаришлар билан ифодалаш. Масалан: *железная дорога* < французча: *chemin de fer* (сўзма-сўз: *йўл темири*); *от всего сердца* < французча: *de tout mon coeur* (француз тилидаги фразеологизмда “сердце”(“юрак”) сўзи “мой” (менинг) аниқловчисига эга); *аппетит приходит во время еды* < французча: *l'appetit vient en mangeant* (француз тилида *en mangeant* бирикмаси сўзма-сўз “*иштаҳа маҳали*” деган маънони билдиради); *быть как на иголках* < французча: *etre sur des epines* (французча фразеологизмда қиёслаш боғловчиси “как” (*худди* // *-дек*) мавжуд эмас) кабилар. Н.М.Шанский асарида фразеологик ярим калькалар масаласи ҳам таҳлил қилинган. Масалан, олимнинг фикрича, рус тилидаги “*сделать сцену*” (“*саҳна ҳосил қилмоқ*”), “*принять*

<sup>47</sup> Шанский Н.М. Фразеология современного русского языка. – М., Просвещение, 1985. – С. 96.

резолуцию” (“резолуция қабул қилмоқ”), “смешать карты” (“картани аралаштирмоқ” // “картани чийламоқ”) каби иборалар бевосита французча фразеологизмларнинг ярим калькаси асосида вужудга келган.

Оммавий ахборот воситаларини кузатиш шундан далолат берадики, жамиятдаги сиёсий-ижтимоий ўзгариш билан боғлиқ ҳолда бир тилдан иккинчи бир тилга калька йўли билан кўплаб фразеологизмлар ўзлашади. Бунга биргина “уруш” таянч сўзи билан боғлиқ ҳолда XX аср ўрталарида тилимизга кириб келган “совуқ уруш оловини ёқмоқ”, “космик урушга тайёрланмоқ”, “юлдузлар жанги // урушини яқинлаштирмоқ” сингари иборалар мисолида ишонч ҳосил қилиш мумкин. Сиёсий ва публицистик майдонга “уруш” таянч сўзи билан боғлиқ инглизча бундай ибораларнинг кириб келиши ўзига хос тарихга эга.

“Правда” газетасининг 1946 йил 8 март сонида хабар қилинишича, собиқ инглиз бош вазири У.Черчиллнинг 1946 йил 5 мартда АҚШда Вестминстер коллежи (Фултон шаҳри)да сўзлаган нутқида Совет Россияси бошчилигидаги дунё коммунизмига қарши инглиз-америка иттифоқини тузишга чақирган эди. Бу чиқиш кейинчалик матбуотда “шарқий Европага қарши янги ҳарбий юриш” деб баҳоланган. Шундан кейин рус тилидаги матбуотда ана шу ғоявий ниятни ифодалаш мақсадида *холодная война* // *совуқ уруш* ибораси тез-тез қўлланадиган бўлди<sup>48</sup>. Бу инглизча *Cold war* иборасининг фразеологик калькаси бўлиб, америка матбуоти бу иборадан собиқ Иттифоқнинг ғарб мамлакатлари билан муносабатини характерлаш учун фойдаланган. Лекин лексикографик манбаларда “*холодная война*” иборасининг келиб чиқиши кўпинча таъкидлаб кўрсатилмайди. Масалан, И.А.Уолш ва В.П.Берковларнинг “Русско-английский словарь крылатых слов” номли луғатида (М., 1984) *Cold war* иборасининг келиб чиқиши аниқланмаган, бу бирикма илк бор 1947 йилда америка публицисти У.Липпман томонидан қўлланган, деб кўрсатилган. Ёки Ю.Н.Афонькиннинг “Русско-немецкий словарь крылатых слов” луғатида (М., 1985) таъкидланишича, *Cold war* ибораси америка иқтисодчиси ва сиёсий арбоби М.Брауннинг 1947 йил 18 апрелда сўзлаган нутқида биринчи марта қўлланган эди,

<sup>48</sup> Бу ҳақда қаранг: **Наумова И.О.** О фразеологических кальках английского происхождения в сфере общественно-политической терминологии // журн.: “Русский язык в школе”, 1983, № 3. - С. 96.

кейинчалик америка журналисти У.Липпман АҚШнинг ташқи сиёсатига оид ўз китобини шу ибора билан атаб, унинг кенг оммалашувига сабаб бўлган.

Кейинчалик “*холодная война*” ибораси қатъий сиёсий термин даражасига кўтарилди ҳамда унинг изоҳи қомусий ва сиёсий луғатлардан ўрин олди<sup>49</sup>. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ҳам бу ибора қуйидагича изоҳланган, лекин унинг ўзлашма эканлиги таъкидлаб кўрсатилмаган: “**Совуқ уруш.** – *сиёс.* империалистик агрессорларнинг халқаро муносабатларда кескинлик туғдириб янги уруш оловини ёқишга қаратилган сиёсати” (ЎТИЛ, II, 63). Ш.Раҳматуллаев, М.Содиқова луғатларида “*совуқ уруш*” иборасига ўрин берилмаган.

Шуниси муҳимки, “*совуқ уруш*” фразеологик калькасининг терминологик хусусияти кейинчалик уни ижтимоий-сиёсий мазмундаги оммабоп матнларда ҳам қўллаш имконини берди.

АҚШнинг янги ядровий стратегияси билан боғлиқ ҳолда “*совуқ уруш*” фразеологик калькасининг антоними – “*иссиқ уруш*”, “*кескинликни юмшатиш*” бирикмаларининг қўлланилиши учун кенг имконият вужудга келди.

“*Совуқ уруш*” ва “*иссиқ уруш*” ибораларининг антонимик хусусияти улардаги реверсив (тесқари) алоқа натижасида вужудга келди. Бу ўринда “*уруш*” таянч сўзи юқорида таъкидланган ташқи сиёсатни ифодалаш мақсадида “*совуқ уруш*” иборасининг шаклланишига сабаб бўлган эди, кейинчалик ана шу иборанинг образли зид маънодоши “*иссиқ уруш*”, “*кескинликни юмшатиш*” бирикмаларининг шаклланиши учун замин ҳозирлади.

Америка публицистикасида *Star wars* иборасининг ва унинг фразеологик калькаси “*звездные войны*” // “*юлдузлар уруши*” (“*самовий уруш*”, “*космик уруш*”) бирикмаларининг вужудга келишига 1983 йил 23 мартда АҚШ Президенти Р.Рейганнинг телевизион чиқиши сабаб бўлди. Бу телевизион нутқда ракета муҳофафасига қарши кенг миқёсдаги ҳарбий сиёсат тамойиллари изоҳлаб берилган эди (қаранг: “Правда”, 1983 йил 27 март). Бу сиёсат рус тилида “Система противоракетной обороны (ПРО) с элементами космического базирования” деб номланади (журн.: “Международная жизнь”, 1985, № 1). Ана шу сиёсат маҳсули

<sup>49</sup> Политический словарь, под редакцией Б.Н.Пономарева, М., 1958. – С. 232; Большая советская энциклопедия (БСЭ), М., 1978, том 28. – С. 413.

сифатида америка ва рус, кейинчалик ўзбек матбуотида “юлдузлар уруши” ибораси мустаҳкам ўрин олди.

Шундай қилиб, “совуқ уруш” ва “юлдузлар уруши” фразеологик калькалари ижтимоий-сиёсий лексиканинг турли гуруҳларига мансубдир. Биринчи ибора ижтимоий-сиёсий термин бўлса, кейингиси ижтимоий-сиёсий мазмунга эга бўлган нотерминологик бирликлар қаторига киради.

Ўзбек тилшунослигида ўзлашма ибораларнинг ўрганилиш тарихи қарийб ярим асрни ўз ичига олади. Бу масалага доир ёзилган илк мақолалардан бири Ш.Раҳматуллаев қаламига мансуб эканлиги юқорида таъкидлаб кўрсатилган эди. Бу ишда тилдаги фразеологизмлар ўз иборалар ва ўзлашган иборалар, деб икки гуруҳга ажратиб тасниф қилинган ҳамда ўзлашган ибораларнинг тилимизга кириб келишида араб, форс-тожик, айниқса рус тилининг таъсири мисоллар ёрдамида кўрсатиб берилган эди<sup>50</sup>. А.Абдуназаров ўз ишида калька асосида ҳосил бўлган ўзлашма фразеологизмларни қуйидагича уч гуруҳга ажратиб таҳлил қилган эди: а) сўзма-сўз таржима (тўлиқ калька) асосида ҳосил бўлган фразеологизмлар: *ёғламасанг – юрмайди // не подмажешь – не поедешь; сеҳрли доира // заколдованный круг; чап чўнчакка урмоқ // класть в левый карман* ва бошқалар; б) айрим компонентларини сақлаш (ярим калька) асосида ҳосил бўлган ўзлашма фразеологизмлар: *калушка ўтирмоқ // сесть в галошу; янги Америка кашф этмоқ // открыть новую Америку* ва ҳоказо; в) рус тилидаги фразеологизмнинг маъноси асосида вужудга келган фразеологизмлар (семантик калька): *жўхоридан ачитма гўжа бўлишини кашф қилмоқ // открыть Америку* кабилар<sup>51</sup>. Шунингдек, А.Абдуназаров ўз тадқиқотида “*чоригидан кашада қилмоқ*” (*бировнинг оёғидан тортмоқ*), “*кўрмакшў қилмоқ*” (*пўстагини қоқмоқ*) каби таркибида тожикча компонентлари бўлган фразеологизмларни диалектал иборалар деб, “*дафъи қазо қабл аз*

<sup>50</sup> Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги замон ўзбек тилидаги ўзлаштира фразеологик бирликлар ҳақида // Ўрта Осиё Давлат университети (САГУ) илмий асарлари, СГУ чиқиши, Ўзбек тилшунослиги масалалари. – Тошкент, 1957. – Б. 25-37.

<sup>51</sup> Абдуназаров А. Некоторые вопросы развития лексики и фразеологии узбекского литературного языка 20-х годов (на материале сатирического журнала “Муштум”), Автореф. дис... канд. филол. наук, Ташкент, 1969. – С. 20.

вуқўъ” сингари арабча ўзлашма ибораларни эса жаргон фразеологизмлар деб таҳлил қилади<sup>52</sup>.

Э.Умаров “Ҳазойин-ул-маоний”да қўлланган фразеологизмларни келиб чиқишига кўра умумтуркий ва ўзлашма ибораларга ажратиб таҳлил қилади. Олимнинг таъкидлашича, Алишер Навоий форсча ўзлашма ибораларни қуйидаги уч шаклда қўллашга эътибор қаратган: а) оригиналдаги шаклда қўлланган иборалар: *печу тоб, пок доман, хом хаёл, сиёҳ бахт, тийра рўзгор* кабилар; б) ярим калька шаклда қўлланган иборалар: *зеру забар қилмоқ // зеру забар кардан, лоф урмоқ // лоф задан, субхани шом айламоқ // субхан шом шуд* ва бошқалар; в) тўла калькаланган шаклдаги иборалар: *кўзи қон // дидаи хунбор, қаро кун // сиёҳ рўз, кўнгли қаро // сиёҳ дил, сўнгаки оқармоқ // устухонро сафед шуд, эрта кунни кеч қилмоқ // субх шом шуд* кабилар. Э.Умаровнинг тадқиқотлари шундан далолат берадики, Алишер Навоий “Ҳазойин-ул-маоний” асарида “*байтул-хазан*” (*қайғу уйи*), “*мин хабл-ул-варид*” (*жуда яқин*), “*турфат-ул-айн*” (*жуда тез, кўз очиб юмгунча*) сингари айрим арабча ўзлашма ибораларни қўллашга ҳам эътибор қаратган<sup>53</sup>.

Проф.Ҳ.Жамолхонов “Ҳозирги ўзбек адабий тили” номли асари (2005)да ўзбек тили фразеологизмларини тарихан икки гуруҳга ажратиб тасниф қилади: а) ўз қатлам фраземалари; б) ўзлашган қатлам фраземалари. Олим ўзбек тилига бошқа тиллардан асосан калькалаш йўли билан (“*нашишага озор бермаслик – муху не обидеть*”, “*нашишадан фил ясамоқ – из мухи делать слона*”) ва ўзича, таржимасиз ўзлашган (“*дарди бедаво*”, “*сукут – аломати ризо*”) каби фраземаларни киритади<sup>54</sup>.

Таниқли ўзбек ёзувчилари ўз асарларида умумтуркий қатламга мансуб иборалар билан бир қаторда ўзлашма иборалар қўллашга эътибор билан ёндошганлар. Кузатишлар шундан далолат берадики, биргина Абдулла Қодирий ижодида “*Америка кашф этмоқ*”, “*аттаому било милҳи*”, “*ақли қосирига келмоқ*”, “*гарданига олмоқ*” “*дасти алиф лом*”, “*даромадга яраша*

<sup>52</sup> Абдуназаров А. Некоторые вопросы развития лексики и фразеологии узбекского литературного языка 20-х годов (на материале сатирического журнала “Муштум”), Автореф. дис... канд. филол. наук, Ташкент, 1969. – С. 17-18.

<sup>53</sup> Умаров Э.А. Лексико-грамматическая характеристика фразеологизмов дивана “Хазойин-ул-маоний” Алишера Навои, Автореф. дис... канд. филол. наук, Л., 1968. – С. 15-17; Умаров Э.А. Иноязычные фразеологизмы в языке Навои // Сов.тюркология, 1972, № 4. – С. 46-52.

<sup>54</sup> Жамолхонов Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, “Талқин” нашриёти, 2005. – Б. 224-225.

буромад”, “дунёники мири кам икки”, “лафзи тез” сингари йигирмага яқин ўзлашма иборалар қўлланган: *Бегараз ҳақиқатни айтган, балки кўриб каромат қилган ёки янги Америка кашф этган бўламиз* (А.Қодирий. Кичик асарлар); ...*содда тахририни нусхаларга кўчирар экан – “аттаому било милҳи” /тузсиз ош/ деб кулиб қўйди* (А.Қодирий. Мехробдан чаён); *Хушрўйнинг ҳаракати енгил, лафзи тез эди* (А.Қодирий. Ўтган кунлар); ...*қизингизга чўри ҳадя қилсалар ҳам ажаб эмас. Албатта даромадга яраша буромад деган гап бор* (А.Қодирий. Мехробдан чаён); *Одобни қўлдан бермай дасти алиф лом жавоб бердим* (А.Қодирий. Кичик асарлар) кабилар.

Умуман олганда, ўзлашма ибораларнинг тилда вужудга келиши узлуксиз жараён бўлиб, тилнинг тараққиёти, шу тил эгаларининг бошқа халқлар билан иқтисодий, маданий-маърифий алоқалари билан узвий боғлиқдир. Машҳур тилшунос А.А.Потебнянинг куйидаги фикрлари тилнинг тараққиёти ва унда ўзлашма ибораларнинг вужудга келиш жараёнига бевосита алоқадор, деб ўйлаймиз: “...тилда илгари яратилган нарса янги давр учун икки хил хизмат қилади: бир қисми янги шароитда янги қобикқа киради, бир қисми эса янгиликнинг мавжуд бўлиши туфайли ўз шакли ва маъносини ўзгартиради. Шунга кўра тилнинг ташқи қобиғи ҳар хил бўлади. Турли характерга эга бўлган қатламлар ўрни алмашиб, янгилик эски қобиғидан жой олади, эски эса янги мундарижа касб этади”<sup>55</sup>.

Ўзлашма фразеологизмларнинг тилда вужудга келиши асосан фразеологик калька маҳсулидир. Тилшуносликда “калька”, “фразеологик калька” тушунчалари ҳозирги кунга қадар турлича изоҳланмоқда. Буни турли луғатлар ва тадқиқотлардан олинган куйидаги иқтибослар ҳам тўла тасдиқлайди:

1. **Калька** (*франц.* calque – копия, подражание). Слово или выражение, представляющие собой перевод по частям иноязычного слова или оборота речи с последующим сложением переведенного в одно целое.

Калька лексическая (словообразовательная). Слово, созданное по иноязычной словообразовательной модели, но из материала данного языка. Лат. agricultura > земледелие; лат. pronomen

<sup>55</sup> Потебня А.А. Из записок по русской грамматике, - Харьков, 1972. – С. 126.

(«вместо имени») > местоимение; франц. demimonde > полусвет; нем. Auf fassung > восприятие; русск. Самокритика > нем. Selbstkritik, франц. autocritique.

Калька семантическая. Получение словом нового, переносного значения под влиянием иностранного слова. Слово утонченный под влиянием франц. raffine получило также значение «изысканный, изощренный».

Калька синтаксическая. Синтаксическая конструкция, образованная по модели иностранного языка. *Поселившись теперь в деревне, его мечта и идеал были в том, чтобы воскрестить ту форму жизни, которая была при деду (Л.Толстой)* (под влиянием французского языка употреблен деепричастный оборот, обозначающий действие, не отнесенное к подлежащему данного предложения).

Калька фразеологическая. Буквальный перевод иноязычного оборота по частям. Франц. prendre les mesures > принять меры; нем. im Ganzen und Vollen > целиком и полностью.

Калькирование. Образование новых слов и выражений по лексико-фразеологическим и синтаксическим моделям другого языка с использованием элементов данного языка. Калькироваться могут не обязательно все части иноязычного слова, а только одна часть: телевидение образовано из греч. tēle – «далеко, вдаль» и русск. видение<sup>56</sup>.

2. «Калькирование... по существу представляет собой одновременно и заимствование и перевод... Калькирование это заимствование внутренней формы»<sup>57</sup>.

3. Калька (calque) – «перенос (подразумевается перенос значения, поскольку материальная оболочка слова или конструкции создается из элементов заимствующего языка – примечание... редактора) из одного языка в другой, охватывающий либо слово..., либо конструкцию..., либо значение слова...»<sup>58</sup>.

4. «Кальки – особый вид заимствований, Это слова, формирующиеся по образцу структуры соответствующих иностранных слов, но не заимствующие их материальной основы...

<sup>56</sup> Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов. – М.: Просвещение, 1976. – С. 141-142.

<sup>57</sup> Unbeqaun B. Ze calque dans les langues slaves littéraires. Revue des études slaves. Paris, 1932, v. 12; № 1-1, pp. 19-48.

<sup>58</sup> Марузо Ж. Словарь лингвистических терминов, М., 1960. – С. 129.

кальки, в особенности кальки фразеологические, будучи прежде всего структурным типом заимствования, взаимодействует, однако, со смыслом тех слов, построение которых они копируют”<sup>59</sup>.

5. “Вопрос о кальках с исторической точки зрения выступает... как вопрос о заимствовании новых лексико-фразеологических элементов в данный язык из другого языка, а с другой – как вопрос об образовании в данном языке новых слов и выражений из наличных уже в нем словообразовательных или лексических элементов, но под непосредственным воздействием другого языка, по образцу его слова и выражений”<sup>60</sup>.

6. Калькирование – “образование новых слов или введение в язык новых способов синтаксического построения путем заимствования лексико-семантических и лексико-синтаксических моделей другого языка... и заполнения их морфемами данного языка. Калькирование конструкций. Калькирование слов”<sup>61</sup>.

7. А.Ҳожиёв томонидан тузилган “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати” (ТТИЛ, 2002) да “калька”, “калькалаш”, “фразеологик калька” атамаларига куйидагича таъриф берилган:

7.1. **КАЛЬКА** (фран. calque – копия, тақлид). Ўзга тил материалидан қисмма-қисм нусха олиш йўли билан ҳосил қилинган сўз ёки бошқа тил бирлиги. Калькалар лексик, семантик, фразеологик бўлиши мумкин (ТТИЛ, 47).

7.2. **КАЛЬКАЛАШ**. Ўзга тилнинг лексик, фразеологик бирликларининг моделлари асосида ўз тил унсурларидан фойдаланиб, янги сўз ёки фразеологик бирликлар ҳосил қилиш (ТТИЛ, 47).

7.3. **ФРАЗЕОЛОГИК КАЛЬКА**. Ўзга тил фразеологик бирлигидан қисмма-қисм нусха олиш йўли билан ҳосил қилинган фразеологик birlik. Масалан, бармоқ орасидан қармоқ фразеологизми русча смотреть сквозь пальцы фразеологизмини калькалаш натижасида ҳосил бўлган (ТТИЛ, 125).

8. Н.Ҳотамов ва Б.Саримсоқовларнинг “Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати” (АТРЎИЛ, 1979)да

<sup>59</sup> Будагов Р.А. Введение в науку о языке, М., Просвещение, 1965. – С. 123-125.

<sup>60</sup> Сорокин Ю.С. Развитие словарного состава русского литературного языка (30-90-е годы XIX в.), М., 1965. – С. 165.

<sup>61</sup> Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов, М., 1969. – С. 188.

“калька”, “калькалаш”, “фразеологик калька” атамаларидан фақат “калька”га қуйидагича изоҳ берилган: **Калька** (фран. calque – тиниқ буюм, қоғоздаги нусха сўзидан) – калька. Сўз ёки иборани бир тилдан иккинчи тилга сўзма-сўз, айнан таржима қилиш. Бунда айнан таржима қилинган сўз ёки ибора асосида ётувчи тушунча ҳам таржима қилинган тил вакиллари ҳаётида мавжуд бўлиши лозим. Масалан, “*железная дорога*” сўзи Ўрта Осиёда темир йўл пайдо бўлган бир вақтда ўзбек тилига “*темир йўл*” тарзида айнан таржима қилинди. Ҳаётда техникага оид янгиликлар пайдо бўлар экан, шу воқеа ва янгиликларни тасвирловчи калькалар бадиий асарларда ҳам кўплаб учрайди (*космический корабль – космик кема каби*). Улар янги тушунча билан боғлиқ ҳолда миллий тилнинг луғат фондини, унинг ифода воситаларини бойитиб боради (АТРЎИЛ, 131-132).

9. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (ЎТИЛ)да “калька” сўзининг полисемантик сўз сифатида қуйидаги уч маъноси изоҳланган:

**КАЛЬКА** [р < фр] 1. Чизма ёки расм нусхасини тушириш учун махсус ишланган шаффоф қоғоз ёки мато. *Калька билан расм олмоқ.*

2. Чизма ёки расмнинг шундай қоғоз ёки матога туширилган нусхаси.

3. *лингв.* Бошқа тилдан сўзма-сўз таржима қилиш йўли билан ясалган сўз ёки ибора. “*Дунёқараиш*” сўзи русча “*мировоззрение*” сўзининг, “*ишчи кучи*” эса “*рабочая сила*” иборасининг калькасидир (ЎТИЛ, 1, 362).

10. 2006 йилдан бошлаб “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” янги нашри эълон қилинаётганлиги маълум. Биз бу янги ЎТИЛнинг 2-томида “калька” атамасининг қуйидаги изоҳига дуч келамиз:

**КАЛЬКА** [фр. calque – нусха, тақлид] 1. Чизма ёки расм нусхасини тушириш учун махсус ишланган шаффоф қоғоз ёки мато. *Калька билан расм олмоқ. Нусха олинадиган чизма устига чизма варағидан сал катта калька варағи қўйиши керак* (А.Абрикосов. Чизмачилик).

2. Чизма ёки расмнинг шундай қоғоз ёки матога туширилган нусхаси. *...бепоён чўлни тўрт киши кезиб юрибди. Уларнинг қўлида планшет, калькалар туширилган турли ўлчам ва схемалар* (Р.Ўроқов. Қарши чўлида).

3. *тлш.* Бошқа тил луғавий бирлигидан она тили воситалари билан сўзма-сўз таржима қилиш орқали ясалган сўз ёки ибора. “Дунёқараиш” сўзи русча “мировоззрение” сўзининг, “ишчи кучи” эса “рабочая сила” иборасининг калькасидир (ЎТИЛ-5, II, 303).

Янги ЎТИЛнинг аввалгисидан яна бир фарқи шундаки, унда “калька” сўзи изоҳидан кейин “калькаламоқ” сўзи ҳам келтирилади ҳамда унга қуйидагича изоҳ берилади:

**КАЛЬКАЛАМОҚ** 1. *тех.* Калькага кўчирмоқ. *Чизмани калькаламоқ.*

2. *тлш.* Калька йўли билан ҳосил қилмоқ. *Калькалаб термин ясамоқ* (ЎТИЛ-5, II, 303) ва бошқалар.

Бундан кўринадики, янги ЎТИЛда калькалаш йўли билан фақат термин яшаш назарда тутилган. Бизнингча, калькалаш йўли билан оддий сўзлар ва фразеологизмлар ҳам ҳосил қилиш мумкин. Бу ҳолат юқоридаги лексикографик изоҳда ҳам ўз аксини топиши лозим эди.

Маълумки, ҳар бир тил, асосан ўз луғат бойлиги ва грамматик қурилиши асосида ўсиб такомиллашади. Халқлар орасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар натижасида бир тилдан иккинчи тилга луғавий бирликлар, фонетик ва грамматик шакллар ҳам ўзлашиб боради. Шу нуқтаи назардан тилда ўз қатлам билан бир қаторда ўзлашган қатламнинг ҳам салмоғи ошиб боради. Лексемалар каби фразеологизм (ибора)лар ҳам асосан икки йўл билан ўзлашади: жонли сўзлашув тили орқали; б) босма манбалар орқали. Бу ўринда Ш.Баллининг тилларда ибора ўзлаштиришнинг асосий усули калькалашдир, деган фикрини эслатиб ўтишни лозим топамиз: “идиоматические выражения, обороты, состоящие из нескольких слов, переходят из одного языка в другой почти всегда в виде кальки”<sup>62</sup>. Масалан, проф.Ш.Раҳматуллаевнинг таъкидлашича, тилимиздаги “калаванинг учини йўқотмоқ” ибораси тожикча “*сари калобаи худро гум кардан*” иборасининг калькаси, “қўлни қўлга бериб” ибораси эса рус тилидаги “*рука об руку*” иборасининг калькаси саналади<sup>63</sup>: *Биласизми, раис амаки, сиз касал бўлгач, калавамнинг учини йўқотиб, шунча паришон бўлдимки,*

<sup>62</sup> Балли Ш. Французская стилистика. Перевод с французского К.А.Долинина. – М., изд-во иностранной литературы, 1961. – с. 70.

<sup>63</sup> Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – Б. 181.

сўраган дафтарларини ҳа деганда топиб беролмадим (С.Анорбоев. Оқсой); *“Тушунми керак-да, берилиб лекция ўқиётган эди, бирдан калавасини йўқотиб қўйди”*, - дерди (П.Қодиров. Уч илдиз); *“Рус билан ўзбек қўлни қўлга берса, ҳар мушкул осон”*, - деди Саксон ота (Ойбек. Олтин водийдан шабадалар); *Жамики камбағал қўлни қўлга бериб, яктан бўлиб турса, кимнинг ҳадди бор мардикор олишга* (Ойбек. Қутлуғ қон); *Барча ислом мамлакатлари бирлашсак, қўлга қўл берсак, иншоолло, мушкул ишларимиз осон бўлур* (Ойбек. Нур кидириб); *Уюшиб, қўлга қўл бериб ишлаётганимизни кўриб қўйсин...* (Саид Аҳмад. Хукм) кабилар.

Китобий йўл билан адабий тилга кириб келган фразеологизмлар (ўзлашма, калька ва ярим калька орқали ҳосил қилинган иборалар) ҳозирги кунда кўпинча бадий, сўзлашув ва публицистик услубларда кенг қўлланмоқда. Бунга араб тили орқали кириб келган *“куфрони неъмат бўлмоқ”*, *“асфаласофилинга кетмоқ”*, *“лом-мим демаслик”*, *“айюҳаннос солмоқ”* каби, форс-тожик тили орқали ўзлашган *“сукут – аломати ризо”*, *“дарди сар бўлмоқ”*, *“дарди бедаво”*, *“мусичаи бегуноҳ”* сингари қатор ибораларни кўрсатиш мумкин: *Жонимни сузуриб олгудай Аширмат. Бошимни эгиб, чурқ этмай ўтиравердим. Дарди бедаво бўлди бу* (Ойбек. Олтин водийдан шабадалар); *Бобоқул ота бой\ш чайқади: “Уф-ф, дарди бедаво бўлди-ку буларинг”* (С.Анорбоев. Оқсой); *Уялиш керак, ўртоқ директор, мендай мусичаи бегуноҳ кишини ранжитгани қандай кўнглингиз бўлди* (С.Сиёев. Ёруғлик) кабилар.

Баъзан шоир ва ёзувчилар ўз асарларида ўзлашма фразеологизмлар таркибини янгилашга интиладилар. Бу эса иборанинг таъсирчанлик қувватини янада оширишга хизмат қилади. Масалан, адабий тилда хурсандлик, шод-хуррам бўлиб, ялло қилиб юриш маъносини билдириш учун *“дўпписини яримта қилиб”*, *“дўпписини осмонда”* иборалари қўлланилади (ЎТФЛ, 79). Шоир Эркин Воҳидов худди шу маънони ифодалаш учун таркибида арабча “дол” сўз-компоненти бўлган *“дўпписини дол қўндирмоқ”* иборасидан фойдаланади. *“Дўпписини яримта қилиб юрмоқ”* умумтил ибораси таркибидаги “яримта” сўз-компонентини арабча “дол” сўзи билан алмаштириш асосида юзага келган бу янги ибора китобийлик, таъсирчанлик доирасининг ошишига восита бўлган: *Қахрамоним // Ўлтирибсан сен // Рўпарамда комтарин,*

*доно // Ўз ишингни дўндирибсан сен // Дўппини дол қўндирибсан сен // Тупроқда зар ундирибсан сен...* [2-том, 19] кабилар.

Фразеологик калька дейилганда бошқа тилдаги иборани ўз тилига сўзма-сўз таржима қилиш тушунилади<sup>64</sup>. Масалан, таниқли тилшунос олим А.К.Боровков тожик ва ўзбек тилларининг ўзаро таъсири муаммоларини ўрганар экан, қуйидаги ибораларни икки тилда ҳам аниқ “таржима”си бўлган калькалар деб ҳисоблаган эди:

Ўзбек тилида

*қулоқ солмоқ -*

*қўл қўймоқ -*

*гап тўқимоқ -*

*бир оғиз -*

*бўйнига солмоқ -*

*кўз-қулоқ бўлмоқ -*

*бири богдан, бири тогдан -*

тожик тилида

*гўш андохтан*

*даст мондан*

*гап бофтан*

*як даҳан*

*ба гардани гирифтан*

*гўшу чаим шудан*

*яке аз бог, дигаре аз рог*

кабилар<sup>65</sup>.

1959 йилда Самарқанда фразеология масалаларига доир ўтказилган 1-республикалараро илмий анжуманда таниқли олим Л.П.Ефремов лексик ва фразеологик калькалар муаммоларига доир маъруза қилган эди. Бу маъруза матни кейинчалик нашр этилган<sup>66</sup>. Олим бу ишида тилда кенг тарқалган лексик ва фразеологик калькани бир-биридан фарқлашга интилади, О.С.Ахманованинг ФБ сўзга эквивалент, деган фикрини<sup>67</sup> рад этади ҳамда лексикализация, эркин сўз бирикмаларининг фразеологизацияси (турғунлашуви) каби ходисалар тилнинг фразеологик тизими бойишининг асосий манбалари бўлиб, бунда фразеологик кальканинг ўрни бекиёс эканлигини далиллар асосида кўрсатиб беради. Бу ишда таъкидланишича, фразеологик калькалар тилнинг фразеологик бойлиги таркибига киради. Масалан, Л.П.Ефремовнинг мулоҳазасига кўра, рус тилидаги *всосать с молоком матери*,

<sup>64</sup> Бу ҳақда қаранг: **Юсупов К.** Ўзбек адабий тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1986. – Б. 55-56; **Шанский Н.М.** Фразеология современного русского языка. – М.: Высшая школа, 1985. – С. 100-103; **Пинхасов Я.Д.** Ҳозирги ўзбек адабий тили (лексикология ва фразеология). – Тошкент: Ўқитувчи, 1969. – Б. 69.

<sup>65</sup> **Боровков А.К.** Таджикско-узбекское двуязычие и вопрос о взаимовлиянии таджикского и узбекского языков // Ученые записки Института востоковедения АН СССР. Том 1У. Лингвистический сборник. М.: 1952. – С. 198-199.

<sup>66</sup> **Ефремов Л.П.** Лексическое и фразеологическое калькирование // Труды СамГУ. Новая серия, выпуск 106. Вопросы фразеологии. – Самарканд, 1961. – С. 117-124. .

<sup>67</sup> **Ахманова О.С.** Очерки по русской лексикологии. – М., 1957. – С. 169.

*таскать каштаны из огня, поставит точки над и, вот где собака зарыта, игра не стоит свеч, у черта на куличках, с начала до конца, сидеть на пальме* сингари бир қатор фразеологизмлар немис, инглиз ва француз тилларидан калькалаш усули билан ўзлашган ҳамда улар ҳозирги кунда рус тили фразеологик тизимидан мустаҳкам ўрин олган.

Д.У.Нурмухамедова ҳам лексик ва фразеологик калькалаш масаласига доир махсус мақола эълон қилган эди<sup>68</sup>. Бу мақола муаллифи ўзбек тилидаги тўлиқ сўз ясаши калькаси (*боғдорчилик // садоводство, тингловчи // слушатель, ёқилғи // топливо, ёнилғи // горючее, даврийлик // периодичность, йўлланма // путёвка, давомчи // продолжатель, ёритқич // светило* каби), ярим сўз ясаши калькаси (*докладчи // докладчик, боксчи // боксер* каби)ни бир-биридан фарқлайди. Мақолада фразеологик кальканинг қуйидаги икки усули кўрсатилади: а) рус тилидаги сўз бирикмалари модели асосида ўзбек тили материали асосида: *бошланғич мактаб // начальная школа, ёнувчи аралашма // горючая смесь, гап бўлақлари // члены предложения, қон босими // давление крови, синф бошлиғи // староста группы, ўлчов бирлиғи // единица измерения, илмий даража // ученая степень* каби; б) русча сўзлар иштирокида ҳосил бўлган ўзбек тилидаги кўшма сўзлар ва фразеологизмлар: *телефон қилмоқ // звонить, доклад қилмоқ // сделать доклад, борона солмоқ // боронить, докторлик қилмоқ // лечить, врачевать, бойкот қилмоқ (этмоқ) // бойкотировать, ёндирувчи бомба // зажигательная бомба, атмосфера босими // атмосферное давление, ботаника боғи // ботанический сад, директор ёрдамчиси // помощник директора, декоратив ўсимлик // декоративные рассетания* каби. Мақола охирида калькалаш муаммосини ўрганиш тилшунослик фани олдида турган энг долзарб муаммолардан бири эканлиғи таъкидланади.

К.Юсуповнинг “Ўзбек адабий тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари” номли монографиясининг алоҳида қисми калька масаласи таҳлилига бағишланган<sup>69</sup>. Олим бу ишида кальканинг қуйидаги уч турини бир-биридан фарқлайди:

<sup>68</sup> Нурмухамедова Д.У. О лексическом и фразеологическом калькировании // Лингвистический сборник. – Ташкент, Фан, 1971. – С. 114-116.

<sup>69</sup> Юсупов К. Ўзбек адабий тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари (XIX асрнинг биринчи ярми вақтли матбуот материаллари асосида). – Тошкент, Фан, 1986. – Б. 53-56.

1. Тил фактларини сўзма-сўз таржима қилиш йўли билан ҳосил қилинган сўзлар *лексик калька* дейилади.

2. Бошқа тилда мавжуд бўлган кўчма маъноли сўзлар ёки сўз бирикмалари таъсирида иккинчи тилда худди шундай бирикмалар ҳосил қилиш *фразеологик калька* саналади.

3. У ёки бу тилда бошқа тил таъсири оқибатида ҳосил қилинган синтактик моделлар *синтактик калькага* киради<sup>70</sup>. Шундан кейин К.Юсуповнинг монографиясида *пусть земля будет пухом // тупрози енгил бўлсин, легкая кавалерия // енгил кавалерия, скорая помощь // тўхтовсиз ёрдам // тез ёрдам, революционное крыло // инқилобий қанот, почетная грамота // тақдир хати // фахрий ёрлиқ* сингари фразеологик калькаларга 20-йиллар ўзбек матбуоти саҳифаларидан мисоллар келтирилади, улар таҳлил қилинади ҳамда қуйидаги хулосага келинади: “Ўзбек вақтли матбуоти тилида рус тили материалидаги фразеологик бирликларни калькалаш ўз даври учун катта аҳамиятга молик бўлиб, газетхонларда маълум даражада қизиқиш уйғотган. Бошқа тилларда бўлганидек, ўзбек адабий тилида, ўзбек вақтли матбуоти саҳифаларида лексик калькага нисбатан фразеологик калька кам учрайди. Бу ҳол албатта табиий ва қонунийдир. Фразеологик калькалар тилдаги фразеологик қатламнинг бойишига катта ёрдам беради”<sup>71</sup>.

Таниқли фразеолог олим Я.Пинхасов ўзбек тилида қўлланилаётган фразеологизмларни этимологик жиҳатдан уч гуруҳга ажратган эди<sup>72</sup>:

1. Асл ўзбекча фразеологизмлар. Ўзбек халқининг ўз ижоди орқали майдонга келган, кўп замонлар маҳсули бўлган тилимиздаги кўпгина иборалар асл ўзбекча иборалар қаторига киради: *бош қотирди, кўз-қулоқ бўлди, капалаги учди, юраги қинидан чиқиб кетди, тўнини тесқари кийди, қизим сенга айтаман, келиним сен эшит* кабилар.

2. Тожик тилидан олинган фразеологизмлар. Қардош тожик халқи тилидан кирган, ўзлашиб кетган иборалар қаторига

<sup>70</sup> Юсупов К. Ўша асар. – Б. 53.

<sup>71</sup> Юсупов К. Ўша асар. – Б. 55-58.

<sup>72</sup> Пинхасов Я.Д. Ҳозирги ўзбек адабий тили (лексикология ва фразеология). – Тошкент, Ўқитувчи, 1969. – Б. 69.

куйидагилар киради: *ба жону дил, дили сиёҳ бўлди, дарди бедаво, обрўсини тўкди, сукут – аломати ризо, садқаи сар* кабилар.

3. Рус тилидан олинган фразеологизмлар. Рус тилидан ўзбек жонли (сўзлашув) тилига бевосита ўтган фразеологик иборалар билан бир қаторда, айнан таржима қилиш (калька) йўли билан ўзбек адабий тилига кирган, ўзлашиб кетган фразеологик иборалар ҳам бор:

а) ўзбек тилига бевосита кирган русча фразеологик иборалар: *буксирга олмоқ // шатакка олмоқ, семафор очиқ, тормоз берди* кабилар;

б) ўзбек тилига рус тилига калькалаштирилган фразеологик иборалар: *боши берк кўчага кирди // зашел в тупик, юз сўм пулинг бўлмасин, юзта дўстинг бўлсин // не имей сто рублей, а имей сто друзей, ҳеч бўлмагандан кўра, кеч бўлгани яхшироқ // лучше поздно, чем никогда* кабилар.

Бундан кўринадики, Я.Пинхасов калькани айнан таржима қилиш деб тушунади, лекин унинг лексик калька, фразеологик калька сингари турларини бирма-бир изоҳламайди. Олим фразеологизмлар доирасини жуда кенг тушунади, шунга кўра унинг келтирган мисолларида соф фразеологизмлар (*боши берк кўчага кирди // зашел в тупик* каби) билан бирга мақол ва маталлар (*юз сўм пулинг бўлмасин, юзта дўстинг бўлсин // не имей сто рублей, а имей сто друзей, ҳеч бўлмагандан кўра, кеч бўлгани яхшироқ // лучше поздно, чем никогда* каби) ҳам бор.

Акад.А.Ҳожиев фразеологизмларни ўз ва ўзлашган қатламга ажратади ҳамда уларни куйидагича изоҳлайди:

Худди лексикадаги каби, фразеологияда ҳам ўз ва ўзлашган қатлам бор. Фразеологиянинг асосий қисми ўз қатламга оид фразеологизмлардан иборат, ўзлашма қатлам кам миқдорни ташкил этади. Лекин, биринчидан, сўз ўзлаштиришга нисбатан фразеологизмни ўзлаштириш жуда кам даражада бўлса, иккинчидан, фразеологизмлар ўзга тилдан айнан ўзича эмас, асосан калькалаб ўзлаштирилади. Масалан: *гишт қолипдан кўчди* фразеологизми тожикча *хишт аз қолип бархестан* фразеологизмининг калькалаб ўзлаштирилганидир. Тожик ва ўзбек тилларида бир хил маъноли жуда кўп фразеологизмлар мавжудки, уларнинг қайси тилдан қайсинисига ўзлашганини аниқ айтиш қийин: *қандай шамол учирди – кадом шамол парронд, боши*

тошдан бўлсин – сараш аз санг шавад, ган сотмоқ – ган фурўхтан ва бошқалар. Кейинги вақтларда рус тилининг таъсирида ҳам кўпгина фразеологизмлар пайдо бўлди: *темирни қизигида бос* (куй железно, пока горячо), *бармоқ орасидан қарамоқ* (смотреть сквозь пальцы) кабилар<sup>73</sup>.

Э.Қиличевнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тили” номли қўлланмасида ўз ва ўзлашган қатлам иборалари қуйидагнча изоҳланган: “Фразеологизмларнинг асосий қисми ўз қатламга оиддир. Аммо ўзлашган қатлам иборалари ҳам бор. Иборалар баъзан ярим калька (*дили сиёҳ бўлди, буксирга олди каби*), баъзан тўлиқ калька билан ўзлаштирилади (*темирни қизигида ур // куй железно пока горячо; бармоқ орасидан қарамоқ // смотреть сквозь пальцы, ҳеч бўлмагандан кўра, кеч бўлгани яхши // лучше поздно, чем никогда*) кабилар”<sup>74</sup>.

Таъкидлаш зарурки, кейинги йилларда “Ҳозирги ўзбек адабий тили” бўйича нашр этилаётган айрим дарслик ва қўлланмаларда фразеологизмларни ўз ва ўзлашган қатламга ажратиш, фразеологизмлар доирасидаги тараққиёт, унинг таркибига кириб келаётган ўзлашма иборалар ҳақида умуман фикр-мулоҳаза билдирилмаётир. Масалан, шундай ҳолатни М.Миртожиев, Б.Менглиевлар томонидан яратилган ишларда кўришимиз мумкин<sup>75</sup>.

Умуман олганда, калька ва ярим калька йўли билан тўхтовсиз ўзлашиб бораётган фразеологизмлар тилимизда кўпроқ китобий услубларда кенг қўлланмоқда. Масалан:

рус тилида	ўзбек тилида
<i>открыть Америку -</i>	<i>Америка очмоқ;</i>
<i>выйти из воды сухим -</i>	<i>суддан қуруқ чиқмоқ;</i>
<i>проходить красной нитью -</i>	<i>қизил ип бўлиб ўтмоқ;</i>
<i>поставить точку -</i>	<i>нуқта қўймоқ;</i>
<i>выйти из игры -</i>	<i>ўйиндан чиқмоқ;</i>
<i>зайти в тупик -</i>	<i>боши берк кўчага кириб қолмоқ;</i>
<i>как на иголках -</i>	<i>игнанинг устида ўтиргандек;</i>

<sup>73</sup> Ҳожиев А. Фразеология // Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиев А., Расулов И., Доннёрв Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм. – Тошкент, Ўқитувчи, 1980. – Б. 144.

<sup>74</sup> Қиличев Э. Ҳозирги ўзбек адабий тили (конспектив курс). – Бухоро, “Бухоро университети”, 1999. – Б. 88.

<sup>75</sup> Миртожиев М.М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-жилд. Тошкент: Университет, 2004. – Б. 183-186; Менглиев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили (ўқув қўлланмаси). – Қарши: Насаф, 2004. – Б. 150-155.

<i>играть в кошки-мышки -</i>	<i>сичқон-мушук ўйнамоқ;</i>
<i>играть роль -</i>	<i>роль ўйнамоқ;</i>
<i>шутить с огнем -</i>	<i>ўт билан ҳазиллашмоқ;</i>
<i>до последней капли крови -</i>	<i>бир томчи қони қолгунча;</i>
<i>пускать корни -</i>	<i>илдиз отмоқ;</i>
<i>войти в роль –</i>	<i>ролга кирмоқ;</i>
<i>братъ на буксир –</i>	<i>шатакка олмоқ кабилар:</i>

...киши ҳаётга катта-катта илдиз отадиган пайт кўпроқ студентлик йилларига тўғри келади (П.Қодиров. Уч илдиз); ...Жангчи учун ўлимдан бошқа чора қолмагандагина ўзини ўзи ҳалок қилади, дейилади. Ахир ҳали биз боши берк кўчага кириб қолганимиз йўқ-ку. Улар билан олишиб кўрамиз (Саид Аҳмад. Хукм); Бу одам Эҳсон келган кундан бошлаб олдинги ишларига нуқта қўйиш пайида эди (А.Қаҳҳор. Сароб); Одилжон игна устида ўтиргандай, жуда бетоқат эди, дам-бадам томогини қириб йўталиб, соатига қаради (Р.Раҳмон. Қўшнилар); Тўлқинжон ҳазил ва шўхликда ҳар хил қилиқлар қилиб, кейин ўзини ўйиндан чиққан, деб эълон қилди (Ф.Мусаҷонов. Хури); Кечаги мажлисда айтилган гаплар, танқидий фикрлар, одамларнинг бошлиққа ўзини яхши кўрсатиш учун қилган турли хил бачканаликлари Онахоннинг хаёлидан қизил ип бўлиб ўта бошлади (А.Мухтор. Опа-сингиллар); Ахир улар бизни қолоқ деб ёрдамга келаётганлари йўқ, Рихсивой ака, айтинг, агар планни эпламаётган бўлсак, шатакка олишади (Р.Файзий. Чўлга баҳор келди); Ҳақиқатан ҳам Рафиқовда инқилобий самимият ёки соф кўнгиллик катта роль ўйнайди (А.Қодирий. Обид кетмон) кабилар.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек тилшунослигида ўзлашма фразеологизмларнинг шаклланиши, бунда фразеологик калькаланишнинг ўрни муаммолари махсус кузатишларни талаб қилувчи долзарб муаммолар қаторига киради.

## И К К И Н Ч И    Б О Б

### ЎЗЛАШМА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Маълумки, ҳар бир тил, асосан, ўз луғат бойлиги ва грамматик қурилиши асосида ўз тараққиёт қонунлари бўйича ўсиб, такомиллашиб боради. Бундан ташқари, тил коллективларининг ўзаро алоқаси натижасида бир тил иккинчисини сўз ва ибораларга бойитиб боради. Халқлар орасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар натижасида бир тил қурилишига хос birlikлар (асосан сўз ва иборалар, қисмангина фонетик ва грамматик birlikлар) иккинчи бир тилга кириб боради. Шу нуқтаи назардан ёндошилганда ҳар бир тилнинг луғат бойлиги ўз ва ўзлашма қатламга ажратиб ўрганилиши юқорида таъкидланган эди.

“Ўзбек тили лексикологияси” номли асарда таъкидланишича, “ўзлаштириш – бир тилдан иккинчи тилга маълум тил элементларининг кўчиши, киришидир. Бундай элемент, сўз, баъзи ҳолларда товушлар, шунингдек ўзлаштирилган сўз таркибига кирган морфема бўлиши мумкин”<sup>76</sup>. Кўринадики, лексикологияга оид ана шундай йирик тадқиқотда тиллар орасида сўз ўзлаштириш билан бирга ибора ўзлаштириш ҳам мавжудлиги қайд этилмаган. Бу ишда сўзнинг ҳақиқий ўзлашма бўлиши учун зарур белгилар алоҳида таъкидлаб кўрсатилганки, уларни биз бемалол ўзлашган ибораларга нисбатан ҳам қўллашимиз мумкин: “Ўзлашманинг нутқда кенг қўлланиши, айниқса коллектив нутқда қўлланиши приципиал белгилардан биридир. Сўз (ёки ибора) коллектив нутқда ишлатилмаса, коллектив томонидан тан олинмаса, у норма бўла олмайди. Норма бўлмаган сўзни (ёки иборани) ўзлашма деб ҳисоблаш мумкин эмас. Сўз (ёки ибора) ўзлашма бўлиши учун индивидуал нутқдагина эмас, коллектив нутқда ҳам ишлатилиши керак. Сўзнинг индивидуал нутқда ишлатилиши бу ҳали унинг тилда пайдо бўлишидир, холос, у коллектив нутққа (жамоа нутқиға) ўтгандагина ўзлашмага айланади. Келтирилганга яна бир хусусиятни – сўзнинг коллектив нутқда узлуксиз ва узоқ давр қўлланишини ҳам киритиш лозим. Ўзбек тилидаги кўпгина

---

<sup>76</sup> Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент, Фан, 1981. – Б. 84.

тожикча ва арабча ўзлашма сўзлар ўзбек халқи нутқида асрлар мобайнида қўлланилиб келди. Бу ҳол бу сўзларнинг ўзбек тили лексик нормаларига сингиб кетишига асос бўлди”<sup>77</sup>. Худди шу фикрни биз форсча-тожикча ва қисман арабча ўзлашма иборалар ҳақида ҳам айтишимиз мумкин. Масалан, тилимизда икки компонентли тожик тилидан ўзлашган *дарди бедаво* ибораси бўлиб, полисемантик хусусиятга эга: 1) давоси йўқ, тузалмас дард. *Вафосиз ёр деб тушдим бу дарди бедаволарга* // *Ўлимнинг ваҳмидан ҳардам юрак тўлганга йиғлайман* (Ҳамза. Паранжи сирлари); 2) кўчма маъно, сўзлашув тилига хос: тузатиб, эпақага келтириб бўлмайдиган иш, нарса ёки одам (ЎТИЛ, 1, 94). Лекин бу ўзлашма ибора Ш.Раҳматуллаев луғатида бир маъноли сифатида қайд этилган: **ДАРДИ БЕДАВО** – эпақага келмайдиган, қутулиш қийин, даҳмаза (ЎТФЛ, 71): *Жонимни суғуриб олгудай бўлди Аширмат. Бошимни эгиб, чурқ этмай ўтиравердим. Дарди бедаво бўлди бу* (Ойбек. Олтин водийдан шабадалар) каби.

Тўғри, ўзбек тили луғат таркибининг бойишида ички манба имкониятлари муҳим омил саналади. Шунга қарамасдан, дунёдаги ҳеч бир тил фақат ўз ички имкониятларигагина таяниб иш кўрмаганидек, ўзбек тили учун ҳам фақат ўз сўзлари, ўз қатлам бойлиги ва имкониятларигагина кифоя қилмайди. Ўзбек тили луғат таркибининг бойиши ва такомиллашувида ташқи манба (омил) ҳам муҳим роль ўйнайди. Умуман ҳар қандай тил соф ҳолда яшай олмайди. Дарҳақиқат, турли тилларнинг турли тарихий шароитларда ўзаро маълум муносабатда бўлиши қонуний ҳолдир. Ўзбек тилининг қадимий туркий негизи, кейинчалик ўзбек элати тили ўзининг узоқ асрлик тарихий ривожидан давомида бир қатор тиллар билан тўқнашган ва ўзаро алоқада бўлган. Булар қадимий эроний тиллар (қадимий сўғд тили, қадимий хоразм тили), қадимий олтой ва хитой тиллари; қадимий юнон ва ҳинд тили; араб тили, мўғул тили, қадимий уйғур тили; классик форс-тожик тили ва тожик халқ тили ва ниҳоят рус тилидир. Ўзбек тилига бу тилларнинг таъсири ҳам турли даражада ва турли ҳолатда юз берди. Ўзбек тили луғат составига сезиларли таъсир ўтказган ва ўзбек тили луғавий тизимини сезиларли даражада бойитган тиллар форс-тожик тили, араб тили ва рус тили бўлди<sup>78</sup>.

<sup>77</sup> Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент, Фан, 1981. – Б. 84-85.

<sup>78</sup> Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент, Фан, 1985. – Б. 113.

Ўзбек тилига бу тиллардан анчагина сўзлар ўтган, шунингдек бу тилларга мансуб сўзлар асосида ўзбек тилида бир қанча ўзлашма фразеологизмлар шаклланган ва улар ўз миқдори, сифати жиҳатдан ўзбек тили лексик ва фразеологик тизимида ўзига хос луғавий ва фразеологик қатламни ташкил қилади. Бошқача қилиб айтганда, ўзбек тили лексикасидаги тожикча, арабча ва русча сўзлар бу тилдаги ўзлашган қатламнинг асосини ташкил этади, ана шу ўзлашган сўзлар асосида шаклланган фразеологизмлар эса ўзбек тили фразеологик тизимидаги ўзлашма фразеологизмлар қатлами саналади.

Тилда ўзлашма фразеологизмларнинг пайдо бўлиши фразеологик шаклланиш жараёни билан боғлиқдир. Фразеологик шаклланиш дейилганда тил воситалари ёрдамида фразеологизмлар ҳосил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, қонуниятлари тушунилади. Проф. А.Маматовнинг таъкидлашича, “фразеологик шаклланиш баҳсида фразеологизмларнинг тузилиши, лисоний ва нолисоний омиллари, шаклланишнинг восита ва усуллари, қайси тил бирлиги асосида фразеологик birlik юзага келди, қандай жараён бу тил бирлигининг шаклланишига сабаб бўлди ва ҳосил бўлган фразеологизмлар тилнинг бошқа birlikлари билан қай муносабатда бўлади каби масалалар таҳлил этилади”<sup>79</sup>. Биз ана шу фикрга таяниб ишимизнинг мазкур бобида ўзбек тилидаги айрим ўзлашма фразеологизмларнинг шаклланиши ва семантик хусусиятлари ҳақида фикр юритмоқчимиз. Чунки иборанинг қайси тил воситаси негизида шаклланганлигини тўғри аниқлаш, унинг матндаги семантик ва услубий хусусиятларини ёритишга кенг йўл очади. Масалан, араб ёзувида унли товушларни ифодалаш учун ундош ҳарфнинг ости ёки устига қўйиладиган диакритик белгиларни ифодаловчи *зеру забар жуфт* сўзи ёрдамида “*зеру забар қилмоқ*” ўзлашма ибораси ҳосил қилинган (ЎТИЛ, 1, 304). Бу моносемантик ибора “*остин-устин қилмоқ, тор-мор қилмоқ, йўқ қилмоқ*” маъноларини билдиради: *Қайда бўлса топармиз, деб жуда шаҳарлар халқиниям зеру забар қилди* (“Баҳром ва Гуландом”) каби. Лекин бу ўзлашма ибора Ш.Раҳматуллаев луғатларидан ўрин олмаган.

<sup>79</sup> Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари. ДДА. – Тошкент, 2000. – Б. 14.

Арабча «асфаласофилин» сўзи диний характерга эга бўлиб, дўзахнинг энг таги, жаҳаннам деган маънони ифодалайди. Ана сўз ёрдамида ўзбек тилида *асфаласофилин бўлмоқ, асфаласофилинга кетмоқ* сингари ўзлашма фразеологизмлар шаклланган. Бу ибораларнинг икки маъноли полисемантик хусусияти “ЎТИЛ”да ўз аксини топган (ЎТИЛ, 1, 61): 1 чуқурликка, жарликка тушиб кетмоқ; 2) ҳалок бўлмоқ, ҳалокатга учрамоқ: *Қани, суюнчини чиқараверинг, Мўминжон ака! Падар лаънат золим Николай подшо йиқилибди, асфаласофилинга кетибди* (М.Мухаммаджонов. Турмуш уринишлари) каби.

Форсча-тожикча “азбаройи” сўзи олд кўмакчи сифатида “сабабли, учун” маъноларини ифодалаш учун қўлланади. Бу сўз ёрдамида *азбаройи худо, азбаройи шифо* полисемантик иборалари шаклланган (ЎТИЛ, 1, 30): **АЗБАРОЙИ ХУДО** 1) худо учун, худо йўлига; 2) худо ҳаққи, ўлай агар: *Бунни эшитиб, азбаройи худо, тутақиб, иситмам чиқиб кетди* (Ойбек. Қутлуғ қон). **АЗБАРОЙИ ШИФО** 1) шифо бўлсин учун, даво бўлсин деб: *Шу дорини азбаройи шифо ичинг* (ЎзАС, 7.04.2004); 2) айнан: *азбаройи худо 2: Азбаройи шифо, бу нима деган гап-а?* (Ўзб. овози, 10.01.2006) кабилар.

Лекин бу икки ўзлашма иборанинг полисемантик хусусияти Ш.Раҳматуллаев луғатида ўз аксини топмай, улар ўзаро синоним иборалар сифатида изоҳланган (ЎТФЛ, 18):

**АЗБАРОЙИ ХУДО** – ишонишга ундашни билдиради (кириш бўлак вазифасида келади): *Азбаройи худо, ҳеч бирингда инсоф қолмабди!* (П.Турсун. Ўқитувчи) каби.

**АЗБАРОЙИ ШИФО** – ишонишга ундашни билдиради (кириш бўлак вазифасида келади): *Азбаройи шифо, шошиб қолганимдан жониворнинг отини ҳам унутиб турибман* (И.Мақсудий. Лайлатулқадр); *Бунақа одамохунни ҳали, азбаройи шифо, ҳеч бир она туққанмас* (Ш.Тошматов. Эрк қуши) каби.

Арабча “айюҳаннос” сўзи оломонга, тўдага қарата қилинадиган хитоб, нидо маъносини билдиради. Бу сўз “айюҳаннос солмоқ” ўзлашма иборасини шакллантириш учун хизмат қилган бўлиб (ЎТИЛ, 1, 35), мазкур ибора “шовқин-сурон, хайқирик, дод-фарёд қилмоқ” маъноларини билдиради: *Бу нарса исбот қилинмаган даво! Нега мунча айюҳаннос соласиз!* (Ойбек. Қутлуғ

қон); Э, одамлар, эримнинг дастидан дод! Бу олим эмас, золим-ку!  
– дея у баттар айюҳаннос солди (Ўзб. овози) каби.

Маълумки, араб алифбосининг биринчи ҳарфи ва унинг номи “алиф” бўлиб, бу арабча сўз тилимизда алифни калтак деёлмайди // алифни таёқ деёлмайди, ичини ёрсанг алиф чиқмайди // қорнини ёрсанг алиф чиқмайди сингари ўзаро вариантдош ўзлашма ибораларнинг шаклланиши учун хизмат қилган (ЎТФЛ, 20; 352-353):

**АЛИФНИ КАЛТАК ДЕЁЛМАСЛИК** – ғирт саводсиз бўлмоқ, ҳеч нарса билмаслик: *Йўқ-э, қанақа қилиб ўқирдим. Алифни калтак деёлмайман-ку* (Ойдин. Садағанг бўлай, командир); *Мен-ку бундай масалада алифни таёқ деёлмайман, аммо инженерларга ишонаман* (Ойбек. Олтин водийдан шабадалар) каби.

**ҚОРНИНИ ЁРСА АЛИФ ЧИҚМАЙДИ** – ғирт саводсиз бўлмоқ, ҳеч нарса билмаслик: *Акам фақирнинг қорнини ёрсанг, алиф чиқмайди-ю, тагин фалон-у писмадон деганига куяйми!* (П.Турсун. Ўқитувчи); *Энди у ҳозиргина Навоий рубоийларини зўр ҳаяжон ва илҳом билан ўқиб, илм осмонининг ёруғ юлдузларидан бири сифатида чарақлаб турган мулла Ғуломжонга эмас, ичини ёрса, алиф чиқмайдиган олифта чапанига ўхшади-қолди* (М.Исмоилий. Фарғона тонг отгунча) каби.

“Алмисоқ” сўзи арабча бўлиб, “аҳд, қасам, шартнома, битим” маъноларини билдиради (ЎТИЛ, 1, 41). Бу сўз ёрдамида маъно жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган алмисоқдан бери // алмисоқдан буён ва алмисоқдан қолган ўзлашма иборалари шаклланган. Бу иборалар “қадим замонлардан бери, қадимги замондан” каби маъноларни билдиришга хизмат қилади: *Алмисоқдан бери ерда, захда ўтириб ...қоронги хонада ўқиб келган авлод бирданига оппоқ, ёруғ, тоза хонада, ўриндиқларда ўтириб ўқишса-я, бу ҳурматни ким кўрган, ким эшитган?* (М.Исмоилий. Фарғона тонг отгунча); *Арава бўлса алмисоқдан қолган, яна синибди* (Ойбек. Қутлуғ қон) каби.

Маъно жиҳатдан “алмисоқдан қолган” // алмисоқдан бери ўзлашма ибораларига яқин бўлган дақёнусдан қолган // даққиюнусдан қолган // дақёнусдан бери иборалари ҳам генетик жиҳатдан ўзлашма иборалар саналади. Бунинг сабаби шундаки, мазкур ибораларнинг шаклланишига асос бўлган *Дақёнус* // *Даққиюнус* сўзлари аслида лотинча атоқли от бўлиб, қадимги Рим

императори *Диоклетиан* (милодий 284-305)нинг Шарқ халқлари орасидаги номини ифодалайди (ЎТИЛ, 1, 215). *Дақёнусдан қолган // даққиюнусдан қолган // дақёнусдан бери* ўзлашма иборалари полисемантик хусусиятга эга, яъни уларнинг ҳар бири икки маънолидир (ЎТФЛ, 72): 1) қадимдан, жуда эски, қадимий: *Мен болаларни Қудратилла қори сингари янги усулда ўқитишни билмаганим учун дақёнусдан қолган усул билан ўқитар эдим* (М.Муҳаммаджонов. Турмуш уринишлари); *Кўча томондан қараганда кўримсиз, даққиюнусдан қолган ўймакор эшик гирчиллаб очилди* (Мирмухсин. Умид); 2) жуда ҳам эскириб кетган: *Гулнор дақиюнусдан қолган ковушни кийиб, чирик паранжига ўралиб, Йўлчи билан жўнади* (Ойбек. Қутлуғ қон); *Ҳар қандай истеъдодни ўзимизнинг даққиюнусдан қолган тор ва эски қолипимизда ўлчаб кўрамиз* (Н.Қобул. Унутилган соҳиллар); *Дақёнусдан бери шу туриши-туриш...* (А.Мухтор. Опа-сингиллар) кабилар.

Форсча-тожикча «*даҳанаки*» сўзи “*огизда бажариладиган, оғзаки*” деган маънони билдиради (ЎТИЛ, 1, 215). Ана шу сўз ёрдамида тилимизда “*даҳанаки жанг*” ўзлашма ибораси шаклланган бўлиб, “*гапириш билангина рўй берадиган тортишув, жанжал*” маъносини ифодалашга хизмат қилади (ЎТФЛ, 72): *Шу кун кечаси яна уйимизда даҳанаки жанг бўлди* (Ойдин. Садағанг бўлай, командир); *Мактаб домласи ва мударрис ҳам бу муносабат билан болаларга ҳусни ахлоқи таълим хусусида бир оз даҳанаки жанг қилишди* (Ойбек. Қутлуғ қон) каби.

Янги ЎТИЛда бу иборанинг яна бир маъно қирраси (семаси) ёритилган, яъни “*даҳанаки жанг*” ўзлашма ибораси “*оғзаки жанжал, қаттиқ айтишиш, сўкишиш*” маъноларини ҳам ифодалайди (ЎТИЛ-5, 1, 582): *Тўйхонанинг чекка хоналаридан бирида Жалил ака билан Собира опа ўртасида хуфиёна даҳанаки жанг кетарди* (М.Хайруллаев. Кўнгил); *Мирзаёр мингбоши билан Дамин кулол ўртасидаги даҳанаки жанг ёқама-ёқага ўтди* (Н.Сафаров. Оловли излар) каби.

Форсча-тожикча “*даҳа*” сўзи ЎТИЛда учта мустақил маънога эга бўлган шаклдош (омоним) сўз сифатида изоҳланган. Ана шу сўзнинг охири – учинчи маъноси “*ипак қуртининг уйқуга кириш палласи, ёши*” дир (ЎТИЛ, 1, 216). Ана шу сўз ёрдамида “*даҳага кирмоқ*” ўзлашма ибораси шаклланган бўлиб, бу ибора пиллачилик соҳасига хосланган “*уйқуга кирмоқ*” маъносини билдиради: ...*қурт*

*даҳага кириб, барғни икки барабар ортиқ хазм қилади (Ўзб.овози); Ҳаммалари даҳага кирган қуртдек, овқатга ташиланишди (“Муштум”); Қурт даҳага кирдимиз, колхоз араваси кетма-кет шаҳарга гизиллайди (Саид Аҳмад. Қадрдон далалар) каби.*

Лекин негадир Ш.Раҳматуллаев луғатида бу ўзлашма ибора ўз аксини топмаган.

Форсча-тожикча “булбул” сўзи сайроқи қушлардан бири маъносини билдиради (ЎТИЛ, 1, 148). Бу сўз “сўзловчи, нотиқ” маъносини билдирувчи яна бир форсча-тожикча сўз “гўё” билан бирикиб “булбулигўё” ўзлашма иборасини ҳосил қилади ҳамда бу полисемантик ибора икки маънога эга: 1) булбул каби сўзловчи, кўйловчи: - *Илғари оринг келмас эди, булбулигўё эдинг, - деди аста Табибий (С.Сиёев. Ёруғлик); Сайрасанг, сен сайра, булбулигўё // Сен сайрасанг, ошиқ ўзин ўлдирур (Оқ олма, қизил олма) каби; 2) хаддан ташқари кўп гапирувчи; вайсақи; маддоҳ: Аъзамнинг булбулигўёлиги суҳбатдошимга кутганидан ортиқ озуқа берди, шекилли, у формадаги ҳамроҳига: -Бу лаққага ўхшайди-ку! – деб, сўл кўзини қисиб қўйди (Шуҳрат. Жаннат қидирганлар) каби.*

“Обжувоз” сўзи форсча-тожикча бўлиб, “сув кучи билан юрадиган, шולי оқлайдиган қурилма” маъносини билдиради (ЎТИЛ, 1, 515). Шу билан бирга бу сўз “қошини обжувоз қилмоқ” ўзлашма иборасини шакллантиришга ҳам восита бўлади ҳамда мазкур ибора “икки қошини галма-гал учирмоқ” маъносини ифодалайди: *Домла ...қошларини обжувоз қилиб, Элмуродга тикилди (П.Турсун. Ўқитувчи) каби.*

Арабча “нуқс” сўзи ҳозирги вақтда архаиклашган бўлиб, “нуқсон, камчилик” маъноларини билдиради (ЎТИЛ, 1, 514). Бу сўз ёрдамида “нуқс топмоқ”, “нуқси урмоқ” сингари архаик ўзлашма иборалар ҳам шаклланган, улар “камчилик, хато топмоқ, таъсири урди, таъсири ўтди” сингари маъноларга эга: *Домла ҳикоядаги суратларни кўрди. Сўнгра ўрта бир еридан бир-икки жумла ўқиб, тилидан нуқс топди (А.Қаҳҳор. Сароб); Шербекка меҳнат билан ўтган кунларнинг нуқси урди. Сезиларли озди. Олдин қон томиб турган юзлари қорайиб пишди (С.Анорбоев. Оқсой) каби.*

Форсча-тожикча “оби-дийда” жуфт сўзи “ёш, кўз ёши” маъноларини билдиради (ЎТИЛ, 1, 516). Бу жуфт сўз ёрдамида тилимизда “оби-дийда қилмоқ” ўзлашма ибораси ҳам шаклланган,

бу ибора “кўз ёши қилмоқ” иборасининг варианты саналади (ЎТФЛ, 135): “Вой ука, мен гарибман-а, сендан бошқа ҳеч кимим йўқ-а...” – “Оби дийда қилма, эй йигит”, - деб жекиради (Ғафур Ғулом. Ҳикоялар); Оғзингдаги ошни олдириб қўйиб, оби-дийда қиласан-а! Отингни эртароқ қамчиласанг, ўлармидинг! (Саид Аҳмад. Уфқ) каби.

Форсча-тожикча “жунбиш” сўзи “ижтимоий ҳаракат; ҳаракатланиш, қимирлаш” маъноларини билдиради (ЎТИЛ, 1, 291). Бу сўз жунбишга келмоқ // жунбишга кирмоқ ўзлашма полисемантик ибораларининг шаклланиши учун ҳам асос бўлган: 1) ҳаракатга келмоқ, ҳаракатланмоқ: Бу азамат иш бошланиши билан бутун бир водий янги бир жунбишга кирди (А.Қахҳор. Сароб); 2) кўзғалмоқ, қайнамоқ: Муфтиларни кўриши ҳамано нафрати жунбишга кирган Султоналининг бу ҳолдан таажжуби ортиб, Анварга қаради (А.Қодирий. Мехробдан чаён) каби.

Форсча-тожикча “жуфтак” сўзи шаклдош (омоним) бўлиб, унинг иккинчи мустақил маъноси “икки оёқлаб тешиш, шатак отиш” дир (ЎТИЛ, 1, 292). Бу сўз ёрдамида тилимизда “жуфтакни ростламоқ // жуфтакни урмоқ // жуфтак отмоқ” сингари ўзлашма иборалар шаклланган. Бу иборалар “жуда тез қочиб қолмоқ, зудлик билан кўздан зойиб бўлмоқ” маъноларини билдиради (ЎТФЛ, 103): Айтганча, бизнинг хўжайин жуфтакни ростлаб қолибдилар-ку (Саид Аҳмад. Қадрдон далалар); Бунни эшитган Салимжон шу кунгек жуфтагини ростлаб қолган (Аббос Муҳиддин. Давлат қораловчиси); Ҳовлига тор коридор билан уланган, фасади кўчага қараган уйдан бека чиқиши биланоқ Али тажанг айбдордай бўйнини қисиб, ўз “гамхона”сига жуфтак отади (Ойбек. Қуёш қораймас); Омон менга қаради, мен “тагин бир бало бўлиб қолди шекилли”деб, аллқачон жуфтакни ростлаган эдим (Ғафур Ғулом. Шум бола); Немисларнинг уч танки бурқираб тутун чиқариб ёна бошлади. Қолганлари жуфтакни ростлади (Т.Рустамов. Мангу жасорат) каби.

“Жазава” сўзи арабча бўлиб, “ўзига тортиш, жалб қилиш, ўзини йўқотиш даражасидаги асабийлик ҳолати” га тушиш маъноларини билдиради (ЎТИЛ, 1, 270). Ана шу сўз ёрдамида тилимизда “жазаваси тутди” ўзлашма ибораси шаклланган ҳамда бу ибора “жаҳл-газаби жўш уриб, ўзини тутолмайдиган ҳолатга етмоқ” маъносини билдиради (ЎТФЛ, 91): Отлиқ ва пиёда

*солдатларнинг яна жазавалари тутди* (Н.Сафаров. Наврўз); *Охири йигитнинг жазаваси тутди* (С.Сиев. Ёруғлик); *Сафармуроднинг жазаваси тутганда, ўртага ким тушса аямас, дўппослайверарди* (Л.Бўрихон. Жазирамадаги одамлар) каби.

Форсча-тожикча “*жобажо*” сўзи “*жой-жойига*” деган маънони ифодалайди (ЎТИЛ, 1, 284). Ана шу сўз ёрдамида тилимизда “*жобажо қилмоқ // жобажо этмоқ // жобажо бўлмоқ*” сингари ўзлашма иборалар шаклланган бўлиб, улар “*жой-жойига, тартибга тушмоқ, саранжом-саришта бўлмоқ*” сингари маъноларни ифодалайди: *Ҳалолу дилкаш эрур бозбону деҳқони // Ҳар ишни қойил этар жобажо, омон бўлсин* (Ҳабибий); *Бир давронки, орзулари жобажо // Лаҳзасига йиллар этар жон фидо* (Миртемир) каби.

“*Жувонмарг*” кўшма сўзи форсча-тожикча бўлиб, “*ёш, бевақт ўлган, авжи етилган пайтида ҳалок, нобуд бўлган*” маъноларини билдиради (ЎТИЛ, 1, 290). Бу сўз ёрдамида тилимизда жуда қадимдан қўлланилиб келаётган “*жувонмарг бўлмоқ*”, “*жувонмарг қилмоқ*” сингари ўзлашма полисемантик иборалар шаклланган ҳамда улар қуйидаги маъноларни ифодалайди. **Жувонмарг бўлмоқ:** 1) ёш ўлмоқ, ёш ҳалок, нобуд бўлмоқ: *Мени бу балодан халос қилинг. Ёшман, бемаҳал жувонмарг бўлиб кетмай* (Саид Аҳмад. Уфқ); 2) барбод бўлмоқ, бекор кетмоқ, зое бўлмоқ: *Ёшлик умрим жувонмарг бўлмади* (Ў.Ҳошимов. Икки эшик ораси) каби. **Жувонмарг қилмоқ:** 1) бадном қилмоқ: *Лекин лафз деб бировни жувонмарг қилиш ҳам инсофдан эмас-да* (Ш.Холмирзаев. Оғир тош кўчса); 2) барбод қилмоқ, йўқ қилмоқ: *Ўқишини жувонмарг қилсак, уволига қоламиз* (М.Исмоилий. Фарғона тонг отгунча) каби.

Худди шунингдек, форсча “*жудо*” сўзи “*алоҳида; ажратилган, ажралган*” маъноларини билдиради (ЎТИЛ, 1, 290). Бу сўз ёрдамида тилимизда “*жудо бўлмоқ, жудо қилмоқ // жудо этмоқ // жудо айламоқ*” сингари полисемантик характердаги ўзлашма иборалар шаклланган. **Жудо бўлмоқ:** 1) бирор кимса ёки нарсадан айрилмоқ, маҳрум бўлмоқ, жудоликка учрамоқ: *Азиз дўстлар, нетай, бахти қаро бўлганга йиглайман // Азизимдан тирик, ўлмай жудо бўлганга йиглайман* (Ҳамза. Паранжи сирлари); *Мен бир оёғимдан жудо бўлдим-у, аммо юзлаб гўдакнинг жони саломат қолди* (Уйғун. Ҳаёт кўшиғи) каби. 2) халос бўлмоқ, айрилмоқ: *Девнинг боши танидан жудо бўлди* (Ўзбек халқ

эртаклари) каби. **Жудо қилмоқ // жудо этмоқ // жудо айламоқ:** 1) бирор кимса ёки нарсадан айирмоқ, маҳрум қилмоқ: *Мен билан Отабекни қаматиб, дор остига юборувчи, Отабек тилидан сохта талоқ хати ёзиб, бир-биримиздан жудо этувчи...* баттол Ҳомид экан (А.Қодирий. Ўтган кунлар) каби; 2) халос қилмоқ, айирмоқ: *Боиснинг қиличи душман солдатининг чап қулоғи тағига бориб тушди ва унинг калласини танидан жудо қилди* (Н.Сафаров. Қахрамоннинг туғилиши) каби.

Арабча “мурожаат” сўзи “кўриб чиқиш, таққослаш, солиштириш; бирор нарса сўраш, ишни қайта кўриш” маъноларини билдиради (ЎТИЛ, 1, 482). Бу сўз ёрдамида тилимизда полисемантик характердаги ўзлашма “мурожаат қилмоқ // мурожаат этмоқ” иборалари шаклланган. Ҳозирги вақтда бу ибора фақат бадий ва публицистик услубда эмас, илмий ва расмий нутқ услубларида ҳам фаол қўлланмоқда: 1) бирор иш, илтимос, чақириқ ва шу кабилар билан бировга қарата оғзаки ёки ёзма сўз айтмоқ: *Ўрдага ариза билан мурожаат қиладиган ҳар ким, ҳатто расмий кишилар ҳам, аввал маслаҳат сўраш учун Анварнинг ёнига келар эди* (А.Қодирий. Мехробдан чаён); - *Подшоҳ ҳазратлари, - назокат билан мурожаат этди Навоий* (Ойбек. Навоий) каби. 2) маълумот олиш учун қарамоқ: *У янгиликлардан хабардор бўлиш учун тез-тез интернетнинг тегишли сайдларига мурожаат қилади* (“Зарафшон”, 12.02.2006) каби.

Тилимизда арабча “мук” ва “мукка” сўзлари якка қўлланмайди (ЎТИЛ, 1, 477). Бу сўз тилимизда ўзаро маънодош ва вариантдош бўлган “муккаси била тушиб кетмоқ”, “мукка тушмоқ”, “муккасидан кетмоқ” сингари ўзлашма фразеологизмларнинг шаклланишига восита бўлган (ЎТФЛ, 175). Бу иборалар бадий нутқда фаол қўлланишдадир: *Тез орада унга бундай танқидлар ҳам кор қилмайдиган бўлиб қолди. Осойишта беташвиш ҳаётга муккаси билан тушиб кетди* (С.Абдуқаҳҳор. Ҳаётнинг бошланиши); *Шофер уни мазах қиляптими ёки ўзи музыкага шунчалик мукка тушганки, дуторни кўриб, юраги чапак чалаётганидан шу гапни айтаяптими?* (Р.Файзий. Чўлга баҳор келди); *Генрихнинг бир заиф томони шу эдики, ёшлигидан ичкиликка муккасидан кетган эди* (И.Раҳим. Чин муҳаббат); *Домла маишатга муккасидан кетган одам экан!* (П.Турсун. Ўқитувчи) каби.

Форсча “мош” сўзи “дуккакдошлар оиласига мансуб, бир йиллик дуккакли экин ва унинг овқатга ишлатиладиган, пўсти сабзаранг, ичи оқ дони” маъносини билдиради (ЎТИЛ, 1, 473). Шу сўз ёрдамида тилимизда “*кўзини мошдек очмоқ*”, “*мош еган хўроздай*”, “*моши очилмаслик*” сингари ўзлашма иборалар шаклланган. **Кўзини мошдек очмоқ** – **кўзи мошдек очилди** – жазолаб, хушёр қилмоқ; қилган ишига яраша жазо, танбеҳ билан ўзига келтириб қўймоқ: *Бу икки зарба билан Аъзамнинг кўзи мошдек очилди* (Шухат. Жаннат қидирганлар) каби; - *Қиз кўнмаяпти, денлар. Мен эртага уларнинг кўзини мошдек очиб қўяман*, - деди Тансиқ (Ойбек. Олтин водийдан шабадалар) каби. **Мош еган хўроздай** – юз-бети семиз, қип-қизил: *Мош еган хўроздай ошпазлар қозон бошида куймаланмоқда эдилар* (Ойбек. Навоий) каби; **Моши очилмаслик** – келиша олмаслик, бир фикрда бўла олмаслик: *Лекин битта “лекин”и бор-да. Шу раис билан ҳеч мошим очилишмайди*, - деди Йўлдош (ЎзАС, 13.02.2002) каби.

Арабча «лом» ва «мим» ҳарфларининг номи (ЎТИЛ, 1, 435) ҳам тилимизда “*лом-мим*” *демай*, “*лому мим*” *демай*, “*лом-мим*” *демаслик*, “*лом*” *демаслик*, “*лом*” *дея олмай қолмоқ* сингари бир қанча ўзлашма фразеологизмларнинг шаклланишига восита бўлган. Бу ибораларнинг барчаси “ҳеч нарса демаслик, индамаслик, эътироз қилмаслик” каби маъноларни ифодалайди (ЎТФЛ, 167-168): *Ишнинг энгил кўчишига севинган она Отабекнинг бу шартига лом демасдан кўнди* (А.Қодирий. Ўтган кунлар); *Ҳасаналининг бу охирги жумласи Ҳомидни ерга қаратиб, лом дея олмай қолди* (А.Қодирий. Ўтган кунлар); *Ҳамма унинг айтганини “лом-мим” демай бажараётганини Раҳим кўриб турган эди* (Ҳ.Назир. Кўкорол чироқлари); *Қолган фуқароларнинг осойишталик билан кори-хайр ишида “лом” у “мим” демай ишламоқлари лозим эканини сўйлади* (Ғ.Ғулом. Аркнинг емирилиши); *Ўзи яхши йигит-у, онасига “лом-мим” деёлмайди-да* (Саид Аҳмад. Ҳасрат); *Улар яйловга етгунча “лом-мим” деб оғиз очмадилар* (О.Ёқубов. Тоғ қизи) каби.

Китобий характердаги арабча “*лафз*” сўзи “*талаффуз*, *сўз*, *ибора*” маъноларини билдиради (ЎТИЛ, 1, 428). Бу сўз ёрдамида тилимизда *лафзи ҳалол*, *лафздан қайтмоқ* // *лафзини ютмоқ*, *лафзи тез*, *лафзи йўқ* сингари ўзлашма фразеологизмлар шаклланган. **Лафзи тез** – оғзига келган сўзни қайтармайдиган, салга жаҳли чиқиб, гапириб юбораверадиган: *Кумушингизнинг*

*феъли-атвори ўзимга маълум: эрка ўсган, лафзи тез* (А.Қодирий. Ўтган кунлар); **Лафзи ҳалол** – чин сўзли, аҳдида турадиган, ваъдасининг устидан чиқадиган: *Лафзи ҳалол, қуролдош дўстлар // Ўринлайди аҳду паймонни* (Уйғун); *У Гавҳарнинг лафзи ҳалоллигига ишонар эди* (П.Қодиров. Уч илдиз); **Лафзини ютмоқ // лафзидан қайтмоқ** – аҳдидан қайтмоқ, айтган гапи, берган ваъдасидан тонмоқ: *Кечагина нима деган эдингиз! Яна лафзингиздан қайтдингизми? Ноинсоф!* (А.Қахҳор. Оғриқ тишлар) каби.

Ш.Раҳматуллаев луғатида “лафзидан қайтмоқ” ўзлашма ибораси сўз(и)дан қайтмоқ гап(и)дан қайтмоқ, фикр(и)дан қайтмоқ ибораларининг варианты сифатида қайд қилинган (ЎТФЛ, 243), бу иборанинг “лафзини ютмоқ” варианты эса инобатга олинмаган.

Форсча “лашкар” сўзи эскирган ҳарбий атама бўлиб, “давлатнинг қуролли кучлари мажмуи ёки унинг бир қисми; қўшин, армия” маъноларига эга (ЎТИЛ, 1, 429). Ана шу сўз ёрдамида тилимизда архаик характердаги “лашкар тортмоқ” ўзлашма ибораси ҳосил қилинган. Бу фразеологизм “қўшин билан ҳужумга бормоқ” маъносини билдиради: *У Аҳмадназар устига лашкар тортиб боради* (С.Кароматов. Олтин кум); *Соҳибқирон Темур эл-юрт осойишталигини ўйлаб, Тўхтамишхон устига яша лашкар тортиб боришга мажбур бўлди* (Муҳаммад Али. Улуғ салтанат) каби.

Арабча “мот” сўзи “ўлим, ўлиш, ўлдириш; енгилиш” каби маъноларга эга (ЎТИЛ, 1, 472). Бу сўз ёрдамида тилимизда “мот бўлмоқ”, “мот қилмоқ”, “мотга тутмоқ” сингари ўзлашма иборалар шаклланган. Шулардан олдинги иккитаси полисемантик характердадир: **Мот бўлмоқ** – 1) мот ҳолатга тушмоқ, ютқизмоқ: *Исфандиёр рақибидан мот бўлган шатранжчидек ўсал бўлиб ўтирди* (С.Сиёев. Аваз); 2) мунозара, баҳс ва шу каби беллашувларда енгилмоқ, мулзам ҳолатга тушмоқ: *Унинг таҳмини тасодифан тўғри чиқиб қолса, уни Маҳмуднинг ўзи мот бўлади-ку* (М.Осим. Карвон йўлларида) каби. **Мот қилмоқ** – 1) мот ҳолатга туширмоқ (шахмат ўйинида): *Лаганбардор ходим янги шахматчи бошлиқни икки юришда мот қилди* (ЎЗАС); 2) баҳс, мунозара кабиларда рақибини енгмоқ: *Лекин кўп вақт дўкондор ошнасини бир гап билан мот қилиб қўйганини кўпиртириб мақтанади* (Мирмуҳсин. Умид) каби. **Мотга тутмоқ** – гап-сўзидан илинтириб

(тўхтатиб) устун келишга, “мот қилиш”га ҳаракат қилмоқ: *Шошманг, Муса ака, бу гапни аъзолар ўртасига ташлаб олайлик, қани, умумий мажлис нима дейди, - Низомиддинов Мусани мотга тутмоқчи бўлди (Саид Аҳмад. Ҳукм); Бу галвалардан хабар топган келиннинг отаси бўлса “Тез қизимни кўчириб кетаман” – деб мотга тутаётганмиш (Ҳаким Назир. Кўкорол чироқлари) каби.*

Бу ўринда айрим ўзлашма фразеологизмларнинг имлоси ҳақида ҳам тўхталиш лозим кўринади, чунки лексикографик манбаларда бир ўзлашма ибора турли хил шаклда ёзилмоқда. Масалан, адабий тилимизда эскирган “*амри маҳол*” ўзлашма ибораси мавжуд. Бу ибора ЎТИЛда *амр(и) маҳол* шаклида ёзилган ҳамда “амалга оширилиши гумон, жуда қийин, мушкул иш” деб изоҳланган (ЎТИЛ, 1, 45). Ш.Раҳматуллаев луғатида бу ибора *амри маҳол* шаклида берилган ҳамда “қилиш қийин” деб жуда қисқа ва бироз ғализроқ изоҳланган кўринади (ЎТФЛ, 21). Янги ЎТИЛда бу ўзлашма ибора “*амримаҳол*” шаклида кўшиб ёзилган ҳамда унинг полисемантик хусусияти кўрсатилган (ЎТИЛ-5, 1, 80): **Амримаҳол** – 1) бажарилиши жуда қийин иш: *Тарки одат – амримаҳол*; 2) асосан кесим вазифасида: қийин, мушкул: *Лекин бари бир мақсадга етмоқ амри маҳол бўлди – менинг таҳсилим чала қолди* (Ойбек. Нур қидириб); *...Ислом отага ўхшаганлардан ақалли беш сўм чиқиши ҳам амримаҳол* (Н.Аминов. Қаҳқаҳа); *Куюқ туман тушганидан ўн қадам наридаги нарсани кўриш амримаҳол* (ЎЗАС) каби.

Худди шунингдек, форсча “*андаза*” сўзи “*ўлчов, қолип*” маъноларини билдиради (ЎТИЛ, 1, 46). Ана шу сўз ёрдамида тилимизда “*андазаси келишган*”, “*андаза олмоқ // андаза кўтармоқ*” сингари ўзлашма полисемантик фразеологизмлар шаклланган. **Андазаси келишган** – 1) бичими яхши, усталик билан бичиб тикилган, хушбичим (кийим-бош, пойафзал ҳақида): *Умиднинг кийган куйлаги хушбичим, андазаси келишган, ўзига жуда ярашиб турарди* (Мирмуҳсин. Умид) каби; 2) қадди-қомати келишган, бўйи-басти ўзига ярашган, хушқомат, хушбичим: *Мунаввар жуда чиройли, кўрган одамнинг ҳаваси келадиган хушқомат, андазаси келишган бир қиз эди* (Ў.Ҳошимов. Икки эшик ораси) каби. **Андаза олмоқ // андаза кўтармоқ** – 1) бирор нарсанинг шаклини кўчирмоқ: *...клубимиз биносидан кўп колхозлар андаза олишга орзу қилар эди* (Ойбек. Олтин водийдан шабадалар);

2) ўрнак олмоқ, ибрат олмоқ: *Кулоч ёзинг, қизлар, меҳнат мавжиди // Мусобақадoshiлар олсин андаза* (Туроб Тўла); *Уч-тўрт киши бўлиб борамиз. Қиладиган мажлисимизга активдан андаза кўтарамиз-да* (Саид Аҳмад. Ҳукм) каби. Ш.Раҳматуллаев луғатида эса бу ўзлашма иборалардан фақат биттаси (*андаза олмоқ // андаза кўтармоқ*) моносемантик ибора сифатида қайд қилинган, бу асарда “андаза” сўзи “андоза” шаклида ёзилган (ЎТФЛ, 21).

Арабча «анқо» сўзи “*афсонавий қуш, самандар; оти бор, ўзи йўқ афсонавий қуш*” деган маънони билдиради (ЎТИЛ, 1, 49). Бу сўз ёрдамида тилимизда “*анқонинг тухуми // анқонинг уруғи*”, “*анқога шафе*” ўзлашма синоним иборалар шаклланган (ЎТФЛ, 21): **Анқога шафе** – камёб (эскирган, кесим вазифасида келади): *Қаҳратон қиш эди. Бир тухум анқога шафе. Райим чорвани Анжонга чоптирган ким эди* (И.Раҳим. Ихлос); *Тўғри, лекин яхши маслаҳат ҳаммадан чиқавермайди-да. Бизнинг хотинлардан ҳам чиқса-чи! Яхши маслаҳат эмас, бир оғиз бамаъни гап – анқога шафе!* (А.Қаҳҳор. Қўшчинор чироқлари) каби. **Анқонинг тухуми // анқонинг уруғи** – топилиши қийин, камёб (кесим вазифасида келади): *Аммо Аҳмад Ҳусайн бу шаҳарда, унинг юзларча чақирим теварагида ҳар қандай қора иш анқонинг тухуми эканини яхши билар эди* (Ойбек. Нур қидириб); “*Яхшиликка ёмонлик... Бир оғиз ширин сўз анқонинг уруғими?...*” – деб ўпкаланди у (А.Мухиддин. Юзга айтганнинг захри йўқ); *Одам анқонинг уруғидай бўлиб турганда, шу тўққизта кўчқорга ҳам алоҳида чўпонми, чироқ?* (С.Анорбоев. Оксой) каби.

“Моки” сўзи форсча бўлиб, «*тўқув дўкони ёки станогининг, газмолнинг ўришига арқозини ўтказиш учун хизмат қиладиган галтаги*» деган маънони билдиради (ЎТИЛ, 1, 470). Бу сўз ёрдамида тилимизда “*бўзчининг мокисидай югурмоқ // бўзчининг мокисидай қатнамоқ*” ўзлашма иборалари шаклланган ҳамда улар “*тўхтовсиз, тез бориб-келиб турмоқ, қатнамоқ*” маъноларини ифодалашга хизмат қилади: *Кўл қўйдириш учун бир неча кундан буён бўзчининг мокисидай мана шу қабулхонага қатнайман* (“Муштум”); *Тентак экансан-ку, бўзчининг мокисидай югуриб қолдинг* (Й.Шамшаров. Тошқин) каби.

Агар бу ўзлашма иборалар ЎТИЛда уч компонентли феъл ибора сифатида келтирилган бўлса, Ш.Раҳматуллаев луғатида икки компонентли (*бўзчининг мокисидай*) равиш ибора сифатида

изоҳланган, ҳатто бу иборанинг қисқарув (эллипсис)га учраган бир компонентли (*моксидай*) варианты ҳам борлиги кўрсатилган (ЎТФЛ, 56): *Бир чимдим-бир чимдимдан ташиб, мокидай қатнашим керак экан-да!* (С.Анорбоев. Оқсой) каби.

Арабча «мири» сўзи «амирга хос; давлатга, хазинага оид, тегишли» маъноларини билдирган ҳамда тарихан «беш тийинли чақа, беш тийин» маъноларига ҳам эга бўлган (ЎТИЛ, 1, 466-467). Бу сўз тилимиздаги эскирган “*миридан сирини айирмоқ // миридан сирини ажратмоқ*”, “*миридан сиригача*” ўзлашма ибораларининг шаклланишига восита бўлган: **Миридан сирини айирмоқ // миридан сирини ажратмоқ** – мувафассал равишда, майда-чуйдасигача текширмоқ: Вазирликдан келган нуфузли комиссия мактаб директори фаолиятининг миридан сирини ажратиб, ҳақиқатни юзага чиқарди (“Зарафшон”) каби. **Миридан сиригача** – муфассал равишда, майда чуйдасигача, батафсил: Муҳаммад Жамол қишлоқ ҳаётини миридан сиригача билса-да... (Ойбек. Нур кидириб); Улар ҳамма нарсани миридан сиригача қолдирмай гаплашишди (Х.Назир. Кўкорол чироклари) каби. *Миридан-сиригача* ўзлашма ибораси ЎТИЛда чизиқча билан берилган, лекин Ш.Раҳматуллаев луғатида эса чизиқчасиз ёзилган ҳамда унинг синонимлари сифатида кўрсатилган “*ипидан игнасигача // қилидан қуйруғигача*” иборалари компонентлари орасига ҳам чизиқча қўйилмаган (ЎТФЛ, 173).

Шуни айтиш керакки, айрим ўзлашма ибораларни луғатларга киритиш ва изоҳлашда ҳам лексикографик манбаларда хилма-хиллик кўзга ташланади. Масалан, тилимизда якка қўлланмайдиган арабча “*мисл*”, унинг изофали кўриниши “*мисли*” сўзи “*ўхшаш, худди, каби*” маъноларини билдиради (ЎТИЛ, 1, 467). Худди шу сўз ёрдамида тилимизда “*мисли йўқ*”, “*мисли кўрилмаган*” ўзлашма иборалари шаклланган, лекин бу иборалар ЎТИЛда ўз аксини топмаган. Ш.Раҳматуллаев луғатида бу икки ўзлашма ибора куйидагича изоҳланган (ЎТФЛ, 173): **Мисли йўқ** – қиёслаб бўлмайдиган даражада, бениҳоя: *Хат орасида дона суврат ҳам бор – Зебонинг кулиб турган суврати. Зокир ота айтгандек, мисли йўқ гўзал қиз!* (А.Муҳиддин. Зебонинг севгиси) каби. **Мисли кўрилмаган** – илгари ҳеч қачон воқе бўлмаган: *Нотаниш қизга муҳаббат изҳор қилиб мактуб ёзиш ва фалон жойга келиб туринг деб буюриш Замира учун мисли кўрилмаган беадаблик эди*

(П.Қодиров. Уч илдиз); *Иккинчидан, ўртоқ рафиқам, оиламизни ташиқий-хўжалик жиҳатдан мисли кўрилмаган даражада мустаҳкамладик* (А.Қаҳҳор. Нутқ) каби.

Ёки арабча тарихий “*махр*” сўзи “*никоҳ вақтида кўев томонидан келинга ажратиладиган доимий ва шахсий мулк; сеп, қалин пули*” маъноларини билдиради (ЎТИЛ, 1, 458). Худди шу сўз ёрдамида тилимизда тарихий характердаги “*махрига тушмоқ*” ўзлашма ибораси шаклланган. “*Махрига тушмоқ*” бирикмасига ЎТИЛда Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романидан мисол берилган, лекин унинг ўзлашма ибора эканлиги таъкидлаб кўрсатилмаган. Ш.Раҳматуллаев луғатида худди шу мисол келтирилиб, “*махрига тушмоқ*” нинг ибора эканлиги кўйидагича қайд этилган (ЎТФЛ, 172): **Махрига тушмоқ** – доимий хусусий мулк сифатида биркитиб берилган: *Мана бу ерда одамзоднинг боши янчилади, ука! Уйимга нимага кирасан, уйим энанг махрига тушганми?!* (Ойбек. Қутлуғ қон) каби.

Тилимизда арабча ўзлашма “*мағлубият*” сўзи фаол қўлланиб, “енгилиш, мағлуб бўлиш” маъноларини билдиради (ЎТИЛ, 1, 457). Худди шу сўз ёрдамида “*мағлубиятга учрамоқ*” ўзлашма ибораси шаклланган. Лекин бу ибора Ш.Раҳматуллаев луғатида ўз аксини топмаган, ЎТИЛнинг дастлабкисида ҳам унинг ибора эканлиги таъкидланмаган. Фақат янги ЎТИЛда бу ўзлашма ибора алоҳида ажратилиб, изоҳланган (ЎТИЛ-5, II, 571): **Мағлубиятга учрамоқ** – енгилмоқ: *Аҳмад Мирзо бир ярим соатлар чамаси орқада жангни кузатиб туриб, ўз қўшинининг мағлубиятга учраётганини сизди* (Мирмуҳсин. Меъмор) каби.

Бу ўзлашма иборага маъно жиҳатдан яқин бўлган *мағлуб бўлмоқ, мағлуб қилмоқ* ибораларининг лексикографик талқини ҳақида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин, чунки бу икки ўзлашма, китобий характердаги иборалар фақат янги ЎТИЛда ўз аксини топган (ЎТИЛ-5, II, 571): **Мағлуб бўлмоқ** – енгилмоқ: *Бунга худо бас келмаса, бандаси бас келолмайди, - деди... ва шу билан мағлуб бўлганини англатиб қўйди* (Ў.Ҳакимали. Навбахор) каби. **Мағлуб қилмоқ** – енгмоқ: *Соқолов қушбегини руҳан мағлуб қилганлигидан мамнун жилмайиб қўйди-да, истеҳзо билан жавоб берди* (К.Яшин. Ҳамза) каби.

Арабча «масала» сўзи тилимизда фаол қўлланиб, “*сўроқ, савол, муаммо, илтимос*” маъноларига эга (ЎТИЛ, 1, 449). Бу сўз

ёрдамида шакланган “масаласи кўрилди”, “масаласини қўймоқ”, “масала талашмоқ” каби расмий нутққа кўпроқ хосланган ўзлашма иборалар Ш.Раҳматуллаев луғатида берилгани ҳолда (ЎТФЛ, 170), улар ЎТИЛда алоҳида иборалар сифатида қайд этилмаган. Янги ЎТИЛда эса фақат “масала талашмоқ” ўзлашма ибораси куйидагича изоҳланган (ЎТИЛ-5, II, 550): **Масала талашмоқ** – бирор масала юзасидан баҳслашмоқ, баҳс юритмоқ: *Бугунги ишчи... ўз соҳасининг билимдони бўлган инженеру техниклар билан баҳслашишга, масала талашишга қодир* (Ўзб.овози) каби. Шунингдек, худди шу сўз ёрдамида шакланган “масалани кўндаланг қўймоқ // масалани кўндаланг қилиб қўймоқ” ибораси рус тилидаги “*ставить вопрос ребром // поставить вопрос ребром*” иборасининг, “масалани ўртага қўймоқ // масалани ўртага ташламоқ” иборалари эса “*ставить вопрос на обсуждение // поставить вопрос на обсуждение*” ибораларининг сўзма-сўз калькаси саналади (ФСРЯ, 450; ҚЎРФЛ, 169). Лекин бу иборалардан фақат “масалани кўндаланг қўймоқ // масалани кўндаланг қилиб қўймоқ” ўзлашма ибораси Ш. Раҳматуллаев луғатида ўз изоҳига эга бўлган (ЎТФЛ, 170): **Масалани кўндаланг қўймоқ // масалани кўндаланг қилиб қўймоқ** – бирор фикр-мулоҳазани қатъият билан ўртага ташлаб, ҳал этилишини талаб қилмоқ: *Йўқ, бунга йўл қўйиб бўлмайди, эртага мажлисда масалани кўндаланг қўяман* (Р.Файзий. Чўлга баҳор келди); *Рост, биз ҳали масалани кўндаланг қилиб қўйганимиз йўқ, лекин улар ўртамиздаги муҳаббатдан хабар топганларидан буён Дилбарнинг ҳар бир қадамини ўлчайдиган бўлиб қолдилар* (О.Ёқубов. Янги йил кечасида) каби.

Арабча “*машқ*” сўзи “*ўрганиш, малака ҳосил қилиш учун қилинадиган иш, тайёргарлик машғулоти*” маъноларини билдиради (ЎТИЛ, I, 454). Шу сўз ёрдамида тилимизда *машқини олмоқ, машқ(и) пасайди, машқ(и) паст* сингари ўзлашма иборалар шакланган. Шулардан фақат “*машқини олмоқ*” ўзлашма ибораси барча лексикографик манбаларда акс этган, қолган иборалар эса биргина Ш.Раҳматуллаев луғатида ўз изоҳига эга бўлган, холос (ЎТФЛ, 171): **Машқи пасайди** – аввалги юқори кайфияти, ғайратшижоати йўқолди: *Болаларнинг машқи пасайиб, “Шомстрой”ни ҳам бир ҳафтадан бери ўлда-жўлда ташлаб қўйишган эди* (А.Мухтор. Туғилиш) каби. **Машқи паст** – кайфияти, ғайрат-

шижоати аввалгидек яхши эмас: *Негадир Ҳошимжон акамнинг машқлари пастроқ кўринади, агар теримда шошиб қолган бўлсалар, ёрдамга тайёрмиз* (Саид Аҳмад. Қадрдон далалар); *Лекин машқи пастлигидан ва бутун нарсани унутиб хаёл суришидан одамлар бирор қоқеа бўлганига шионардилар* (Ҳ.Нўъмон. Ёшликда берган кўнгил) каби.

Шундай қилиб, ўзлашма фразеологизмларнинг шаклланиши ва айрим семантик хусусиятларига оид кузатишлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Ўзлашма фразеологизмларнинг шаклланишида уларнинг таркибидаги арабча, форсча сўз-компонентлар муҳим аҳамият касб этади.

2. Ўзлашма фразеологизмлар орасида маънодошлик, вариантдошлик, кўп маънолилиқ ҳодисалари ҳам мавжуд.

3. Ўзлашма фразеологизмларни ЎТИЛда ва Ш.Раҳматуллаев луғатида полисемантик ибора ёки моносемантик ибора сифатида беришда, уларнинг имлосида ва компонент таркибини белгилашда хилма-хилликлар учраб туради.

4. Ўзлашма фразеологизмлардан бадий ва публицистик нутқда хилма-хил услубий мақсадларда фойдаланилмоқда. Монографиянинг кейинги боби худди ана шу масалани ёритишга бағишланади.

## У Ч И Н Ч И    Б О Б

### ЎЗЛАШМА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ АЙРИМ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Маълумки, ҳар қандай чинакам шоир, ёзувчи учун фразеологизмлар фақат фикр айтиш, кечинмаларни ифодалаш воситасигина эмас, балки яшаш тарзи, яшаш шакли сифатида намоён бўлади. Ҳар бир ибора сингари ўзлашма иборалар ҳам бадиий асардаги ғоявий-эстетик мақсадга кўра муайян маъно касб этади, замиридаги мазмун орқали ўзининг янги-янги маъно қирраларини намоён қилади. Биз ана шу фикрни асосан ҳозирги ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий, устод Садриддин Айний ва шоир Эркин Воҳидов асарларидан олинган мисоллар асосида ёритишга ҳаракат қиламиз.

Арабча “*удда // уҳда*” сўзлари “бирор ишни бажара олиш, ўринлатиш, амалга ошириш, эплаш” маъноларини билдиради (ЎТИЛ, 1, 264). Бу сўз ёрдамида шаклланган “*уддага олмоқ // уҳдасига олмоқ*” эскирган ўзлашма ибораси “Ўтган кунлар” романида персонажлар нутқини ўша давр руҳига мослаш (стилизация қилиш) учун восита бўлган: - *Ҳукм мажлисида бўлмаслигимни уҳдангизга олмайсизми? – Уҳдага олмоқ қийин, - деб бош чайқади қўрбоши, - аммо бу бир эҳтимолгинадир, чунки қушбегининг бир нарсага қарор бергач ортиқ текшириб ўтирадиган одати йўқдир!* (А.Қодирий. Ўтган кунлар).

Абдулла Қодирий асарларида рус тилидан калькалаш усули билан кириб келган ўзлашма фразеологизмлардан услубий мақсадларда фойдаланиш ҳоллари кўзга ташланади. Масалан, рус тилида “*открывать Америку*” ибораси (ФСРЯ, 303) ёзувчининг публицистик асарларидан бирида “*Америка кашф этмоқ*” шаклида калькалаб қўлланган: “*Ҳар бир ишимиз тўмтоқ ва курт бўлгани каби, матбуотимиз ва унинг билан алоқа қилувчилар ҳам курт, ҳам ялпозига тўмтоқ десак, муболага қилмасдан, безараз ҳақиқатни айтган, балки кўриб каромат қилган ёки янги Америка кашф этган бўламиз*” (А.Қодирий. Кичик асарлар).

Ёзувчи А.Қодирий “Ўтган кунлар” романида рус тилидаги “*среди белого дня*” ибораси (ФСРЯ, 312) ни сўзма-сўз калькалаб

“оқ кундаёк” шаклида ўзлашма иборага айлантирган: “Уйга келиб, кечки ошни ҳам емади ва отасига ҳам учрамади, гўё шу йиртқичлар дунёсидан яширингандек, оқ кундаёк тўшагига ётиб кўрпасига бурканиб олди. Унинг бу ҳолига уй ичи тушунганлари учун нима қилди деб сўрамадилар ва ёнига ҳам келмадилар...” (А.Қодирий. Ўтган кунлар).

Шуни айтиш лозимки, моҳир сўз санъаткори Абдулла Қодирий 1924 йилда Москвага бориб, Журналистика институтида таҳсил олган, бир муддат “Русча-ўзбекча луғат” тузишда ҳамкорлик қилган<sup>80</sup>, шундан кейин “Ўтган кунлар” устида 1922 йилдаги бошланган иш 1925-1926 йилларда ниҳоясига етказилган эди. Шунга биноан, ёзувчининг ўша давр анъанасидан келиб чиқиб, бир қанча русча сўз ва ибораларни ўзбек тилига таржима қилгани, уларнинг тилимиз луғавий таркибидан мустаҳам ўрин олишига сабабчи бўлгани ҳар жиҳатдан ҳақиқатга яқиндир. Яна бир мисол. Ёзувчи рус тилидаги “отпечатать” сўзини ибора шаклида “печать тушди” деб таржима қилган. А.Қодирий “Кичик асарлар”га киритилган ўз таржимаи холида “печать тушмоқ” иборасидан ўринли фойдаланган: “1912 йилда мануфактур била савдо қилувчи бир кишига йилига 50 сўм баробарига приказчик бўлуб кирдим. Ва шу хўжайинда 1915 йилгача хизматда бўлдим... 1915 йилда (приказчик бўлгонимнинг учинчи-тўртинчи йиллари) хўжайинимнинг иши тўхтаб, дўконга печать тушди. Шунинг билан менинг приказчиклик тақдирим ҳал қилиниб, уйга қайтдим” (А.Қодирий. Кичик асарлар).

Ўтган асрнинг 20-йилларида ўзбек тилида “печать” маъносида эскирган, арабча “муҳр” сўзи фаол қўлланишда эди (ЎТИЛ, 1, 489). Лекин рус-тузем мактабида таҳсил олган, приказчик бўлиб ишлаган Абдулла Қодирий эскирган “муҳр” сўзи “печать” маъносини тўла ифодаламайди, деб тушунди ҳамда “печать тушди” деган иборани қўллашни лозим топди. Шу асосда тилимизга ўша даврда ўзлашган “печать тушмоқ” ибораси кириб келди.

А.Қодирий “Меҳробдан чаён” асарида “қулогига олмоқ // қулогига илмоқ” иборасининг (ЎТФЛ, 355) ярим калькаси бўлган

<sup>80</sup> Мирвалиев С. Ўзбек адаблари (XX аср ўзбек адабиёти). – Тошкент, “Ёзувчи” нашриёти, 2000. – Б. 28.

“гўшига илмоқ” ўзлашма иборасидан фойдаланган эди. Бу ибора ёзувчи томонидан тожик халқининг вакили бўлган персонаж нутқини индивидуаллаштириш мақсадида фойдаланилгани учун услубий жиҳатдан таъсирчан чиққан эди: - *Ийби, ийби, - деди Раҳим, - буродаринг аҳволини гапур-да, акэ. Борнадари уйқуки, пешинга чиқин бўлса; кўчага бўлгаб ётган тўпалангни гўшингга иласанми?* (А.Қодирий. Мехробдан чаён).

“Гўш” (“қулоқ”) сўзи ўзбек тилида қўлланмайди ва у эски ЎТИЛда қайд этилмаган. Лекин янги ЎТИЛда форсча “гўш” сўзи келтирилиб, “эшитиш аъзоси, қулоқ” деб изоҳланган (ЎТИЛ-5, 1, 532) ҳамда шоир Фурқатнинг қуйидаги байти мисол сифатида келтирилган: *Бу сўзни гўши бор одам эшитсун // Ўзида ҳуши бор одам эшитсун* (Фурқат). Шунга кўра ХХ аср бошларида тожик халқи билан ёнма-ён яшаётган ҳудудларда “гўши бор”, “гўшига илмоқ” сингари ярим калька асосида юзага келган ўзлашма иборалар тожикларнинг ўзбекча нутқларида маълум даражада қўлланишда бўлган, деган хулосага келиш мумкин.

Ўзбек тилида араб тилидан ўзлашган “касод” сўзи бўлиб, “товарга бўлган талабнинг пасайиши; савдо-сотикдаги сустлик” деган маънони билдиради (ЎТИЛ-5, II, 329). Ана шу сўз асосида тилимизда “бозори касод”, “бозори касод бўлмоқ”, “бозори касодга учрамоқ” каби ўзлашма фразеологизмлар шаклланган. Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” қиссасида муаллиф нутқи таркибида қўлланган “бозори касодга учрамоқ” ўзлашма фразеологизми Карим жиннига тавсиф бериш воситаси бўлиб хизмат қилган: “*У (Карим жинни) илгари бўзчи экан, чит кўпайиб кетганидан кейин бўз ўтмай қолиб, бозори касодга учраб, бола-чақасини боқолмай, жинни бўлиб қолибди, деб эшитганман*” (Ғ.Ғулом. Шум бола).

Адабий тилда сўзлашув нутқига хосланган, умумтил “*мияси айниди*” ибораси бўлиб, “фикрлаш қобилятини йўқотмоқ” маъносини билдиради (ЎТФЛ, 174). Абдулла Қодирий ўзи яшаган давр руҳидан келиб чиқиб, бу ибораларга маъно ва структура жиҳатдан мувофиқ келувчи “*головам айниди*” ўзлашма индивидуал-муаллиф фразеологизминини ҳосил қилган эди: “*– Айтчи, Маҳкам, шу налоговойи ўзи бор гапми, ёки комиссияга чойчақа керакмикан, а? Маҳкам, нима, мен пул қоқаяпманми? Чойчақасини ундан-бундан қилиб, тараласини тортиб юрган Тошпўлатнинг*

*етти ярим сўлкавойни тагин қайси гўсхурдан олсин, а...? Худой ҳаққи, галавам айниди...*” (А.Қодирий. Кичик асарлар).

Бу ўринда “*головам айниди*” ўзлашма иборасини умумтилга хосланган “*мяси айниди*” иборасининг русча ярим калькаси деб бўлмайди, чунки ёзувчи персонаж нутқи таркибида аслида ўзбекча “*мяси айниди*” иборасини қўллаган, лекин унинг компонент таркибини русча сўзга алмаштириш билан ўша персонажнинг рус тилини билишини таъкидлаш мақсадини амалга оширган эди.

XX аср бошларида ва ундан кейин ҳам ёзувчилар ижодида ўзлашма сўз ҳамда ибораларни айнан, таржимасиз ёки унинг компонент таркибини бироз ўзгартириб қўллаш ҳоллари мавжуд эди. Масалан, олимларнинг кузатишларига қараганда, шоир Ғафур Ғулом ижодида “*аддунё жийфатун ва толибуҳо килоб*”, “*сартия рўйи сиёҳ фуқаролари*”, “*иннаддина индаллоҳи ислом*” сингари ўзлашма варваризм-иборалар қўлланган<sup>81</sup>. Персонажлар нутқини индивидуаллаштиришда ёзувчи Абдулла Қодирий ҳам шу усулда ўзлашма варваризм ибораларни қўллаган эди. Масалан, “*Меҳробдан чаён*” романида ўқиймиз: “*Бироқ Абдураҳмоннинг баъзи ҳаракатлари, масалан, Анварнинг арабча, форсча сўзлардан холи, содда таҳририни нусхаларга кўчирар экан, аттаому било милҳи (тузсиз ош) деб кулиб қўйиши муфтиларни ўйлатиб қўяр, бу таъна чин кўнгилдан чиққанига шубҳаланишни-да, шубҳаланмасликни-да билмас эдилар*” (А.Қодирий. Меҳробдан чаён, 151).

Келтирилган парчада “*аттаому било милҳи*” ўзлашма иборасининг дин пешвоси нутқида қўлланиши, унинг қавс ичида муаллиф изоҳи (*тузсиз ош*) билан таъминланиши эътиборга молик. “Арабча-русча луғат” (АРС)да қайд қилинишича, юқоридаги парчада ўзбек ўқувчисига нотаниш бўлган “*аттаому било милҳи*” ибораси қуйидаги қисмлардан иборат: *ад* – *аниқловчи артикл*, *таом* – *овқат*, *емак*, *било* – *инкор қўшимчаси*, *милҳ* – *туз*<sup>82</sup>. Ёзувчи бу ўринда арабча ўзлашма иборанинг ўзбекча варианты - *тузсиз ош* ни ҳам қўллаши мумкин эди. Бундай ҳолда оддий халққа тушунарсиз арабча, форсча сўзларни қўллаб, ўз нутқини

<sup>81</sup> Шукуров Н. Ғафур Ғуломнинг лирик поэзиядаги маҳорати. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 68-72; Ҳамидов З. Ғафур Ғулом прозаси лексикаси. – Тошкент: Угиверситет, 2003. – Б. 32-37.

<sup>82</sup> Арабско-русский словарь, - М., 1954. – С. 602, 975.

жимжимадор қилувчи дин пешволари нутқини стилизация қилиш, ўзига хослигини таъминлашдек ёзувчининг нияти амалга ошмай қоларди.

Абдулла Қодирий ўз асарларида “*дасти алиф-лом*” ўзлашма иборасидан фойдаланган. Арабча “*алиф*” ва “*лом*” ҳарфларининг қўшиб ёзилиш ҳолати кишиларнинг таъзим қилаётгандаги ҳолати (қўлни кўкракка қўйиш)га мувофиқ келади. Ана шу ўхшашлик “*дасти алиф-лом*” ўзлашма иборасининг шаклланишига асос бўлган. Ёзувчи бу иборани ўз асарларида бир неча марта қўллаган: “*Одобни қўлдан бермай дасти алиф-лом жавоб бердим: “Фақир!”* – деб. Бул жавобдин анинг газаб ва сақчаимлиги ортиб, тевадек бўкириб савол берди...” (А.Қодирий. Кичик асарлар).

Қуйидаги парчада эса бу ўзлашма фразеологизм “*даст алифлом*” шаклида қўлланган: “*Куй-гузарлардаги халойиқ гоҳи падарга ва гоҳи фақирга даст алифлом ўрунларидан туриб, салом берар эдилар*” (А.Қодирий. Кичик асарлар).

“*Дасту алиф-лом*” ибораси аслида тожикча изофали қурилма (*балойи нафс, дарди сар, бўлбули гўё, мусичайи бегуноҳ* каби) шаклида бўлгани бўлгани учун уни ўзбек тилига тожик тилидан ўзлашган, деб тахмин қилиш мумкин. Лекин биз бу иборани М.Фозиловнинг “*Фарҳанги ибораҳои рехта*” (ФИР, Душанбе, 1968), “*Фарҳанги забони тожики*” (ФЗТ, М., 1969) ва “*Таджикско-русский словарь*” (ТРС, М., 1954) каби лексикографик манбаларда учратмадик. Бу ибора ЎТИЛнинг ҳар иккала нашрида ҳам учрамайди. Тўғри, бу иборага яқин “*қўл қовуштирмоқ*” ибораси тилимизда бор (ЎТФЛ, 368) ва ундан ёзувчи Абдулла Қодирий ҳам фойдаланиши мумкин эди. Лекин бундай ҳолда ёзувчининг персонажлар нутқини индивидуаллаштириш, давр руҳини асарда акс эттириш, стилизация қилишдек ниятлари амалга ошмай қоларди.

Шуни айтиш керакки, “*дасти алифлом қилмоқ*” ибораси ўзбек халқ достонларида фаол қўлланувчи иборалардан бири саналади: “*Бари қўл қовуштириб, дасти алифлом қилиб, гарданини хам қилиб салом бериб турди*” (Орзигул, 45); “*Кел-э, энди, агар қўрмаган бўлса, ўзимни бир мақтайин, агар қаҳр қилса, қочиб кетаман-ку*”, - деб *дасти алифлом қилиб*, гарданини хам қилиб,

тўрага қараб бир сўз деб турибди” (Қундуз ва Шакар, 194) кабилар. Ўзбек фольклори фразеологиясининг айрим тадқиқотчилари бундай фразеологизмларни китобий ФБлар сифатида тасниф қилганлар<sup>83</sup>. Шунга асосланиб, биз “*дасти алифлом қилмоқ*” иборасини тожикча ёки ўзбекча ўзлашма ибора деб тушуниш мунозарали, деб ҳисоблаймиз.

Абдулла Қодирий асарларида “*куфрони неъмат*” ўзлашма ибораси ҳам қўлланган. “Тожикча-русча луғат”да бу ибора “*куфрон*” сўзи изоҳидан кейин ўрин олган (ТРС, 197). ЎТИЛда яқка қўлланмайдиган “*куфрон*” арабча сўзи изоҳида “*куфрони неъмат*” иборасидан фойдаланилган (ЎТИЛ, 1, 408): **Куфрони неъмат** – неъмат қадрини билмаслик; кўрнамаклик: *Худой таоло нури покидан яратган сиздай фариштани қўйиб, фисқ-фужур йўлига юрмоқ, куфрони неъмат бўлур эди* (А.Қахҳор. Тобутдан товуш).

Янги ЎТИЛда бу арабча сўз “кофирлик, кўрнамаклик” деб изоҳланган (ЎТИЛ-5, П, 439). “Мехробдан чаён” романида Солиҳ Махмуд нутқида жуда ўринли қўлланган: “*Бахтинг бунчалик кулган экан... давлат қушини қўлдан учирши куфрони неъмат, болам*” (А.Қодирий. Мехробдан чаён). Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, А.Қодирий асарларида “*куфрони неъмат*” изофали бирикмаси асосида шаклланган “*куфрони неъмат қилмоқ*” ўзлашма ибораси уч марта ва “*куфрони неъмат бўлмоқ*” ибораси бир марта қўлланган: “*Менинг нима учун бу мансабдан қочганлигимнинг фарқига бормай, Куфрони неъмат қилсан, ойига фалон тилло*”, - деб, *дафъатан қўрқоқлигимга ҳукм чиқаради*” (А.Қодирий. Мехробдан чаён); “*Аммо мен бўлсам бу гапга қарши чиқиб, сизларнинг бу фикрларингиз янглишдир, биз уч йил бўйи жаноби Ўтаббой қуўбегининг қўл остларида яшаб, ҳеч бир зулм кўрмадик, шу ҳолда ҳукумат устига иқдомимиз куфрони неъмат бўлур дедим*” (А.Қодирий. Ўтган кунлар) кабилар. Бизнингча, “*куфрони неъмат*” изофали бирикмаси негизида шаклланган “*куфрони неъмат қилмоқ*” ва “*куфрони неъмат бўлмоқ*” ўзлашма ибораларини ўзбек тили негизидаги шаклланиш,

<sup>83</sup> Каримов С., Маҳмадиев Ш. Достонлар тилидаги айрим фразеологик бирликларнинг умумхалқ-диалектал хусусиятлари тўғрисида // Ўзбек тилшунослиги масалалари (илмий мақолалар тўплами). – Самарқанд, СамДУ нашри, 2007. – Б. 33.

деб ҳисоблаш мумкин, чунки улар ўзбекча “*нонкўрлик қилмоқ*”, “*кўрнамаклик қилмоқ*” бирикмаларига шакл жиҳатдан ҳам, маъно жиҳатдан ҳам мувофиқ келади.

Абдулла Қодирий асарларида тожикча мақол ва иборалар баъзан айнан, таржимасиз қўлланади. Бу эса персонажларнинг авом халқдан ўзларини устун қўйиши, саводли эканлигини намоёниш этиши учун воситалардан бири бўлиб хизмат қилади: “*Ман ҳамиша ёлинуб гоҳи оғзаки давралар қилгонимни сўзлогонимда, ул киши кулди ва айликим, “хирс мулло мешавад аззарби чўб”, эй Махзум, бул тариқа лавандлик ва лабдирлик бирлон хотун ушлаб бўлурму...*” (А.Қодирий. Кичик асарлар) каби.

А.Қодирий эскирган ўзлашма фразеологизмлардан фойдаланиш билан ўз асарларида давр руҳини акс эттиришга интилади. Масалан, арабча эскирган “*изза // изо*” сўзи “*азоблаш; ранжитиш, озор бериш*” маъноларини билдиради (ЎТИЛ, 1, 316-317). Шу сўз ёрдамида тилимизда “*изза бўлмоқ // изза тортмоқ // изза емоқ // изза чекмоқ*”, “*изза қилмоқ // изза бермоқ*” сингари эскирган ўзлашмалар ҳосил қилинган. Аслида “*изза // изо*” сўзлари яқка қўлланмайди, ўзидан кейинги феъл билан яхлит ҳолда кўчма, образли маъно ифодалайди. Ёзувчи “*Меҳробдан чаён*” романида бу ўзлашма иборанинг эскирган “*изо чекмоқ*”, “*Обид кетмон*” асарида эса “*иззо чекмоқ*” вариантыдан ўринли фойдаланган: “*Нодира Моҳлар ойимга йиглаб ҳасрат қилди. Ҳамма саргузаштларини бирма-бир сўзлади. Шу бола учун эридан чеккан изоларини чизиб: - Улуг даргоҳларингизга шу етим боланинг умри зое бўлмасмикин, ўқиши жувонмарг қилинмасмикин деб келдим... – деди*” (А.Қодирий. Меҳробдан чаён); “*...Аҳмад пича Обид кетмондан иззо чекади, бир эмас, икки марта иззоланади*” (А.Қодирий. Обид кетмон).

Келтирилган матнлардан шу нарса маълум бўладики, дастлабки мисолда ўзлашма “*изо чекмоқ*” ибораси “*азобланмоқ, қийналмоқ*” маъноларига эга. Ҳақиқатан ҳам, араб тилида “*иззун*” сўзи “*оғир, қайғули бўлмоқ*” маъноларини ҳам билдирган (АРС, 655). Шу маъно асосида “*изо чекмоқ*” ўзлашма ибораси шакланган. Кейинги мисолда эса “*иззо чекмоқ*” ўзлашма ибораси “*уялмоқ*” маъносини билдиради. Демак, бир ўзлашма сўз “*изо // иззо*” араб тилида икки мустақил маъноларга эга бўлган, шунга

мувофик, тилимизда икки мустақил маъноли ўзлашма фразеологизмлар яратилган.

Абдулла Қодирий “*изо чекмоқ*” ўзлашма ибораси негизда эскирган “*изоси ичига тушиб кетди*” иборасини шакллантирган, бу ибора тилимизда фаол қўлланувчи “*нафаси ичига тушиб кетди // дами ичига тушиб кетди*” ибораларига шакл ва мазмун жиҳатдан жуда яқин туради (ЎТФЛ, 179): “*Терим битиб, галвир сувдан кўтарилгандан сўнг маълум бўладики, Маллабой аканинг шахмат усули жуда ҳам ўктам бир усулдир... Эски усулни ортиқ ҳисоблаб, ёз бўйи терлаб келган тўртинчи бригада бошлиғи ўртоқ Турғунбой Худойберган ўғлининг изоси ичига тушган бош кўтаролмайди*” (А.Қодирий. Обид кетмон). Лекин “*изоси ичига тушиб кетмоқ // изоси ичига тушган*” иборалари ЎТИЛда ҳам, Ш.Раҳматуллаев луғатида ҳам ўз аксини топмаган.

А.Қодирий ўз асарларида “*жазосини бермоқ*”, “*адабини бермоқ*” иборалари (ЎТФЛ, 18; 92)га яқин турувчи, эскилик бўёғи кучли бўлган “*татигини бермоқ*” ўзлашма иборасини қўллаган эди: “ – *Хон ва оилангиз душмани бўлган бир бадбахт энди ўз қилмишининг жазосини кўрди, биродарим Отабек уларнинг тотиқларини хўп бошлаб берди, - деди уста Олим*” (А.Қодирий. Ўтган кунлар); “- *Буларнинг татигини бермасам!... Ҳе, кўзларинг қурсин!*” (А.Қодирий. Меҳробдан чаён). ЎТИЛда “*татиқ*” сўзи келтириб, унинг маъноси изоҳланмаган, чунки бу сўз тилимизда яқка қўлланмайди (ЎТИЛ, II, 133). Бу луғатда “*татиқ // татиг*” сўзи ёрдамида ҳосил қилинувчи “*татигини бермоқ*”, “*татигини емоқ // татигини тортмоқ*” иборалари мисол берилган бўлса-да, уларнинг эскирганлиги таъкидлаб кўрсатилмаган, шу билан бирга бу иборалар турли хил имлода (*татигини бермоқ* ва *тотигини бермоқ* каби) берилиши ҳам ноўриндир.

Ёзувчи Садриддин Айний асарларида ҳам эскирган ўзлашма фразеологизмлар персонажлар характери, ички дунёсини очишда муҳим услубий восита бўлиб хизмат қилган. Масалан, “Қуллар” романида ўзининг ўн беш йиллик меҳнати эвазига ҳеч нарса олмасдан қувғин қилинган Турди Қилич Халифанинг ўғли Қўшатга ранжиб гапирди. Бунга жавобан Қўшат: “*Бунақа сўзларни отамга айта кўрма, у тарки дунё қилган, тангрига яқинлашган бир киши, унинг дуоси ганимат, олтин олма дуо ол, дуо олтин эмасми? –*

*деганлар азизлар. Агар у ранжиб қараса-чи? Икки дунёинг куйиб кетади*” (С.Айний. Қуллар).

Келтирилган мисолдаги “*тарки дунё қилмоқ*” ибораси “моддий дунё лаззатидан воз кечмоқ” маъносида, “*икки дунёинг куйиб кетади*” ибораси эса “доимо азоб-уқубатда яшамок” маъносида қўлланган эскирган ўзлашма фразеологизмлардир.

Худди шунингдек, Садриддин Айний асарларида “*худонинг тақдири*”, “*сўфи қилмоқ*”, “*чилла ўтирмоқ*”, “*иссиқ-совуқ қилмоқ*”, “*худо бандасининг нонини бутун қилсин*” каби эскирган ўзлашма иборалар персонажлар нутқини индивидуаллаштириш, давр тавсифини бериш воситаси бўлиб хизмат қилган.

Садриддин Айний ўзи яшаган даврдаги судхўрлар, олиб сотарлар ҳаётини конкрет тасвирлаш мақсадида “*бобо олиб невара сотмоқ*” иборасидан фойдаланган. Бу иборанинг тожикча варианты “*падар харид невара фуруш*” шаклида бўлиб, дўконда сотилмай қолган молга (товарга) нисбатан қўлланган. Яъни мазкур архаиклашган ўзлашма фразеологизм “бу молни бобоси олган, аммо сота олмаган, отаси ҳам сота олмаган, мана энди невараси ҳам сота олмай юрибди”, деган маънони ифодалайди. “Судхўрнинг ўлими” қиссасида қўлланган бу ўзлашма ибора орқали ёзувчи дўкондорларнинг очкўзлиги ва улар харақатига хос бошқа белгиларни ёрқин акс эттиришга муваффақ бўлган: “- *Дўконим кичкина, молларим бўлса бобо олиб невара сотадиган моллар, бу ҳолда авараси бундан катта бўлмайди*” (С.Айний. Судхўрнинг ўлими).

Худди шунингдек, “Судхўрнинг ўлими” қиссасида “*саллали ҳинди*” ўзлашма ибораси ҳам персонаж характеристикаси учун восита бўлган. Эски замонда Ҳиндистондан Бухорога келиб судхўрлик, савдогарлик қиладиган кишиларни маҳаллий халқ *ҳинди* // *ҳунди* деб атаган. Бу ҳиндиларда салла боғлаш одати бўлмай, улар махсус тикилган бўрк кийиб юрганлар. Шунга кўра халқ раҳмсиз, очкўз маҳаллий судхўрларни кинояли равишда “саллали ҳинди” деб атаганлар. Ёзувчи бу ўзлашма иборани Раҳими Қанд тилидан исқирт Қори Ишкамбага нисбатан заҳарханда киноя маъносида қўллаган: “- *Салла ўраган ҳинди, ўтакетган судхўр,*

*исқирт, мумсик бир одам, - деди Раҳими Қанд*” (С.Айний. Сулхўрнинг ўлими).

Бундан кўринадики, Садриддин Айний эскирган ўзлашма ибораларни қўллашда моҳир сўз санъаткорларидан бири саналади. Лекин унинг асарларида бугунги китобхонларга унчалик тушунилиши қийин бўлган айрим арабча ўзлашма иборалар ҳам учрайди. Масалан, “*арзи рози ниёз қилиб ўтирмоқ*”, “*ал-аёзи билло*”, “*ақиқа қилиш фарз*” каби арабча ўзлашма ибораларнинг қўлланиши ҳақида шундай фикрни айтиш мумкин.

Садриддин Айний бундай эскирган ўзлашма фразеологизмларни ўз асарлари таркибига олиб кириш орқали бу асарларга халқ тили руҳини чуқур сингдиришга муваффақ бўлган. Шу билан бирга эскирган ўзлашма иборалардан ўринли фойдаланиш ёзувчига ёрқин миллий руҳ яратишга, асар қаҳрамонларининг ўзига хос фикрлаш усули ва руҳиятини тўла акс эттиришга катта ёрдам берган. Бу соҳада устод Садриддин Айний ёзувчиларга намуна бўла оладиган моҳир сўз санъаткорларидан бири саналади.

Шундай қилиб, ўзлашма фразеологизмлар Абдулла Қодирий, Садриддин Айний асарларида хилма-хил услубий мақсадларда қўлланилиши билан характерланади. Бундай ҳолатни шоир Эркин Воҳидов асарлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Тилшуносликда фразеология узоқ йиллар лексикология таркибида ўрганиб келингани учун XX асрнинг 50-60-йилларида сўзнинг услубий ва бошқа жиҳатдан тавсифи механик равишда фразеологизмларга ҳам тадбиқ қилинар эди. Иборани сўзга тенглаштиргандан кўра унинг сўзга функционал, услубий ва лексик-семантик жиҳатдан мос келиши ҳақида гапириш, ана шу ҳолатни бадиий ва публицистик услуб материаллари асосида кўпроқ таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, ўзбек тилида “*воз кечмоқ*” феъли “эғалик ёки фойдаланиш ҳуқуқидан кечмоқ” маъносини билдиради (ЎТИЛ, 1, 179). Худди шу феълга мувофиқ келувчи “*баҳридан ўтмоқ*” ўзлашма ибораси “фойдали деб билган нарсасидан ёки кишисидан воз кечмоқ” маъносини ифодалайди (ЎТФЛ, 30). Э.Воҳидов поэзиясида бу ибора худди шу маънони ифодалашга хизмат қилади: *Бир йигит ўзганинг бағридан //*

*Қайтган ёр лабини сўради // Ўтишиб қўғирчоқ бахридан // Бу ҳолни қизчалар кўради [2-том, 66].*

Ёки ўзбек тилида форсча-тожикча эскирган “бовар” сўзи “ишонч, ишониш” маъноларини билдиради (ЎТИЛ, 1, 125). Бу сўз ёрдамида тилимизда “*ақли бовар қилмайди*” // “*ақли бовар этмайди*” сингари ўзлашма иборалар шаклланган бўлиб, “ишониб етмаслик, идрок қила олмаслик” маъноларига эга (ЎТФЛ, 24): *Ақл бовар этмас суръат-ла замин // Махвар даврасида чарх ураётир* [2-том, 292]. Форсча-тожикча “бахра” сўзи “*фойда, манфаат, наф*” маъноларини ифодалайди (ЎТИЛ, 1, 91). Худди шу сўз асосида шаклланган “*бахра олмоқ // бахра топмоқ*” иборалари эса “*манфаат кўрмоқ, фойдаланмоқ*” маъноларини билдиришга хизмат қилади (ЎТФЛ, 30). Эркин Воҳидов поэзиясида бу иборадан икки марта худди шу маънони ифодалаш мақсадида фойдаланилган: *Бахра ололдими бир зот юраги? // Бирор қалб губорин юва олдингми?* [2-том, 13]; *Яна четда қолдим, табиат! // Қандоқ мумкин сенга етишмоқ // Бахра олмоқ қучоқларингдан // Сенинг зилол булоқларингдан // Тўйиб-тўйиб шимимоқ шарбат* [2-том, 298] кабилар.

Бундан кўринадики, бошқа иборалар сингари ўзлашма иборалар ҳам сўз билан семантик жиҳатдан тўла мос эмас. Ўзлашма иборада сўзга кўшимча равишда қандайдир ўзгача, кўшимча эмоционаллик, экспрессивлик мавжуд. Ана шуни чуқур англаган шоир Эркин Воҳидов ўз асарларида ўзлашма иборалардан ўринли, мақсадга мувофиқ ҳолда қўллашга, шу билан ўз шеърий асарларининг тилини “булоқ суви”дек тиниқ, таъсирчан қилишга интилиб келмоқда. Кузатишлар шуни кўрсатадики, унинг шеърий асарларида юздан ортиқ ўзлашма ибора хилма-хил услубий мақсадларда қўлланган.

Шоир Эркин Воҳидов поэзиясида эркин бирикмаларни кўчма, фразеологик маънода қўллаш асосида юзага келган ўзлашма иборалар айниқса кучли услубий мақсадни ифодалаши билан алоҳида ажралиб туради. Бундай иборалар шоир асарларида жонли, оригинал метафоралардек тасаввур уйғотади: *Қаддини камон этиб, юзда табассум изи // Кеча сукунатига қулоқ тутар янги ой* [1-том, 47]; *Олам сирдонига калит топганлар // Қалб уйин очганлар бўлган хору зор* [2-том, 303]; *Зулм кўргонига қила бер ҳужум // Билки,*

*бизникидир, ниҳоят, зафар // Дунёда бор экан энг сўнги мазлум // Шарқий соҳилларда ўчмас машъаллар* [2-том, 124] кабилар.

Эркин Воҳидов шеъриятида қўлланган ўзлашма ибораларнинг маълум қисми бирор предмет ёки воқеа-ҳодисани номлаш билан бирга уларга салбий ёки ижобий баҳо бериш функциясини ҳам бажаради. Масалан, “Шарқий қирғоқ” номли шеъри (1979) да “*кўнгли чўкмоқ*”, “*чархи кажрафтор*”, “*хокисор қилмоқ*” сингари бир қатор ўзлашма иборалар бир банд таркибида қўлланиб, лирик қаҳрамон ички кечинмаларини баҳолаш функциясини бажаришга хизмат қилган: *Боқиб кўнглим чўкди неча мартаба // Нега бунда қилдинг, чархи кажрафтор? // Бир соҳилга бериб юксак мартаба // Бошқа бир соҳилни қилдинг хокисор?* [2-том, 122].

Ўзбек тилидаги кўпгина ўзлашма иборалар учун экспрессив-эмоционал бўёқдорлик ажралмас хусусият саналади. Масалан, шоир ижодида “*бахти боқий бўлсин*”, “*бахти бутун бўлсин*”, “*бахти қаро бўлмоқ*”, “*бахти қаро қилмоқ*” сингари ўзлашма иборалар ҳам худди шундай эмоционал-экспрессив бўёқдорликни ифодалаш воситаси сифатида қўлланган: *Бахти боқий бўлсин // Аммо бу жаннат // Қадрин билармикин ҳозирги ёшлар!* [2-том, 31]; *Бахти бутун бўлсин // Толеи бекам // Шуларнинг борлиги менинг иқболим* [2-том, 34]; *Шафқат этмай бахтим қаро қилганлар // Шафқатга зор, бахти қаролар бўлгай // Мени ватанимдан жуда қилганлар // Ватанда ватандан жудолар бўлгай* [3-том, 108] кабилар.

Умуман олганда, ўзлашма фразеологизмларнинг маъно тузилиши сўзникига нисбатан анча мураккаб, чунки ўзлашма фразеологизмдаги маъно муносабатлари билан унинг компонент таркиби ўртасида номувофиқлик мавжуд. Масалан, Э.Воҳидов поэзиясида “*бағир*”, “*бош*”, “*бўйин*”, “*манглай*” (“*пешона*”), “*дил*”, “*елка*”, “*жигар*” сингари киши аъзоларининг номлари – соматизмлар иштирок этган ўзлашма ибораларнинг асосий қисми шахснинг турли хил тавсифини ифодалайди ва хилма-хил услубий мақсадлар учун хизмат қилади. Жумладан, этимологик жиҳатдан мўғулча бўлган “*манглай*” [ЎТИЛ, 1, 445] соматизми ёрдамида шаклланган “*манглайига битмоқ*”, “*манглайига сизмаслик*”, “*манглайи шўр*”, “*манглайи қора*” сингари ўзлашма иборалар шоир Э.Воҳидов асарларида шахснинг турли хил тавсифини ифодалаш учун муҳим услубий восита вазифасини бажарган: *Бир мўминга*

доим бир қотил // Эш бўлгандай ёруғ дунёда // Манглайига битганди хотин // Азроилдан ўн бор зиёда [2-том, 146]; Қадам қўйган эдинг шахмат шоҳининг // Қароргоҳи остонасига // Отанг манглайига сизмадинг // Сизмадинг ўзбекнинг пешонасига [2-том, 163]; ...Охират мен - // манглайи шўр - // Нима дейман // Сўроқ кун? [2-том, 202]; Савод йўқлигидан тушунмай, э воҳ // Набиралар кўрган манглайи қора // Турмуш-тақдир иши, табаррук никоҳ // Кўнгил иши, дея билди бечора [3-том, 114] кабилар.

Шоирнинг “Чистон” сарлавҳали куйидаги шеърига диққат қилайлик: Ул адиб кимдирки, доим // Катта пинжиди юрар // Мансабу унвон мукофот // Мулк илинжиди юрар // Тушса ҳам отдан ва лек // Ҳаргиз эгардан тушмагай // Гар трамвай минса ҳам // Номер биринчиди юрар [3-том, 79]. Бу матнда “пинжиди юрмоқ” ўзлашма ибораси бировнинг паноҳида, соясида юриб, ишни битирадиган кимсалар хатти-ҳаракатини номлайди; “номер биринчиди юрмоқ” ўзлашма ибораси эса лирик қаҳрамоннинг манманлик, такаббурилик хислатларини таъкидлаш учун хизмат қилган.

Шуни инобатга олиш лозимки, айрим ўзлашма иборалар Э.Воҳидовнинг “Донишқишлоқ латифалари”да персонажлар нутқини, уларнинг сўзлаш оҳангидаги юмористик ёки сатирик оҳангни таъкидлаш учун восита вазифасини бажарган. Масалан, “Матмусанинг Америка очиши” шеърида “халқ йўли – ҳақ йўли”, “сув келса симирмоқ, тош келса кемирмоқ”, “Америка очмоқ” ўзлашма иборалари Матмуса нутқи таркибида соддалик, ғайриодатий ишонувчанлик хислатларининг аччиқ кинояси сифатида жаранглайди: Лекин у йўлдан қайтмас // Дер, бу йўл ҳақ йўлидир // Халқ уни танлаган, бас // Демак, у халқ йўлидир // Самирамиз сув келса // Тош келса кемирамиз // Очамиз Америка // Сўнг уни емирамиз [3-том, 185].

Шоирнинг публицистик руҳдаги айрим шеърларида ўзлашма неологизм иборалар ўткир киноя, ирония воситаси сифатида қўлланган. Бу жиҳатдан шоирнинг “Биз ишляпмиз” номли шеъри характерлидир. Бу асарда “зафар маррасини қучмоқ”, “дала полвонлари”, “пўлат отни мағрур сурмоқ”, “жавлон урмоқ” сингари ўзлашма иборалар муҳбир нутқида юксак дабдабабозлик, кўтаринкилик учун қўлланган бўлса, оддий пахтакор деҳқон нутқида улар оддий киноя, кесатиқ маъносини ифодалаш учун

восита вазифасини бажарган: *Бизнинг ишимизни “саховат” дединг // “Дала полвонлари” атадинг бизни // Бунча баландпарвоз сўзламас эдинг // Билсайдинг кўнглимиз, одатимизни // Бизга тўғри келмас “чавандоз” сўзи // “Жонбозлар” деганинг эришироқ бир оз // “Зафар маррасини қучмоқ” не ўзи? // Бизлар ишляймиз // Бу – меҳнат, холос...* [2-том, 57].

Шеърый нутқ таркибида баъзан ўзлашма фразеологизм билан оддий сўз ёнма-ён келиб, уюшиқ бўлак вазифасини бажариши сўз ифодаляйдиган экспрессив маънони кучайтиришга, градацияни вужудга келтиришга хизмат қилиши мумкин. Масалан, “Палаткада ёзилган дoston”да “уну кепакка ажралмоқ” ва “сарак-сараккаю, пучак-кучакка ажралмоқ”, “жоним халқимга фидо бўлсин” ва “жон халқумга келиб қолди” ўзлашма ибораларининг бир матнда ёнма-ён қўлланилиши кучли градация ифодаси учун хизмат қилган: *Одамлар ажралди // Уну кепакка // Сарак-сараккаю // Пучак-пучакка // Бир дўстим сўзларди // Минбардан туриб // Бурч, виждон ҳақида // Кўксига уриб // Деди: фидо бўлсин // Жоним халқимга... // Бу кун келиб қолди // Жони халқумга // Қалбим пайванд дерди // Ўсган еримга // Тонгги рейс билан // Учди Қримга...* [1-том, 332]. Қуйидаги мисолда ҳам ўзлашма иборалар такрори ёрдамида градация ҳосил қилинган: *Бозоримиз ўша бозор // Олой, Эски Жўвамиз // Мақол ўша, пул бўлса гар // Чангалдадир шўрвамиз // Бир тўрва пул билан тушсак // Тўлиб чиқмас тўрвамиз // Баракалла, эпчил йигит // Қандингни ур, Мирваққос // Касбинг ўша, нафсинг ўша // Эски ҳаммом, эски тос...* [3-том, 65] каби.

Ўзлашма фразеологизмлар фикр ва ҳис-туйғунинг муҳим ифодаси бўлиш билан бирга бадий ва публицистик асарларда сарлавҳа функциясини ҳам бажаради. Буни бизнинг Эркин Воҳидов поэзияси тили юзасидан олиб борган дастлабки кузатишларимиз ҳам тўла тасдиқлайди. Масалан, шоир ўзининг шеърларидан бирига “Кимни этмас бу кўнгил шайдо” деб сарлавҳа қўйган эди. Бу сарлавҳа таркибида қўлланган китобий услубга хосланган “кўнгил шайдо этмоқ” ўзлашма ибораси ишқ, севги дардига мубтало бўлган ёш лирик қаҳрамон ҳис-туйғуларининг ёрқин ифодаси учун хизмат қилган: *Дунё экан... // Ишқ деган савдо // Борми фақат менинг бошимда?! // Кимни этмас бу кўнгил шайдо // Ким шеър ёзмас менинг ёшимда* [1-том, 54].

Маълумки, шеърин нутқда қофия бир-бирига оҳангдош сўзларнинг бирин-кетин тизилиб келиши ва шу асосда оҳангдошлик, муסיқийликни вужудга келтиришни ифода этади. Шоир Эркин Воҳидов ҳам айрим шеърларининг қофиясини ўзлашма иборалар такрори асосига қуради, бу эса муסיқийликнинг кучайишини таъминлайди. Масалан, адабий тилда “*шўрини қуритмоқ*” ўзлашма ибораси бўлиб, “бахтсизликка йўлиқтирмақ, хароб қилмоқ” маъноларини билдиради (ЎТФЛ, 298). Шоир етти байтли “Амалдорлар талашиб ўрин” шеъри (1988)нинг ҳар байти охирида “*шўрини қуритмоқ*” ўзлашма иборасини келтириб, унинг бирор янги қиррасини, семасини намоён қилишга интилади. Аччиқ заҳархандага асосланган бу шеърда амалдор, шахматчи, олим, қассоб, шоир сингари касб вакилларининг бир-бирига азоб бериши, шўрини қуритишга интилиши асосли ифодасини топган: *Амалдорлар талашиб ўрин // Бир-бирининг қуритар шўрин // Тентак бермай тентакка тўрин // Қуритади тентакнинг шўрин // Шахматчилар излашиб зўрин // Бир-бирининг қуритар шўрин // Олим топиб олимнинг гўрин // Касбдошининг қуритар шўрин...* [3-том, 72].

Адабий тилда хурсандлик, шод-хуррам бўлиб, ялло қилиб юриш маъносини билдириш учун “*дўпписини яримта қилиб*”, “*дўпписини осмонда*” иборалари қўлланилади (ЎТФЛ, 79). Шоир Эркин Воҳидов худди шу маънони ифодалаш учун “*дўпписини дол қўндирмоқ*” ўзлашма иборасидан фойдаланади. “Дўпписини яримта қилиб юрмоқ” умумтил ибораси таркибидаги “яримта” сўз-компонентини арабча ҳарфни ифодаловчи “дол” (ЎТИЛ, 1, 232) билан алмаштириш асосида юзага келган бу ўзлашма ибора китобийлик, таъсирчанлик доирасининг ошишига восита бўлган: *Қаҳрамоним // Ўлтирибсан сен // Рўпарамда камтарин, доно // Ўз ишингни дўндирибсан сен // Дўппини дол қўндирибсан сен // Тупроқда зар ундирибсан сен...* [2-том, 19].

Шундай қилиб, ўзлашма фразеологизмлар бадиий ва публицистик матнларда турли хил услубий мақсадларда қўлланилмоқда. Бу жиҳатдан ўзбек насрининг карвонбошиси Абдулла Қодирий, устод Садриддин Айний ва Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов алоҳида маҳорат кўрсатганлар. Биз ишнинг ҳажмини инобатга олиб, ўзлашма фразеологизмларнинг услубий хусусиятлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимизни

яқунламоқчимиз. Келгусида бу масала махсус кузатиш объекти бўлиши лозим, деб ўйлаймиз.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Тилнинг лексик ва фразеологик тизими даврлар ўтиши билан ўзгариб, ривожланади, тилда янги сўз ва иборалар пайдо бўлади, айримлари эса эскириб, архаиклашиб истеъмолдан чиқади. Шу нуқтаи назардан тилнинг луғат бойлиги ўз қатлам ва ўзлашма қатламга бўлинади. Ўз қатлам дейилганда аслан шу тилники бўлган лексемалар ва фразеологизмлар тушунилади. Тилда араб, форс, тожик ва рус тилидан турли йўллар билан ўзлашган сўзлар, иборалар ҳам мавжуд. Булар тилнинг ўзлашган қатлами деб юритилади.

Ўзбек тилида лексема ўзлаштириш билан бир қаторда фразема ўзлаштириш ҳодисаси ҳам мавжуд. Шунга биноан лексемаларда бўлганидек, фразеологизмлар ҳам ўз фразеологик қатлам ва ўзлашма фразеологик қатлам деб икки гуруҳга ажратилади.

Ўз фразеологик қатламга ўзбек халқининг турмушидаги воқелик ва шунга суянувчи образ асосида шаклланган фразеологизмлар (*тарвузи қўлтигидан тушиди, дўпписи яримта, у қулогидан кириб, бу қулогидан чиқиб кетмоқ* кабилар) киради. Ўзлашган фразеологизмлар бошқа тиллардан ўзбек тилига қабул қилинган иборалардир: *судан қуруқ чиқмоқ* (русча *выйти из воды сухим* иборасининг калькаси), *дилини сиёҳ қилмоқ* (тожикча *дили касеро сиёҳ кардан* иборасининг калькаси) кабилар.

Тилда фразеологизм ўзлаштириш асосан жонли сўзлашув орқали ва босма манбалар орқали амалга ошади. *Калавасининг учини йўқотмоқ* (тожикча *сари калобаи худро гум кардан* иборасининг калькаси), *қўлни қўлга бериб* (русча *рука об руку* иборасининг калькаси) каби фразеологизмлар ўзбек тилига жонли сўзлашув орқали ўзлашган. *Кўзига тупроқ сочмоқ* (русча *пускать пыль в глаза* иборасининг калькаси), *тегирмониға сув қўймоқ* (русча *лить воду на чью-нибудь мельницу* иборасининг калькаси) каби фразеологизмлар ўзбек тилига босма манбалар (бадий асарларнинг таржимаси) оқали кириб келган.

Фразеологизмларни ўзлаштиришнинг ўзича олиш ва калькалаб олиш усуллари кенг тарқалган. Биринчи усул билан ўзбек тилига *ба жону дил, дарди бедаво, мусичаи бегуноҳ, дарди сар* каби тожикча фразеологизмлар қабул қилинган.

Тилларга фразеологизм ўзлаштиришнинг асосий усули калькалашдир. Фразеологизм ўзлаштиришда тўлиқ калькалаш ва ярим калькалаш ҳам кенг тарқалган. Масалан: *мерить на свой аршин – ўз гази билан ўлчамоқ* ибораси тўлиқ калькалаш, *играть роль – роль ўйнамоқ, этот номер не пройдет – бу номери ўтмайди, ба жо овардан – бажо келтирмоқ* сингари иборалар эса ярим калькалаш жараёнининг маҳсулидир. Бундан ташқари, фразеологизм ўзлаштиришда оддий калькалаш ва ижодий калькалаш усуллари ҳам бир-биридан фарқ қилади. Агар ибора оддий калькалаш усули билан ўзлашган бўлса ўзлашма фразеологизм, ижодий калькалаш усули билан кириб келган бўлса ўзлаштира фразеологизм деб юритилади. Масалан, ўзбек тилидаги *роль ўйнамоқ, бажо келтирмоқ* иборалари оддий калькалаш маҳсули саналади, *ногорасига ўйнамоқ, чилдирмасига оёқ ташламоқ* иборалари эса рус тилидаги *плясать под чью-нибудь дудку* иборасининг ижодий калькаси дир.

Ўзбек тилшунослигида ўзлашма фразеологизмларнинг семантик ва грамматик табиатини ўрганишга доир дастлабки мақола бундан ярим аср олдин Ш.Раҳматуллаев томонидан ёзилган. Шундан кейин тилимиздаги ўзлашма фразеологизмларнинг структураси, грамматик хусусиятлари, фразеологик калька турлари каби масалалар Я.Пинхасов, Ҳ.Ғуломов, К.Юсупов, Д.Нурмухамедова каби олимлар томонидан ҳам қисман ўрганилган.

Ўзлашма фразеологизмлар асосан бир маънолидир. Лекин луғатларда, айниқса ЎТИЛ ва ЎТИЛ-5да икки-уч маъноли ўзлашма фразеологизмлар ҳам маълум даражада ўз аксини топган. Ўзлашма фразеологизмлар ўзаро шаклдошлик, маънодошлик ва зид маънодошлик хусусиятларига ҳам эга. Ўзлашма фразеологизмларнинг компонент таркибини аниқлашда, имлосини белгилашда луғатларда айрим фарқли томонлар учраб туради.

Ўзлашма фразеологизмлар бадий ва публицистик матнларда хилма-хил услубий мақсадларда қўлланилади. Бу ҳолатни ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий, устод Садриддин Айний ва Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов асарлари мисолида яққол кўриш мумкин. Келгусида ўзбек услубшунослиги ва фразеологиясида ўзлашма фразеологизмларнинг услубий хусусиятлари махсус ўрганилиши лозим.

# Фойдаланилган адабиётлар

## 1. Илмий-назарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. - Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 32 б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
3. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 40 б.
4. Абдуазизов А. Тилшунослик назариясига кириш. Дарслик. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош тахририяти, 2010. – 176 б.
5. Абдуллаев А. Фразеологизмларнинг экспрессивлик хусусияти // Ўзбек тили ва адабиёти. 1976. № 5. – Б. 36-39.
6. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Тошкент: Фан, 1983. – 88 б.
7. Абдуллаев Ш.Д. Таржима асарларда фразеологизмлар семантикаси (Т.Қайипбергенов асарларининг ўзбекча таржимаси асосида). НДА. – Тошкент, 2006. – 21 б.
8. Абдуллаев Ш. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги “*бош қотирмоқ*” ибораси ҳақида // Тил ва адабиёт таълими. 2005. № 1. – Б. 80-82.
9. Абдуназаров А. Некоторые вопросы развития лексики и фразеологии узбекского литературного языка 20-х годов (на материале сатирического журнала “Муштум”). Автореф. дис... канд. филол. наук. - Ташкент, 1968. – 23 с.
10. Абдусаидов А. Матбуот тилида окказионал фразеологизмлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 2003. № 4. – Б. 84-86.
11. Абдусаидов А. Фразеологизмлар – матбуот тилида таъсирчан восита (журналистлар, газета ходимлари ва талабалар учун қўлланма). - Самарканд: СамДУ нашри, 2001. – 48 б.

12. Абилгалиева М.Х. Сопоставительный анализ соматической фразеологии казахского и немецкого языков. Автореф. дис... канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1992. – 23 с.
13. Абрамович И.М. Об индивидуально-авторских преобразованиях фразеологизмов и отношении к ним фразеологического словаря // Проблемы фразеологии (исследования и материалы). - М.-Л., Наука, 1964. – С. 213-218.
14. Авакова Р.А. Семантико-морфологическая характеристика глагольных фразеологизмов современного уйгурского языка. Автореф. дис... канд. филол. наук. - Алма-Ата, 1991. – 27 с.
15. Айназарова Г.Б. Симметричные двухкомпонентные фразеологизмы в каракалпакском языке. Автореф. дис... канд. филол. наук. - Нукус, 2000.– 24 с.
16. Алмаматова Ш.Т. Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили. НДА. – Тошкент, 2008. – 22 б.
17. Амосова Н.Н. Основы английской фразеологии. - Л.: изд-во ЛГУ, 1963. – 208 с.
18. Архангельский В.Л. Устойчивые фразы в современном русском языке (основы теории устойчивых фраз и проблемы общей фразеологии). - Ростов-на-Дону, изд-во Ростовского ун-та, 1964. – 316 с.
19. Бабаджанов Ф.К. Ўзбек жадид драмаларининг лисоний хусусиятлари (Бехбудий ва Авлоний драмалари асосида), НДА. - Самарқанд: 2002. – 23 б.
20. Балли Ш. Французская стилистика. - М.: ИИЛ, 1961. – 394 с.
21. Бегматов Э., Абдусаидов А. Матбуот тилида фразеологик неологизмлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 2002. № 1. – Б. 23-27.
22. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. - Тошкент: Фан, 1985. – 214 б.
23. Бердиёров Ҳ., Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологиясига доир библиографик кўрсаткич. - Самарқанд, СамДУ нашри, 1977. – 38 б.
24. Бобоева А. Газета тилида “зиммага олмоқ” иборасининг вариантлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1978. № 2. – Б. 57-58.

25. Бозорбоев К. Ўзбек тилида сўзлашув нутки фразеологизмлари. НДА. - Самарқанд, 2001. – 22 б.
26. Брагина А.А. Как понимать вариантность фразеологизма? // Слово в грамматике и словаре. - М.: Наука, 1984. – С. 180-183.
27. Вафоева М.Й. Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структурал-семантик таҳлили. НДА. – Тошкент, 2009. - 26 б.
28. Виноградов В.В. Основные понятия русской фразеологии как лингвистической дисциплины // Виноградов В.В. Избранные труды. Лексикология и лексикография. - М.: Наука. 1977. – С. 118-139.
29. Виноградов В.В. Об основных типах фразеологических единиц в русском языке // Виноградов В.В. Избранные труды. Лексикология и лексикография. - М.: Наука. 1977. – С. 140-161.
30. Гак В.Г. Фразеологические единицы в свете асимметрии языкового знака // Вопросы фразеологии, выпуск УП. - Самарканд, СамГУ, 1976. - С. 5-13.
31. Гафаров Р. Язык и стиль Рахима Джалила (на материале романа «Пулат и Гульру»). Автореф. дис... канд. филол. наук. – Самарканд, 1964. – С. 13-17.
32. Гулямов Х. Узбекско-таджикские языковые связи (лексико-этимологическое исследование). – Ташкент: Фан, 1983. – 168 с.
33. Джураев Н.А. Фразеологические единицы как выразительные средства таджикского языка. Автореф. дис... канд. филол. наук. – Душанбе, 1988. – 24 с.
34. Жамолхонов Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили (дарслик). – Тошкент, “Талқин” нашриёти, 2005. – 272 б.
35. Жуков В.П. Русская фразеология. - М.: Высшая школа, 1986. – 310 с.
36. Жуков В.П. Семантика фразеологических оборотов. - М.: Просвещение, 1978. – 160 с.

37. Игамбердиев Р. Художественно-стилистическая роль фразеологизмов в «Бадаи-ал-вакаи» Зайниддина Восифи. Автореф. дис... канд. филол. наук. – Душанбе, 1975. – 25 с.
38. Исақова Г.Н. Ўзбек тилидаги қилмоқ феълининг лексик-семантик хусусиятлари. НДА. – Тошкент, 2008. – 21 б.
39. Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2007. – 108 б.
40. Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. - Тошкент: “Маънавият” нашриёти, 2002. – 80 б.
41. Каххарова Х. Фразеология Абдуллы Кадыри. Автореф. дис... канд. филол. наук. - Ташкент, 1985. – 23 с.
42. Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка. - М.: Высшая школа, 1986. – 336 с.
43. Ломов А.Г. Фразеология в творческой лаборатории А.Н.Островского. - Ташкент: Фан, 1987. – 96 с.
44. Маджидов Х. Лексико-семантические особенности глагольных фразеологических единиц современного таджикского литературного языка. Автореф. дис... канд. филол. наук. - Душанбе, 1968. – 24 с.
45. Маджидов Х. О заимствовании фразеологических единиц из русского языка в таджикском // Русский язык и литература в таджикской школе. 1981. № 2. – С. 14-18.
46. Маджидов Х. Фразеология современного таджикского литературного языка. Автореф. дис... доктора филол. наук. – Душанбе, 1995. – 48 с.
47. Малиновский Е.А. История изучения проблем фразеологии в русском языкознании. - Ташкент: Фан, 1991. – 92 с.
48. Маматов А. Фразеологизмлар шаклланишининг назарий асослари. - Тошкент: “Наврўз” нашриёти, 1997. – 28 б.
49. Маматов А. Фразеологик стилистика масалалари. - Тошкент, 1992. – 120 б.
50. Маматов А.Э. Проблемы лексико-фразеологической нормы в современном узбекском литературном языке. Автореф. дис... доктора филол. наук. - Ташкент, 1991. – 52 с.
51. Маматов А. Ўзбек тилида фразеологизмларнинг шаклланиши масалалари. ДДА. - Тошкент, 2000. – 49 б.

52. Мақсудов Т., Зикриёев Ф., Чалилов Х. Дар бораи воҳидҳои фразеологи ва вазифаи синтаксиси онҳо (ба ёри студентони мактабҳои оли). – Душанбе, 1976. – 86 с.
53. Миртожиев М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. Ўқув қўлланмаси. - Тошкент: Университет, 2000. – 80 б.
54. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. - Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2010. – 288 б.
55. Миртожиев М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-жилд. - Тошкент: Университет, 2004. – 222 б.
56. Мокиенко В.М. Славянская фразеология. - М.: Высшая школа, 1989. – 287 с.
57. Молотков А.И. Основы фразеологии русского языка. - Л.: Наука, 1977. – 284 с.
58. Назарян А.Г. Фразеология современного французского языка. - М.: Высшая школа, 1987. – 288 с.
59. Нёматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 128 б.
60. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. - Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2002. – 232 б.
61. Олимов М. “Бобурнома”да қўлланган фразеологик иборалар // Ўзбек тили ва адабиёти. 2002. № 6. – Б. 25-28.
62. Пинхасов Я.Д. Ҳозирги ўзбек адабий тили (лексикология ва фразеология). - Тошкент: Ўқитувчи, 1969. – 80 б.
63. Рафиев А. Иборалар - нутқимиз кўрки. - Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 1985. – 22 б.
64. Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. – Тошкент: Фан, 1970. – 59 б.
65. Раҳматуллаев Ш. Фразеологик бирликларнинг асосий маъно турлари. - Тошкент, ЎзФА нашри, 1955. - 28 б.
66. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили (дарслик). – Тошкент, “Университет” нашриёти, 2006. – 464 б.
67. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги замон ўзбек тилидаги ўзлаштирма фразеологик бирликлар ҳақида // Ўрта Осиё давлат университети (САГУ)нинг илмий асарлари, С1У

- чиқиши. Ўзбек тилшунослиги масалалари. – Тошкент, 1957. – Б. 25-37.
68. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек ва рус тилларида фразеологик антонимлар. – Тошкент: Университет, 1999. – 32 б.
69. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари (фразеологик бирликларда полисемия, синонимия, вариация, антонимия, омонимия ва омонимлик). – Тошкент, Фан, 1966. – 264 б.
70. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилида феъл фраземаларнинг боғлашуви. – Тошкент: Университет, 1992. – 128 б.
71. Сиддиқова М. Ўзбек ва тожик тилларида муштарак иборалар ҳақида // Ўзбек тили грамматик қурилиши ва диалектологияси масалалари. СамДУ асарлари. Янги серия. 227-чиқиши. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1971. – Б. 198-205.
72. Турсунов У.Т. Состояние и задачи изучения фразеологии узбекского языка // Вопросы фразеологии, материалы межреспубликанской научной конференции. – Самарқанд, СамГУ, 1961. – С. 7-11.
73. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 1992. – 399 б.
74. Усмонова Ш.Р. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар. НДА. – Тошкент, 1998. – 22 б.
75. Хасанов И. Лексика и фразеология романа Джалола Икрами «Духтари оташ». Автореф. дис... канд. филол. наук. – Душанбе, 1966. – С. 17-24.
76. Хушенова С.В. Библиографический указатель литературы по таджикской фразеологии (с приложением библиографии по фразеологии памирских языков). – Душанбе: Дониш, 1977. – 65 с.
77. Хушенова С.В. Изафетные фразеологические единицы таджикского языка. – Душанбе: Дониш, 1971. – 190 с.
78. Чориев Т.Р. Садриддин Айний публицистик асарларининг тили ва услуби (лексика ва фразеология). НДА. – Самарқанд, 2001. – 22 б.
79. Шамсиддинов Ҳ. Сўзлар функционал-семантик синонимларининг шаклий ва маъновий табиати. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Университет, 2008. – 94 б.

80. Шамсиддинов Х. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари. ДДА. - Тошкент, 1999. – 46 б.
81. Шанский Н.М. Фразеология современного русского языка. - М., Высшая школа, 1985. – 160 с.
82. Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиёв А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1-қисм. - Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 448 б.
83. Шомаксудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси.- Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 248 б.
84. Юсупов К. Ўзбек адабий тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари. - Тошкент: Фан, 1986. – 124 б.
85. Юсупов К. Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири. – Тошкент: Фан, 1974. – 116 б.
86. Ўринбоев Б., Ўринбоева Д. Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услуби. - Тошкент: Фан, 1991. – 160 б.
87. Қаҳҳорова Х. Абдулла Қодирий асарларида бошқа тил фразеологизмлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1983. № 3. – Б. 64-65.
88. Қўчқортоев И. Бадиий нутқ стилистикаси. - Тошкент, ТошДУ нашри, 1975. – 82 б.
89. Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги (ўзбек тилидаги нутқ феъллари материали асосида). - Тошкент: Фан, 1977. – 168 б.
90. Гаффоров Р. Забони адабии ҳозираи тоҷик (ибора ва хелҳои он). – Самарқанд: СамДУ, 2001. – 107 с.
91. Ҳакимов Қ.М. Ўзбек тилида содда гап қолиплари фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанликлари, НДА. - Тошкент: 1994. – 24 б.

### **П.Луғатлар:**

92. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. - М., 1969. – 608 с.
93. Менглиев Б., Бойматова О., Худойбердиева М. Ўзбек тили иборалари ўқув луғати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – 72 б.
94. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. - Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – 408 б.
95. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. - Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1992. – 382 б.

96. Содикова М. Русча-ўзбекча фразеологик луғат. - Тошкент: Фан, 1972. – 192 б.
97. Содикова М. Қискача ўзбекча-русча фразеологик луғат. - Тошкент: ЎзСЭ бош редакцияси, 1989. – 336 б.
98. Фразеологический словарь русского языка, под редакцией А.И.Молоткова.-М.: “Русский язык”, 1987. – 543 с.
99. Фразеологический словарь современного русского литературного языка. В двух томах. Том 1. Под редакцией А.Н.Тихонова. – М.: «Флинта», «Наука», 2004. – 832 с.
100. Фразеологический словарь современного русского литературного языка. В двух томах. Том II. Под редакцией А.Н.Тихонова. – М.: «Флинта», «Наука», 2004. – 832 с.
101. Шанский Н.М., Бистрова Е.А., Аликулов Т. Рус тилидаги 700 фразеологик ибора. – М.: “Русский язык”, 1981. – 118 б.
102. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, икки томлик, 1-том. - М., 1981. – 632 б.
103. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, икки томлик, 2-том. - М., 1981. – 715 б.
104. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. А.Мадвалиев таҳрири остида. 1-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 680 б.
105. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. А.Мадвалиев таҳрири остида. 2-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 672 б.
106. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. А.Мадвалиев таҳрири остида. 3-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – 688 б.
107. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. А.Мадвалиев таҳрири остида. 4-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 608 б.
108. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. А.Мадвалиев таҳрири остида. 5-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 592 б.
109. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. - Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” нашриёти, 2002. – 168 б.

110. Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. - Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 308 б.

### **Ш. Бадий асарлар:**

111. Садриддин Айний. Судхўрнинг ўлими. Қиссалар. – Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – 424 б.
112. Абдулла Қодирий. Мехробдан чаён. Худоёрхон ва муншийлари ҳаётидан тарихий роман. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987. – 240 б.
113. Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Роман. - Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2007. – 384 б.
114. Эркин Воҳидов. Сайланма. Биринчи жилд. Ишқ савдоси. - Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2000. – 416 б.
115. Эркин Воҳидов. Сайланма. Иккинчи жилд. Шеър дунёси. - Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2001. – 352 б.
116. Эркин Воҳидов. Сайланма. Учинчи жилд. Умрим дарёси. - Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2001. – 400 б.

### **ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР:**

АДД – автореферат докторской диссертации.

АКД - автореферат кандидатской диссертации.

ДДА – докторлик диссертацияси автореферати.

НДА – номзодлик диссертацияси автореферати.

ТТИЛ – Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати, Тошкент, 2002.

ФК – фразеологик калька

ФСРЯ – Фразеологический словарь русского языка. Под редакцией А.И.Молоткова. – М., Русский язык, 1987.

ЎТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли луғати, икки томлик, 1-П-томлар. - М., 1981.

ЎТИЛ-5 – Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш томлик. 1-У-томлар. – Тошкент, 2006-2008.

ЎТИЎЛ – Б.Менглиёв, О.Бойматова, М.Худойбердиева. Ўзбек тили иборалари ўқув луғати. – Тошкент, 2007.

ЎТСИЛ – Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати, Тошкент, 1974.

ЎТИФЛ – Раҳматуллаёв Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати, Тошкент, 1978.

ЎТФЛ – Раҳматуллаёв Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати, Тошкент, 1992.

ҚЎРФЛ - Содикова М. Қисқача ўзбекча-русча фразеологик луғат, Тошкент, 1989.

### **ИЛОВА:**

**Ўзбек тилидаги ўзлашма фразеологизм-**

## ларнинг қисқача алифбо кўрсаткичи

1. Авзойи бузук
2. Аддунё жийфатун ва толибуҳд килоб – Ғ.Ғулом
3. Азбаройи шифо
4. Азбаройи худо
5. Айюҳаннос солмоқ
6. Алифни калтак деёлмаслик
7. Алмисокдан бери
8. Алмисокдан қолган
9. Америка кашф этмоқ – открыть Америку
10. Америка кашф қилмоқ
11. Америка очмоқ – открыть Америку
12. Амри маҳол
13. Амри маҳол бўлмоқ
14. Андазаси келишган
15. Андаза кўтармоқ
16. Андаза олмоқ
17. Анқога шафе
18. Анқонинг уруғи
19. Анқонинг тухуми
20. Архивга топширмоқ
21. Асфаласофилин бўлмоқ
22. Асфаласофилинга кетмоқ
23. Атгаому било милҳи (тузсиз ош) – А.Қодирий
24. Ақли бовар этмайди
25. Ақли бовар қилмайди
26. Бажо келтирмоқ
27. Байту ғазал билан мақтамоқ
28. Байтул хазан – қайғу уйи
29. Баҳридан кечмоқ
30. Баҳридан ўтмоқ
31. Баҳра олмоқ
32. Бири боғдан, бири тоғдан
33. Бир винти кам
34. Бир нуқоти кам
35. Бир оғиз
36. Бир томчи қони қолгунча

37. Бир “юлдуз”и икки бўлмаслик
38. Бозори касод бўлмоқ
39. Боши берк кўчага кириб қолмоқ
40. Бошига шўришлар тушмоқ
41. Булбули гўё
42. Булбулигўё бўлмоқ
43. Бўзчининг моксидай югурмоқ
44. Бўзчининг моксидай қатнамоқ
45. Бўйнига солмоқ
46. Гап тўқимоқ – гап бофтан
47. Головам (миям) айниди – А.Қодирий
48. Гулханига фонар ёғи сепмоқ
49. Гўши (қулоғи)га илмоқ - А.Қодирий
50. Дарди бедаво
51. Дарди сар бўлмоқ
52. Дасти алиф-лом
53. Дасти алиф-лом қилмоқ
54. Дақёнусдан бери
55. Дақёнусдан қолган.
56. Даққиюнусдан қолган
57. Даҳага кирган
58. Даҳанаки жанг
59. Дунёни сув босса, тўпиғига чиқмаслик
60. Дўпписини дол қўндирмоқ
61. Дўппи тор келганда
62. Ерпарчин бўлмоқ
63. Ёғламасанг – юрмайди – не подмажешь – не поедешь
64. Жавлон урмоқ
65. Жазавази тутди
66. Жобажо бўлмоқ
67. Жобажо этмоқ
68. Жобажо қилмоқ
69. Жувонмарг бўлмоқ
70. Жувонмарг қилмоқ
71. Жудо айламоқ
72. Жудо бўлмоқ
73. Жудо этмоқ
74. Жудо қилмоқ

75. Жунбушга келмоқ
76. Жунбушга кирмоқ
77. Жуфтагини ростлаб қолмоқ
78. Жуфтакни урмоқ
79. Жуфтак урмоқ
80. Зафар маррасини қучмоқ
81. Зеру забар қилмоқ – зеру забар кардан
82. Игнанинг устида ўтиргандек – сидит как на иголках
83. Изза емоқ
84. Изза тортмоқ
85. Изза чекмоқ
86. Изза қилмоқ
87. Изо чекмоқ
88. Изоси ичига тушмоқ – А.Қодирий
89. Илдиз отмоқ – пускать корни
90. Иннаддина индаллоҳи ислом – Ғ.Ғулом
91. Ичини ёрса алиф чикмаслик
92. Калавасининг учини йўқотмоқ – сари калобаи худро гум кардан
93. Калушга ўтирмоқ – сесть в галошу
94. Куфрони неъмат
95. Куфрони неъмат бўлмоқ
96. Куфрони неъмат қилмоқ
97. Кўзига тупроқ сочмоқ
98. Кўзини мошдек очмоқ – кўзи мошдек очилди
99. Кўзини мошдек очиб қўймоқ
100. Кўзи қон – дидаи хунбор
101. Кўз-қулоқ бўлмоқ – гўшу чашм шудан
102. Кўнгли чўкмоқ
103. Кўнгли қаро – сиёҳ дил
104. Кўрган кунига кул тортмоқ
105. Лафзидан қайтмоқ
106. Лабини лабига босмоқ
107. Лафзини ютмоқ
108. Лафзи тез
109. Лафзи ҳалол
110. Лашкар тортмоқ
111. Лом демаслик

112. Лом дея олмай қолмоқ
113. Лом-мим демай
114. “Лому мим” демай
115. Лом-мим демаслик
116. Лоф урмоқ – лоф задан
117. Манглайига битмоқ
118. Манглайига сиғмаслик
119. Манглайи шўр
120. Манглайи қора
121. Масаласи кўрилди
122. Масаласини кўймоқ
123. Масалани кўндаланг кўймоқ
124. Масалани кўндаланг қилиб кўймоқ
125. Масала талашмоқ
126. Масжид бузилса меҳроби қолмоқ
127. Машқи паст
128. Машқи пасайди
129. Машқини олмоқ
130. Мағлуб бўлмоқ
131. Мағлубиятга учрамоқ
132. Мағлуб қилмоқ
133. Маҳрига тушмоқ
134. Мин хабл-ул варид – жуда яқин
135. Миридан сирини ажратмоқ
136. Миридан сирини айирмоқ
137. Миридан сиригача
138. Мисли йўқ
139. Мисли кўрилмаган
140. Мия механизмидан бир винти тушиб қолган
141. Мот бўлмоқ
142. Мотга тутмоқ
143. Мот қилмоқ
144. Мош еган хуроздай
145. Моши очилмаслик
146. Муккаси билан тушиб кетмоқ
147. Мукка тушмоқ
148. Муккасидан кетмоқ
149. Мурожаат этмоқ

150. Мурожаат қилмоқ
151. Мусичаи бегуноқ
152. Номер биринчида юрмоқ – Э.Воҳидов
153. Номери ўтмайди
154. Нуқси урмоқ
155. Нуқс топмоқ
156. Нуқта қўймоқ – поставить точку
157. Оби-дийда қилмоқ
158. Олам сирдонига калит топмоқ – Э.Воҳидов
159. Оқ кундаёқ – средь белого дня
160. Печат тушмоқ
161. Печу тоб
162. Пинжида юрмоқ
163. Пок домон
164. Пўлат отни мағрур сурмоқ
165. Ролга кирмоқ – войти в роль
166. Роль ўйнамоқ – играть в роль
167. Сартия рўйи сиёҳ
168. Сеҳрли доира – заколдованный круг
169. Сиёҳ бахт
170. Сичқон-мушук ўйнамоқ – играть в кошки-мышки
171. Субҳини шом айламоқ – субҳан шом шуд
172. Сув келса симирмоқ, тош келса кемирмоқ
173. Сувдан қуруқ чиқмоқ – выйти из воды сухим
174. Сукут – аломати ризо
175. Сўнгаки оқармоқ – устухонро сафед шуд
176. Татиғини емоқ
177. Татиғини бермоқ
178. Татиғини тортмоқ
179. Тийра рўзғор
180. Турфат-ул-айн – жуда тез, кўз очиб юмгунча
181. Уддага олмоқ
182. Устаси фаранг
183. Уҳдага олмоқ
184. Фонар ёғига ўхшаб лоп этиб бир ёниб, пис этиб яна ўчмоқ
185. Халқ йўли – ҳақ йўли
186. Хокисор қилмоқ

187. Хом хаёл
188. Чап чўнтакка урмоқ – класть в левый карман
189. Чархи кажрафтор
190. Шатакка олмоқ – брать на буксир
191. Шўрини қуритмоқ
192. Эрта кунни кеч қилмоқ – субх шом шуд
193. Янги Америка очмоқ – открыть новую Америку
194. Ўз гази билан ўлчамоқ
195. Ўйиндан чиқмоқ – выйти из игры
196. Ўт билан ҳазиллашмоқ – шутить с огнем
197. Қаддини камон этмоқ – Э.Воҳидов
198. Қалб уйини очмоқ – Э.Воҳидов
199. Қаро кун – сиёҳ рўз
200. Қизил ип бўлиб ўтмоқ – проходить красной нитью
201. Қорнини ёрса алиф чиқмайди
202. Қошларини обжувоз қилмоқ
203. Қулоқ солмоқ – гўш андохтан
204. Қўлни қўлга бериб – рука об руку
205. Қўл қўймоқ – даст мондан

## МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
Кириш (ўзбек ва тожик тилшунослигида фразеологизмларнинг ўрганилиш тарихига доир).....	6
Биринчи боб. Ўзбек тилида ўзлашма фразеологизмларнинг илмий-назарий тавсифи ҳақида.....	28
Иккинчи боб. Ўзлашма фразеологизмларнинг шаклланиши ва семантик хусусиятлари.....	49
Учинчи боб. Ўзлашма фразеологизмларнинг айрим услубий хусусиятлари.....	67
Умумий хулосалар.....	83
Фойдаланилган адабиётлар.....	85
Шартли қисқартмалар.....	94
Ўзбек тилидаги ўзлашма фразеологизмларнинг қисқача алифбо кўрсаткичи.....	95

**Бекмурод Йўлдошев,  
Гулноза Адашуллаева**

**ЎЗБЕК ТИЛИДА ЎЗЛАШМА  
ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ СЕМАНТИК-  
УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**  
монография

Мухаррир

Г.Раҳимова

Мусахҳиҳ

У.Рашидова

Тех.муҳаррир

Б.Эгамбердиев

2012 йил 30 ноябрда оригинал макетдан босишга рухсат этилди.  
Бичими 60x84/1,16. “Times New Roman” гарнитураси.  
Ofset қоғози. Ofset босма усулида босилди. Шартли босма тобоғи 6,25.  
Нашриёт босма тобоғи 4,5. Адади 60 нусха. 137-буюртма.

---

**СамДУ босмахонасида чоп этилди.  
140101, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15.**



